

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 37.016:811.512.133

РАЖАПОВА КУМУШ МАШАРИПОВНА

**ИЎТҚИЙ КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТИЗИМЛИ
ЎНДАШИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ (5-7 синф она
тили дарслари мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

**педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Фарход Бобожонов,
филология фанлари номзоди, доцент**

Жиззах-2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШ ЗАРУРАТЛАРИ	14
1.1. Она тили дарсларида нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантириш педагогик муаммо сифатида.....	14
1.2. 5-7 синф она тили дарсларида нутқий кўникмаларни ривожлантириш жараёни таҳлили.....	23
1.3. 5-7 синф “Она тили” дастур ва дарсликлариди нутқий малакаларни ривожлантирувчи ўқув материаллари таҳлили	35
1-боб бўйича хулоса.....	47
II БОБ. ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШ МЕТОДИКАСИ	48
2.1. Нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантириш тамойиллари.....	48
2.2. Нутқий кўникмаларни синфлар кесимида матн устида ишлаш орқали тизимли ривожлантириш усуллари.....	66
2.3. Нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришга доир интерфаол усуллардан фойдаланиб ўқитиш йўллари.....	85
2-боб бўйича хулоса.....	94
III БОБ. НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ТИЗИМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ	96
3.1. Ўтказилган тажриба-синов ишларининг мазмуни.....	96
3.2. Тажриба-синов ишларининг ўтказилиши ва натижалари.....	103
3-боб бўйича хулоса	119
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	120
Фойдаланилган адабиётлар	123

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида интеграциялашув жараёни жадаллашаётган айти вақтда она тилларни асраш ва ўқитиш масалалари муҳим вазифага айланиб бормоқда. Барча тилларда ўқитиш тамойиллари замонавий тенденцияларни ўз амалиётида синаб кўрмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг илғор ўқитиш услублари оммалашмоқда. Она тили таълими ҳар бир миллатнинг тараққиёт даражасини белгилаб берувчи муҳим омилдир, агар барча соҳада илмий ренессанснинг амалга оширишга бўлса, буни она тили таълимини такомиллаштиришдан бошлаш керак.

Дунёда тилларни ўқитиш прагматик ёндашувга асосланган бўлиб, дарс жараёнида лингвистик компетенцияларни шакллантириш нутқий компетенцияларнинг ривожланишига олиб келади. Она тили таълими билан ўзбек тили, яъни давлат тили таълими ўртасида муайян фарқ мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир. Тил ўрганишга қўйилган мазкур талаблар асосида тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш малакалари шаклланади. Бундай ёндашувдан ижодий фойдаланиб, она тили дарсларини ҳам самарали ташкил этиш мумкин. Ривожланган давлатларнинг тил ўқитиш методикасида эшитиш (listening), гапириш (speaking), ёзиш (writing) ва ўқиш (reading) каби кўникмалар амалий машғулотлар, асосан, машққа таянади, машқ ва топшириқ аниқ фарқланади, ўз ўрнида ишлатилади. Шу сабабли уларнинг тил ўрганиш компетентлиги юқоридир. Шунингдек, PISA, PIRLS каби халқаро баҳолаш тизимлари орқали дунёнинг кўплаб давлатларида ўқувчиларнинг ўқиш саводхонлиги аниқланади.

Мамлакатимизда ҳам она тили ўқитиш компетенциявий ёндашувга асосланади. Умумий ўрта таълим тизимидаги она тили ўқув предметига доир ўқув материаллари мазмунини такомиллаштириш, хусусан, ўқувчиларда тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш каби нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашиш бугунги кунда давлат сиёсати даражасидаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Она тили

дарсларида матн устида ишлаш орқали ўқувчиларда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш зарур. Зеро, “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”¹, – деб таъкидланиши она тили таълими олдида мамлакатимиз ёшларини ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда эркин ҳамда саводли баён қила оладиган мустақил фикр соҳиблари этиб тарбиялашдек долзарб вазифаларни кўяди. Шу маънода умумий ўрта таълим тизимида нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашиш, хусусан, ўқувчиларда тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш каби *нутқий кўникмаларни одатга айлантириш* учун она тили таълимига доир ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. –Б.14.

вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион иқтисодий ривожлантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда кейинги йилларда она тили ўқитиш методикасига доир бир қатор илмий-методик тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, Ш.Юсупова² ва Н.Юлдашева³ кабилар ўз тадқиқотларида она тилини янги педагогик технологиялар асосида ўқитишни тарғиб қилган. А.Ғуломов⁴, М.Саидов⁵ ва Н.Алавуддиновалар⁶ эса она тили ўқитиш орқали мустақил ишлаш, ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш методикаси устида изланишлар олиб борган. Шунингдек, узлуксиз таълимда она тилидан тил сатҳларини ўқитиш методикаси бўйича ҳам бир қатор тадқиқотлар олиб борилган, жумладан, Т.Юсупова гапнинг бош бўлақларини ўқитиш методикаси бўйича илмий изланишлар олиб борган⁷. Мазкур диссертация мазмунидан бугунги кунда она тили таълимида кенг фойдаланиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, она тили ўқитиш методикасига турли даврларда филолог олимлар ҳам дастур, дарслик муаллифлари сифатида ўзларининг

² Юсупова Ш. Она тили таълими самарадорлигини ошириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш: пед. фан. ном-ди дисс. ТДПИ. –Т.,1998.– 137 б.

³ Юлдашева Н. Умумий ўрта таълим мактабларида лугавий синонимларни янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикаси: пед.фан. номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилан дисс.–Т., 2002. –123б.

⁴ Гулямов А. Методика развития учебно - познавательной активности учащихся в процессе преподавания родного (узбекского) языка: Дис. док. пед. наук. –Т.: ТГПИ, 1991. – 37 б.

⁵ Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси: пед. фан. ном-ди дисс. автореф.ТДПУ. –Тошкент, 2000.– 25 б.

⁶ Алавуддинова Н. Она тили дарсларида ижодий фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикаси: пед. фан. ном-ди дисс. автореф.ТДПУ. – Т., 2008.– 24 б.

⁷ Юсупова Т. Узлуксиз таълим тизими асосида мактабда ўқувчиларга бош бўлақларни ўргатиш: пед. фан. ном-ди дисс. автореф.ТДПИ. –Т.,1998.– 22 б.

муносиб ҳиссаларини кўшдилар. Ҳ.Неъматов, Н.Маҳмудов, А.Собиров, И.К.Мирзаев кабилар шулар жумласидандир. Б.Менглиев она тили таълими мақсади ва мазмунини ишлаб чиққан профессор Ҳ.Неъматов ғояларига таяниб, она тили ўқитишда янги – ортикча грамматизмдан воз кечиб, ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ривожлантириш, луғат ва матн асосида миллий тилни, миллий маънавиятни ўқувчи тафаккурига сингдириш, ўқувчини турли нутқ вазиятларига тайёрлаш, ижодий тафаккур соҳибларини тарбиялаш йўналишида тизимли тадқиқотлар олиб бормоқда.⁸

Тадқиқотчи А.Бобомуродова она тили таълимида ўйин-топшириқлардан фойдаланиш, методист Т.Зиядова она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш имкониятлари, М.Саидов ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикасига доир, Т.Т.Ғаниевлар она тилидан машқ бажариш жараёнида ўқувчининг билиш фаоллигини ошириш масалаларини тадқиқ қилишган. А.Ҳамроев⁹ она тили таълимида таълим олувчининг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммосини ўрганган.

Бу борада методист К.Мавлонованинг “Она тили фанини адабиёт фани билан бадий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш” мавзусидаги тадқиқот ишини алоҳида таъкидлаш лозим. Олима томонидан она тили таълимининг бугунги ёндашувларига мос равишда энг мураккаб бўлиб турган матн устида ишлаш, уни ўқий олиш, тушуна олиш ва энг муҳими, матн ярата олиш кўникмаларини адабиёт фани билан интеграция қилган ҳолда ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилган.¹⁰

⁸ <http://uza.uz/oz/education/-uvchini-mayib-ilayetgan-k-rinmas-va-samarasiz-milliardlar-14-11-2019>

⁹ Ҳамроев А.Р. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш. Педагогика фанлари доктори (Dsc) илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс. –Тошкент, 2020. –242 б.

¹⁰ Мавлонова К. Она тили фанини адабиёт фани билан бадий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш Пед. фанл. бўйича фал. док. (PhD)илм. дараж. олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Т.: 2019. -22 б.

Рус педагоглари А.Н.Леонтьев, Ж.А.Пономарев, С.Л.Рубенштейн¹¹ кабилар ўқув топшириқлари ва уларнинг дидактикада тутган ўрни, вазифалари ҳақида кузатишлар олиб борган. Жумладан, Леонтьев “топшириқ” тушунчасини қуйидагича характерлайди: “Топшириқ – муайян шартларга асосланиб олдинга қўйилган мақсаддир”¹².

Айниқса, Ғ.Ҳамроевнинг нутқий кўникмаларни ривожлантиришда ўзига хос аҳамиятга эга бўлган ўқув топшириқларини ўзаро фарқлаш, хусусан, машқ ва топшириқнинг лингводидактик фарқи, қўлланилиш ўринлари, шунингдек, таснифи ва тавсифига доир тадқиқотлари¹³ она тили ўқитиш методикасида нутқий кўникма ва малакаларнинг нега кутилгандек ривожланмаётгани сабабларини аниқлашда муайян даражада ечим вазифасини ўтаган. Бироқ, она тили таълимида ҳали ҳам ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ривожлантириш масаласи тўла ўз ечимини топган эмас. Мазкур тадқиқотимизда она тили дарсларида зарур грамматик маълумотлар ва матнлар устида ишлаш орқали ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашиш методикаси ишлаб чиқилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Қорақалпоқ давлат университетининг №1 «Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари» (2017-2021 йй) мавзусидаги илмий тадқиқотлар режаси асосида бажарилган.

¹¹ Рубенштейн С.Л. Проблемы общей психологии. – М.: Педагогика, 1976. –416 с. Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. – М.: Педагогика, 1972. –576 с. Пономарев Я.А. Психология творчества и педагогика, 1976. –280 с. Розыков О.Р. Теоретические основы оптимального применения системы учебных задач в обучении школьников (на материалах гуманитарных предметов). Автореферат дисс...док. пед. наук. – Тбилиси, – 1986. –50 с. Розыков О.Р. ва бошқалар. Дидактика. – Т.: Фан, 1997. –256 б. Краткий педагогический словарь. – М.: 1984

¹² Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. – М.: Педагогика, 1972. –576 с.

¹³ Ғ.Ҳамроев Умумий ўрта таълим мактабларида фонетикага доир ўқув методик таъминотни такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фал.д-ри. (PhD) диссертацияси –Самарқанд. 2019. 43-б.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълимнинг она тили дарсларида зарур грамматик маълумот ва матнлар устида ишлаш орқали ўқувчиларнинг нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълим тизимида нутқий кўникмаларни ривожлантиришнинг бугунги аҳволини ўрганиш ва унинг она тили таълими тизимида тутган ўрнини белгилаш;

дарсликлардаги нутқий кўникмаларни ривожлантиришга оид ўқув материалларининг ДТС ҳамда дастур талабларига мослигини қиёсий ўрганиш, шунингдек, уларни ўқитиш билан боғлиқ муаммоларнинг сабабларини аниқлаш ва ечимлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

нутқий кўникмаларни ривожлантириш орқали ўқувчиларда адабий талаффузни шакллантириш, имловий саводхонликни, сўз бойлигини ошириб бориш, мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришнинг мазмун, усул ва воситаларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш;

ўқувчилар нутқий кўникмаларини ривожлантиришга тизимли ёндашишнинг метод, усул ва технологияларини ишлаб чиқиш;

она тили дарсларида зарур грамматик маълумотлар ва турли нутқ услубига доир матнлар устида ишлаб нутқий кўникмаларни жадал ривожлантиришга эришиш усулини аниқлаш;

она тили дарсларида нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашиш методикасига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни тажрибада синаб кўриш ва олинган натижаларни статистик таҳлилга тортиш.

Тадқиқотнинг объекти умумий ўрта таълим мактабларининг 5–7 синфларида она тили дарсларида нутқий кўникмаларни ривожлантириш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашишнинг методик таъминоти мазмуни, усуллари, тизими ва технологиясини ишлаб чиқиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, киёсий таҳлил, зидлаш, таснифлаш, суҳбат, статистик таҳлил, интервью, анкета-сўровномалари, педагогик тажриба-синов каби бир қатор усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим тизимида нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашишнинг методик асослари ишлаб чиқилган ва унинг она тили таълимида тутган ўрни, жамият тараққиёти, шахс камолотидаги аҳамияти зарур грамматик маълумотлар ва шунга мос нутқий малака ҳосил қилувчи ўқув материалларни параллел қўллаш орқали асосланган;

нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашиш, хусусан, ўқувчида тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини матн устида ишлаш орқали бир машғулотнинг ўзида ҳосил қилиш методикаси ишлаб чиқилган;

турли нутқ вазияти ва барча нутқ услубларига хос матнлар устида ишлаш орқали ўқувчиларда тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини тизимли ривожлантиришнинг методик таъминоти прагматик ўқув топшириқларга асосланган ҳолда яратилди;

нутқий кўникмаларни зарур грамматик маълумотлар ва турли нутқий вазиятларга тайёрловчи дидактик матнлар асосида тизимли ривожлантириш ўқувчиларда ҳаётучун зарур бўлган коммуникатив, ихтиёрий нутқ вазиятига мослашиш, ўз фикрини турли шаклларда равон ва ихчам ифодалай олиш малакаларини ҳосил қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим тизимининг 5–7 синфлари учун умумий ўрта таълим тизимида нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашиш методикаси амалиётга жорий этилган;

умумий ўрта таълим мактабларида нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашиш орқали ўқувчиларда адабий талаффуз кўникмаларини шакллантириш, имловий саводхонлик, сўз бойлигини

ошириш ва мустақил ишлай олиш каби нутқий кўникмаларни комплекс шакллантириш технологияси ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинган;

она тили ўқитувчиларининг нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашишга доир кўникма ва малакалари, дарс жараёнида самарали ўқув материалларидан фойдаланиш методикаси жорий қилинган;

тадқиқот натижаларидан компетенциявий ёндашувга асосланган янги ДТС ва ўқув дастурлари, шунингдек, дарсликлар яратишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Қўлланилган тадқиқот усуллари ва илмий-назарий маълумотларнинг расмий манбаларга алоқадорлиги, келтирилган таҳлил ҳамда тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари орқали асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогика ва таълим тарихини ўрганишда, она тили ўқитиш методикасини такомиллаштиришда, нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашишнинг таълимда тутган ўрнини белгилашда муҳим назарий аҳамият касб этиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда илгари сурилган ғоялар, назарий қараш ва амалий тавсиялар “Она тили” дарсликлари, ўқув қўлланмалар яратишда ҳамда маъруза матнлари тайёрлашда, шунингдек, олий ўқув юртларининг филология факультетларида “Она тили ўқитиш методикаси” фанидан маъруза матнлари тузишда материал бўлиб хизмат қилиши, умумий ўрта таълим мактабларининг 5–7-синф ўқувчиларида нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашишда муҳим қўлланма бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Она тили машғулотларида нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашиш мавзуси тадқиқи жараёнида эришилган илмий натижалари асосида:

умумий ўрта таълим тизимида нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашишнинг методик асослари ишлаб чиқилган ва унинг она тили таълимида тутган ўрни, жамият тараққиёти, шахс камолотидаги аҳамияти зарур грамматик маълумотлар ва шунга мос нутқий малака ҳосил қилувчи ўқув материалларни параллел қўллаш ҳақидаги хулосалардан 2017-2020 йилларда бажарилган ФЗ-2016-0908165532 рақамли “Қорақалпоқ тилининг янги алифбоси ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётни ривожлантириш методикаси” номли фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика илмий тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон филиалининг 2021 йил 17 июлдаги 153-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг янги алифбо ва имло қоидаларига билан боғлиқ бобларининг назарий жиҳатдан бойишига эришилган;

нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашиш, хусусан, ўқувчида тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини матн устида ишлаш орқали бир машғулотнинг ўзида ҳосил қилиш тўғрисида ишлаб чиқилган методикалардан 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 02 августдаги 189/1-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши ҳақидаги амалий қисмининг илмий далиллар билан бойитилишига эришилган.

турли нутқ вазияти ва барча нутқ услубларига хос матнлар устида ишлаш орқали ўқувчиларда тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини тизимли ривожлантиришнинг методик таъминоти прагматик ўқув топшириқлари ҳақидаги натижалардан 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 02 августдаги 189/1-сонли

маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг амалий қисми барча нутқ услубларига хос матнлардаги сўз ясалиши тўғрисидаги фикрлар билан бойитилган.

нутқий кўникмаларни зарур грамматик маълумотлар ва турли нутқий вазиятларга тайёрловчи дидактик матнлар асосида тизимли ривожлантириш ўқувчиларда ҳаётучун зарур бўлган коммуникатив, ихтиёрий нутқ вазиятига мослашиш, ўз фикрини турли шаклларда равон ва ихчам ифодалай олиш малакаларини ҳосил қилиши ҳақидаги фикрлар билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Қорақалпоғистон миллий телерадиокомпанияси томонидан эфирга узатилган “Тавҳар сўзлар”, “Ассалому алайкум Қарақалпоғистан”, “Тилга эътибор – элга эътибор”, “Мерос” кўрсатувларида чиқишлар қилинган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қорақалпоғистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 20 августдаги 01-02/ 402-сонли маълумотномаси) натижада аҳолига она тилини асраш, уни ривожлантириш, ўқитиш, жамият орасида мавқеини ошириш бўйича керакли тавсия ва тушунтиришлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, шундан, 4 таси республика ва 3 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 134 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШ ЗАРУРАТЛАРИ

1.1-§. Она тили дарсларида нутқий кўникмаларни ривожлантириш педагогик муаммо сифатида

Ҳар бир давр таълим олдига ўз вазифасини қўяди. Юз йил олдинги таълим мазмуни билан бугунгисининг ўртасида анча фарқ бор, хусусан, она тили ўқитиш масаласида ҳам. Аслида тил ўқитиш муайян ўзгармас талабларга эга бўлади, бироқ замоннинг эҳтиёжига кўра мазкур мезонлар босқичма-босқич такомиллаштирилади. Бугунги она тили таълими грамматизмдан воз кечиб, нутқий кўникмаларни ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда. Тўғри, грамматик маълумотларсиз она тили таълимини тасаввур этиб бўлмайди, бироқ тилнинг ташувчиларига куруқ грамматик коидалар орқали ҳам тилни ўргатиб бўлмайди. Замонавий она тили таълимининг асосий муаммоси нутқий кўникмаларни қандай қилиб самарали ривожлантиришга эришишдир. Бу борада шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир ҳодиса муайян тизимга эга экан, нутқий кўникмалар ҳам шу тизимга мос ривожлантирилиши зарур. Зеро, инсоният тарихий тараққиётнинг барча даврларида «Нимани ўқитиш ва қандай ўқитиш керак?» деган саволга жавоб излаб келган ва ҳамон изламоқда.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши она тилига бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Она тили таълими мазмунининг янгилиниши мазкур соҳада қилиниши керак бўлган ишлар кўламини белгилаб берди.

Илмий, илмий-методик манбаларда таълим мазмуни тушунчаси турлича талқин қилинади. Жумладан, рус педагог-олимлари И.Я.Лернер¹⁴ ва М.Н.Скаткинлар таълим мазмунига ўрганиш учун танланган ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига мўлжалланган, методик жиҳатдан ишланган бой ижтимоий тажрибанинг бир қисми сифатида қарайдилар.

¹⁴ Лернер Я. Дидактические основы методов обучения Текст. / И. Я. Лернер. – М. : Педагогика, 1981. – 186 с.

Методик адабиётларда «таълим мазмуни» тушунчаси билан бирга “ўқув материали” атамаси ҳам қўлланилади. Дидактикада ўқув материали тушунчаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода у “таълим мазмуни” тушунчасига тенг бўлса, тор маънода маълум даражада ўрганилиши керак бўлган, ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига мослаштирилган билим, кўникма ва малакалар тизими тушунилади.

Таълим мазмуни деганда ўқув режалари, ўқув дастурлари, дарсликлар шунингдек, ўқув-методик қўлланмалар назарда тутилади. Она тилидан дастур ҳамда дарсликлар ўқувчиларнинг ўрганишлари учун танланган ва уларнинг ўзлаштиришларига мувофиқлаштирилган тил материалларини ўз ичига олади¹⁵.

Бугунгача яратилган дастурлар таркибидаги она тили бўйича малака талаблари ва дастурлар мазмуни такомиллаштирилмоқда. Узлуксизлиги муайян даражада таъминланмоқда. Айниқса, умумтаълим мактаблари учун ишлаб чиқилган дастурлар, янги авлод дарсликларини яратишга мос келади, асос вазифасини ўтайди. Мактабгача ва бошланғич таълим узвий боғланган, бири иккинчисини тўлдиради. Ўрта-махсус таълим бўйича ишлаб чиқилган дастурлар қайта кўриб чиқилиши керак. Дастурнинг малака талаблари қисми кўп ўринларда такрор қўлланилган.

Умумтаълим тизими учун ёзилган қисмида дарслик ёзишда назарда тутилиши лозим бўлган матнлар асосан публицистик услубда бўлиб қолган, ўқувчи ижтимоий ҳаётда турли нутқий вазиятларга дуч келишини инобатга олиб илмий, расмий, оддий сўзлашув, бадиий матнлар билан ишлаш ҳам назарда тутилиши керак.

Ўрта махсус таълим учун тайёрланган дастур мазмуни Университетларнинг филология факультетларида ўқитиладиган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фан дастури мазмуни билан деярли бир хил. Лицей ОТМ қошида ихтисослашган бўлса ҳам унда бошқа мутахассисликни танловчилар

¹⁵ Қаранг: Ғуломов А., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни. Она тили ўқитувчилари учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.

кўп бўлади. Шунинг учун ўзбек тили грамматикасини тўлиқ лицей тизимида ўқитишни кўзда тутиш нотўғри бўлади.

Касб-ҳунар таълими учун тайёрланган дастур мазмуни грамматизмдан холи, нутқий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилиш керак.

Бизнингча, олий таълимгача бўлган таълим дастурлари мазмуни ўқувчида нутқ, мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга, ўзбек тилининг амалий грамматикаси билан таништиришга хизмат қилиши, олий филологик таълим, ўзбек тили ва адабиёти йўналишларида эса чуқур назарий маълумотлар ўқитилиши керак.

Она тили ҳар бир киши ҳаётида муҳим ўрин тутди. Инсон ўз она тилида фикрлайди, таълим олади, борлиқни ўзлаштирилади. Меҳнат фаолияти билан шуғулланади. Ҳар бир мутахассиснинг ўз соҳасида муайян натижаларга эга бўлишида она тилининг таъсири катта, бироқ мамлакатимизда тилдан фойдаланиш, саводхонлик қониқарли эмас. Ўқув дастурларида грамматик маълумотларга кўп ўрин ажратилган, зеро ўзбек ўқувчиси грамматика асосида гапирмайди. Қолаверса, дунёда грамматика дейилганда фонетика, лексика, морфология ва синтаксис бўлимларидан иборат система тушунилади. Бизда грамматика морфология ва синтаксисдан иборат. Аслида, грамматика сўзи лотинчадан “ўқиш ва ёзишни ўрганмоқ” деган маънони беради. Ўзбек тилининг асосини ташкил этган грамматика маълумки, ўқиш ва ёзишни, адабий тилда гапиришни қониқарли ўргатмаяпти.

Она тили ўқитиш билан чет тили ўқитиш методикалари ҳам бир-бирига тўла мос келмайди, шундай бўлса-да амалиётда қўлланмоқда. Грамматика ўзбек ўқувчисига хорижий тилларни ўрганиш учун керак бўлади. Она тили ўқитиш методикасида асосий эътиборни нутқий компетенцияни ривожлантиришга қаратиш, лингвистик компетенцияни ҳам шунга йўналтириш мазкур соҳада кутилган натижани таъминлайди. Ўқитувчилар учун ҳам, талабалар учун ҳам битта методика ишланиши керак.

Амалдаги она тили ўқитиш методикамизда кўникма ва малакаларни ривожлантириш механизми ишламайди. Бу – такрорга асосланган машқлар тизимидир. Бизнинг ўқитиш методикамизда машқлар йўқ, борлари ҳам топшириқ характерида. Топшириқ ва машқ фарқланмайди. Қўлланилаётган топшириқлар 50 йил олдинги ҳолатда турибди, замонга мос эмас. Назарий маълумотни ўзгартириш билимга таъсир қилиши мумкин, кўникма ва малакага эмас. Ўқувчи нега инглиз тилини қийин бўлса ҳам, тез ўзлаштиряпти, чунки уларда машқлар ишлайди. Ҳамма гап ўқув топшириқларида, уларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш методикасида.

Она тили ўқитиш методикасига инновацион ёндашувларни жорий этиш, PISA, PIRLS халқаро баҳолаш талаблари асосида жаҳоннинг илғор ўқитиш методикаларида мавжуд баҳолашга қулай бўлган малака талаблари ишлаб чиқиши керак. Албатта, мазкур талаблар она тили фанининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади.

Дунё тажрибасида эътироф этилаётган тил ўрганишга доир **тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш** ва **гапириш** кўникмалари ўқувчининг нутқий компетенциясини ривожлантириш ва баҳолаш имконини бераётгани кўпчилик давлатларда тан олинган. Жумладан, мамлакатимизда ҳам чет тили ўқитишда ўз самарасини бермоқда. **Ўзбек тилини иккинчи ва давлат тили сифатида ўқитишда бу хорижий тажрибадан тўғридан-тўғри фойдаланиш мумкин.** Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилини билиш даражаси **тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш** ва **гапириш**га қўйилган минимал талабларга (масалан, инглиз тилидаги каби) жавоб берса, ўзбек тили фани ўз олдига қўйган ижтимоий буюртмани бажарган бўлади.

Ўзбек тилини она тили сифатида ўқитиш методикаси эса бироз мураккаброқ, чет тили ўқитишга қўйилган **тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш** ва **гапириш** каби талабларни айнан қўллаб бўлмайди. Халқаро тажрибадан ижодий фойдаланган ҳолда мазкур тўрт кўникмани она тили ўқитишга мослаштириш лозим бўлади, чунки она тилида шунчаки ўқий олишининг,

кўлидан келганча ёза олишнинг ёки гапира олишнинг ўзи етарли эмас. Инглиз тили ўрганишга қўйилган минимал талабларни она тили таълимига қўйидагича татбиқ этиш мумкин:

1. Тинглаб тушуниш (мантиқан)
2. Ўқиш (ифодали)
3. Ёзиш (саводли ёзиш)
4. Гапириш (адабий тилда)

Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида (АҚШ, Буюк Британия, Германия) она тили таълимида *тинглаб тушуниш* бўйича нутқий кўникмаси текширилмайди, унинг ўрнига (analitic writing (тахрир)) кўникмаларининг шаклланганлиги баҳоланади. Ўзбек тилини она тили сифатида ўқитиш методикасини такомиллаштиришда она тили таълими мазмунини ортиқча грамматизмдан халос қилиш, нутқий кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган назарий маълумотларнигина танлаб олиш, фонетика, орфография, орфоэпия, лексика ва пунктуация мавзуларини спиралсимон 1-11 синфгача ўқитиш ҳамда грамматик минимум ишлаб чиқилиши керак.

Она тили ўқитишда машқ ва топшириқлар фарқланиши лозим, нутқий кўникмалар машқ орқали шаклланади. Янги ўқитиш методикасида такрорга асосланган машқлардан фойдаланиш, замонавий ўқув топшириқлар ва машқлар тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш механизми, фойдаланиш методикаси яратилиши керак.

Шу ўринда “машқ” ва “топшириқ” атамаларини моҳиятан фарқлаш, уларнинг лингводидактикадаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида тўхталиш жоиздир. Методист М.Саидов ўқув материаллари сирасида ўқув топшириқларини уч турга бўлиб, уларни ўзаро фарқлайди ва, кўпинча, ўқитувчилар ўз иш фаолиятлари давомида “машқ”, “топшириқ” ва “масала” тушунчаларини қориштириб юборишларини таъкидлайди. Олим педагогика фанлари доктори А.Ғуломовнинг “машқ ҳам ўқув топшириғининг бир шакли, ҳам ўқитишнинг муайян бир усули,” деган фикрига қўшилади ва топшириқ машқнинг бир бўлаги, у, асосан, машқнинг шартида ўз ифодасини

топишини, топширик машққа қараганда торроқ тушунчани ифодалашини эътироф этади¹⁶.

Ғ.Ҳамроевнинг таъкидлашича, топширик машқни ўз ичига олади, топшириклар ўқувчини йўналтиради, фикрлашга ундайди; такрорга асосланган машқлар кўникма ва малака ҳосил қилиш учун хизмат қилади¹⁷.

Тилшуносликнинг “Фонетика” бўлими “Орфография” ва “Орфоэпия” “Лексика”, “Морфология” билан бевосита алоқадор бўлганлиги боис уларни ўқитиш воситалари ҳам бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан мазкур ишда ўқув топширикларига ўзгача ёндашилди. Дарслик ва қўлланмаларда кўп учрайдиган ўқув топшириклар орасида синонимик муносабат йўқ. Бироқ кузатишларимиз асосида айта оламизки, узоқ йиллардан бери амалда бўлган қатор дарслик ва қўлланмаларда мазкур икки тушунчанинг берилишида чалкашлик, бирининг ўрнида бошқасининг қўлланилиши каби ҳолатларни кўриш мумкин.

Халқ оғзаки ижоди намуналари, бизгача етиб келган бой адабий мерос маҳсули бўлган *иборалар, мақол, матал, ҳикматли сўзлар, тасвирий ифодалар* она тили таълимининг мазмунини ташкил этиши керак, улардан ҳар бир машғулотда, ҳар ўқув топширик таркибида унумли фойдаланиш керак. Ўз ўрнида ва ўз вақтида ўқувчилар тафаккурига сингдирилган бу каби халқона, миллий дурдоналар уларнинг фикрларини теранлаштиришга, дунёқарашларини кенгайтиришга ва ўзларида ҳосил бўлган ижодий тафаккур маҳсулини равон, аниқ ҳамда тушунарли тарзда баён эта олишларига замин яратади.

Амалдаги дастур ва дарсликлар ўқувчини она тили таълими мақсадига мувофиқ мустақил изланишга ундаши лозим. Бундай шароитда дарсликнинг энг муҳим қисмини назарий маълумотлар базаси эмас, балки ўқувчига она тилимизнинг сон-саноксиз имкониятларидан унумли ва ўринли

¹⁶ Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириклари ва улардан фойдаланиш методикаси: пед. фан. ном-ди дисс. автореф. ТДПУ. –Тошкент, 2000. – 25 б.

¹⁷ Ҳамроев Ғ. Она тили ўқитишнинг самарали усуллари. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. –Т.: Баёз нашриёти. 2018. -Б.13.

фойдаланишни ўргатадиган ўқув топшириқлари ташкил этмоғи лозим. Чунки мактабда она тили таълими тилшунос тайёрлаш мақсадини эмас, тил имкониятларидан кенг фойдалана оладиган ижодий тафаккур соҳибини жамиятга етказиб беришни тақозо этади. Демак, ўқув топшириқлари ўқувчини изланишга ундай олсагина, уларни талаб даражасида деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Ҳозирда Республика миқёсида амалда бўлган мактаб дарсликларидаги ўқув топшириқларининг айримлари белгиланган талабларни қондира олмайди. Чунончи, она тили дарсларида тез-тез учрайдиган *“Қуйидаги гапда нечта от туркумига доир сўз қатнашган?”* кабиларни нутқий кўникмани ривожлантирувчи ўқув топшириқлари даражасида баҳолаб бўлмайди, сабаби, улар ўқувчида ижодий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қила оладиган етарли кўникма, малакаларни ҳосил қилиши амримаҳол.

Дарсликда ҳар бир мавзуга тааллуқли луғатлар, жумладан, орфография учун имло луғати, орфоэпия учун талаффуз машқлари тўплами, лексика учун изоҳли луғат, морфология учун морфем луғат ва бошқалардан самарали фойдаланилса, кўзланган натижага эришиш мумкин. Ахборот технологиялари асрида маълумотлар базаси муаммо эмас. Шунинг учун дарсликларнинг топшириқлар қисми мукамал, тизимли, пухта ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кун она тили таълими мактабда ўргатилиши белгиланган тил сатҳларидан қатъи назар, ҳатто фонетика ўқитишда ҳам ўқувчининг сўз бойлигини ошириш, шу орқали ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда мустақил, равон, лўнда ва жозибали ифодалай олишига эришишни талаб этади. Ушбу мақсадни амалга ошириш, албатта, ўзбек тилининг тенгсиз хазинаси ҳисобланган махсус лексик бойликларсиз самарали бўлиши қийин.

Нафақат 5–7-синфларда, балки тилнинг барча сатҳларини ўқитишда *нафақат бадиий матнлардан, балки, илмий, илмий-оммабон, расмий, публицистик ҳамда сўзлашув нутқига доир* намуналардан таҳлил материали

сифатида фойдаланиш она тили таълимида самарадорликка эришишда, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қила олади.

“Она тили” дарсликлариди орфоэпия, имло меъёрларини кўникма сифатида шакллантириш борасида кўплаб ўқув топшириқлари, турли тушунтиришлар берилади. Аммо нутқий фаолият давомида айрим бирликларнинг орфоэпияси ва имлосини ўқувчига ўргатиш, нутқий кўникмаларни ривожлантириш қатор қийинчиликларни келтириб чиқараверади.

Орфоэпия, грамматика ва унинг меъёрлари масаласи дунёнинг ривожланган мамлакатлари тилларида атрофлича ўрганилганлигини кузатамиз. Бу борада жаҳон тажрибасида, жумладан, инглиз тилида ўқув топшириқларидан унумли фойдаланилади. Шунинг учун ҳам амалдаги асосий дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳар бир маълумотнинг амалиётга айланиш жараёни ҳақида батафсил маълумот берилади¹⁸. Олий таълим ва умумий ўрта таълим мактаблари учун нашр эттирилган дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларда нутқий кўникмаларни ривожлантирувчи махсус ўқув топшириқ намуналари йўқ.

Бу борада муаммо ўрта умумтаълим мактабларида она тили ўқитиш масаласига бориб тақалади. Мактаб ўқувчида нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантириши керак. Умумий ўрта таълим тизимида 5–7 синфларда асосий нутқий компетенциялар шакллантирилади.

Маълумки, психологик нуқтаи назардан инсон хотираси, жумладан, ўқувчи хотираси ҳам муайян турларга бўлинади. Маълумотларни бир марта ўқиш оддий хотирада вақтинча сақланади ва қисқа муддатда унутилади. Агар узлуксиз такрорланса, у доимий хотирага ўтади. Э.Ғозиев таъкидлаган ўқувчи эслаб қолиши мумкин бўлган маълумотлар таркиби, миқдори ва сифати ҳақида олган хулосаларини шу ўринда келтириш ўринли. У ҳеч қандай маъно англатмайдиган 38та бўғинни ўқувчи 55 марта такрорлаганда эслаб қолганини; 38 – 40 та сўздан иборат материални эслаб қолиш учун эса,

¹⁸ Бонк Н. А., Котий Г. А., Лукянова Н. А. Учебник английского языка. – М.: Деконт, 1999. – С.7.

6-7 марта такрорлаш кифоя қилганни аниқлаган¹⁹. Ўқувчининг ижтимоий ҳаётда алоқа-аралашувни тўғри амалга оширишида хизмат қила оладиган зарурий маълумотларни унинг узоқ муддатли хотирасига ўтказиш учун ўша маълумотларни кўп марта такрорлатиш ва хотирасида қайта тиклаб туриш лозим. Шу ўринда айтиш мумкинки, фонетика сатҳини ўқитишда машқ ва топшириқларнинг ўқув материални ташкил этувчи сермазмун, пурҳикмат матнлардан ўринли фойдаланилса, ўқувчи уларни бир-икки такрорлаш билан узоқ муддатли хотирасига “ёзиб қўяди”. Бирор жисмоний ҳаракат автоматлашиш даражасига етиши учун қанча узлуксиз машқ зарур бўлса, муайян нутқий малаканинг шаклланишига ҳам шунча машқ, ҳаракат керак бўлади.

5-синфда орфоэпия таълимини такомиллаштиришда илғор педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга молик. Маълумки, мактабда бугунги “Она тили” ўқув предмети таълимида омилкор ўқитувчилар томонидан кўплаб инновацион технологиялар замон талабларига мос ҳолда қўлланилмоқда. Табиийки, бу “Орфоэпия” сатҳи таълимида, жумладан, ўқувчига нутқ товушларининг тўғри талаффузини ўргатиш жараёнида жуда қўл келади. Аммо амалдаги ишлар етарли даражада эмас, чунки ўқувчилар нутқида товушлар талаффузи билан боғлиқ муаммолар тўла бартараф бўлгани ёки мазкур муаммонинг ечими сифатида асосли тавсия-ю методик кўрсатмалар ишлаб чиқилиб кенг амалиётга татбиқ этилган эмас.

Мазкур масаланинг яна бир жиҳати борки, ҳар қандай шароитда ҳам она тили ўқитувчилари мазкур бўлимни ўз имконият ва салоҳиятларидан келиб чиқиб тушунтирадилар. Одатда, ўқувчи учун ўз она тилининг ҳамма товушлари ҳам талаффуз ва имлода қийинчилик туғдиравермайди. Маҳаллий тил ҳисобланган шева таъсирида айрим унли ва ундош товушларнинг айтилиши ҳамда ёзилишида чалкашликлар, хатолар бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда амалда қўлланилаётган топшириқ

¹⁹ Ғозиев Э. Умумий педагогика. –Т., 2010. – Б.221-222.

характеридаги машқлар билан қанча кўп ишланса ҳам, кутилган натижага эришиш қийин кечмоқда.

Ўқувчининг оғзаки нутқи туғилиб ўсган ери, оиласи, яқинлари таъсирида шаклланган ҳолда мактабга келади. Баъзан уларнинг ўзлари ўрганиб қолган ҳолатдан адабий талаффуз меъёрлари доирасига ўтказиш анча қийинчилик туғдиради. Бундай шароитда ўқитувчи, албатта, фонетика ўқитиш жараёнидаги дастлабки фаолиятни ҳудудий муаммолардан келиб чиққан ҳолда талаффузи қийин нутқ товушлари устида ишлашга қаратишдан бошлаши зарур. Акс ҳолда, айрим ўқувчилар балоғатга етганда ҳам баъзи нутқ товушлари талаффузини эплай олмайдиган бўлиб қолишади. Бу каби “нутқий кемтиклик” маданий давраларда ўқувчига бир умр халақит бериши мумкин. Ўқитувчи ўз вақтида оғзаки нутқида муаммолари бор ўқувчиларга алоҳида эътибор бериб, махсус талаффуз машқлари устида мунтазам ишласа, муаммога ўрин қолмаслиги аниқ. Бироқ бу борада мактабнинг амалдаги дидактик таълим воситалари (дарслик, қўлланмалар)да фонетик машқларга махсус ўрин ажратилмаган.

6–7 синфларда морфология ўқитилганда ҳам грамматик маълумотлар асосида тизимли равишда нутқий кўникмаларни ривожлантириб боравериш лозим.

Фикримизча, нутқий кўникмаларни ривожлантирувчи махсус ўқув материалларини шакллантириш тарихий ва замонавий тажрибалардан келиб чиқади. Бу борадаги жаҳон ва маҳаллий тажрибалардан унумли фойдаланиб муаммоларни атрофлича ўрганиш уларнинг ечимини топиш имконини беради.

1.2-§. 5–7 синф она тили дарсларида нутқий кўникмаларни ривожлантириш жараёни таҳлили

Ўзбек тили орфоэпияси, лексикаси, морфологияси илмий жиҳатдан муайян даражада ўрганилган, бироқ бу борада ҳозиргача тўпланган назарий маълумотлар унинг ўзига хослиги, миллий хусусиятларини тўлалигича ёритиб беролмайди. Давр тақозоси билан XX асрнинг 40 -йилларидан бошлаб

бошқа тил қолиплари асосида ўлчанган она тилимизда ҳамон эски қолиплар асоратидан тўла-тўқис халос бўла олмаган ўринлар сезилади. Жумладан, ўқитиш методикаси ҳам. Бунинг натижаси она тили таълимига, айниқса, мактабда она тили ўқитиш грамматикага асосланиб қолди ва нутқий кўникмалар талаб даражасида ривожланмади.

Умумтаълим мактабларида она тили, ўзбек тили бўйича амалда бўлган дастурларнинг мазмуни ва асосий йўналишлари 1950- йилларнинг ўрталарида шаклланган бўлиб, шундан бери улар айрим ўзгаришлар, тўлдиришлар билан бугунга қадар кун тартибидан тушгани йўқ. Шу асосда дарсликлар яратилди, улар такрор-такрор давр синовидан ўтди. Бир томондан қараганда бу борадаги ишлар такомиллашиб, мукамаллашиб борганга ўхшаб кўринади. Бироқ ижтимоий ҳаётимизда кейинги чорак асрдан кўпроқ ўтган вақт мобайнида сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий жиҳатдан кескин ўзгаришлар рўй берди; миллий дунёқарашимизда, шу билан боғлиқ шахс тарбиясига муносабат масаласида янгиланишлар кузатилди; мустақиллик мафкураси жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир соҳаси, ҳар бир кўриниши олдига янгича талабларни қўйди. Жамиятимизда улкан ўзгаришлар рўй берди ва рўй бермоқда. Шундай ўзгаришлар сирасида ўзбек тилшунослиги ва унинг тадрижи билан боғлиқ янгиланишлар ҳам яққол кўзга ташланади. Жумладан, ўзбек тилшунослигида тилни умумийлик, моҳият, имконият, сабаб характеридаги тизим; нутқни эса алоҳидалик, ҳодиса, воқелик, оқибат сифатида ўрганувчи субстанциал тилшунослик йўналиши шаклланди, ривожланди, улкан ютуқларни қўлга киритди.

Бироқ бу янгиланишларнинг барчаси таълим тизими босқичларида сараланиб, бирдек қабул қилингани йўқ. Жумладан, ўзбек субстанциал тилшунослигининг юзага келиши учун пойдевор вазифасини ўтаган анъанавий тилшунослик ютуқлари олий таълим дастур-у дарсликларида ҳам, ўрта махсус таълим тизимида ҳам, мактаб программасида ҳам янги йўналиш ютуқлари билан қоришиб кетди. Бир-бирини рад этувчи назарий билимлар мактаб дарсликларида кўплаб учраши ҳам ачинарли ҳолдир.

Атрофимизга назар ташласак, илғор давлатларнинг кўпида она тилидан таълим мазмуни тубдан янгиланди. “Таълим мазмуни сирасида ўқувчиларга тақдим этилаётган билимлар уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондира олиши, уларни ижодкорликка, бунёдкорликка ундаши лозим”²⁰лиги белгиланди.

Ўқувчиларда ижодкорликни, мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантириш, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклда тўғри, равон ифодалашга ўргатиш учун она тили таълимининг мазмунини тубдан янгилаш, ўқув материалларини замон эҳтиёжига мослаш талаб қилинди²¹. Буни амалга оширишда, табиийки, таълим воситалари муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунга қадар бир қатор мактаб “Она тили” дарсликлари яратилди, лекин улардаги ўқув материалларининг ҳаммаси ҳам талабга жавоб берадими, деган савол атрофида мулоҳаза юритишга тўғри келади. Профессорлар Ҳамид Неъматов ва Асқар Ғуломов она тили таълимининг бугунги ҳолатини, уни яхшилашда нималар қилиш кераклигини, ўқувчиларга нималарни ўргатиш лозимлигини жиддий таҳлил орқали ўринли асослаган эдилар²².

Рақобатбардош, малакали кадрларни тарбиялаш она тили таълими олдида турган долзарб вазифа бўлиб, уни амалга ошириш умумий ўрта таълимнинг асосий воситаси бўлган дарсликлар, улардан ўрин олган ўқув материалларининг савиясига кўпроқ боғлиқдир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги кун она тили таълими мақсади дарсларда асосий таълим воситаси фақат дарслик бўлишини тақозо этмайди. Ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам белгиланган мавзулар моҳияти билан боғлиқ тарзда, одатда, “Ахборот банки” материаллари (луғатлар, маълумотномалар, қомуслар, қайдлар ва ҳ.лар)га тез-тез мурожаат этишлари лозим. Афсуски, она тили таълими мазмуни янгиланганига қарийиб йигирма йилдан ошган бўлса-да, мактаб ўқитувчиларимизнинг аксарияти ҳамон фақатгина дарслик материалларидан

²⁰ Ўйлошова Д. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари.–Т.: Фан, 2006. – Б.11.

²¹ Ғуломов А., Неъматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни.–Т.: Ўқитувчи,1995. – Б.27.

²² Ўша асар. –Б.32.

фойдаланишмоқда.

“Она тили” дарсликларида берилган назарий маълумотлар орасидаги айрим чалкашлик, ноаниқликларни бартараф этиш, ўқув материаллини дарсликларда қай тарзда бериш масалалари ҳамон азалий муаммолигича қолмоқда. Эллик-олтмиш йил аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам “Она тили” дарсликлари мавзунинг назарий жиҳатига асосий эътиборни қаратиб ҳар бир мавзу доирасида иккитадан бештагача қоида бермоқда. Демак, грамматизмдан ҳамон қутулганимиз йўқ. (Таъкидлаш лозимки, янги яратилган 8-, 10-, 11-синф она тили дарсликлари мазмуни нутқий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган.) Бунинг натижасида эса муаммо устига муаммо пайдо бўлаверади, дарсда мавзу бўйича кўзланган мақсадга, аниқроғи, ўқувчи эгаллаши зарур бўлган малакага эришиш қийин кечади. Шу маънода мазкур муаммонинг ечимини топиш учун “Она тили” дарсликлари тарихи ҳамда уларнинг мазмун-мундарижасини ўрганиб чиқиш зарур, бу, албатта, алоҳида тадқиқотни талаб қилади. “Она тили” дарсликларида мавжуд назарий маълумотлар, уларни мустақамловчи машқ ва топшириқлар қачондан бошлаб ва нима учун мактаб дарсликларига киритилганлигининг сабабларини ўрганиш бу борадаги тасаввурни тиниқлаштиради. Шунингдек, амалдаги нутқий кўникмаларни шакллантириш жараёнини ўрганиш ҳам ниҳоятда муҳим.

Она тили машғулоти болаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ жараёнига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Зеро, ҳозирги замон фан асосларини тўлиқ эгаллашда она тилининг роли ниҳоят даражада муҳимдир. Она тилидан тўлиқ билим, кўникма ва малакага эга бўлган ўқувчигина бошқа фанларни ўзлаштиришда қийналмайди. Ёшларда миллий ғурурни шакллантириш, уларни миллий қадриятларимиз, удум ва анъаналаримиз руҳида тарбиялашда она тилининг тутган ўрни ҳамда имкониятлари бениҳоя катта. Айниқса, мустақил мамлакатимиз учун

тадбиркор ва ижодкор инсонни тайёрлаш масаласи таълимнинг устувор муаммоси бўлиб турган ҳозирги шароитда бу фаннинг ўқитилиши янада муҳимроқ аҳамият касб этади. Бу ўринда XX аср бошларида миллий тил учун курашган педагог, тилшунос ва адабиётшунос А.Авлонийнинг “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур” деган фикрлари умумтаълим мактабларида она тилини ўқитишнинг аҳамияти нақадар катта эканлигига далилдир. Шу маънода она тилини мукаммал ўқитиш ҳар бир она тили фани ўқитувчисининг шарафли бурчидир. Ўзбекистон Республикасиининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунида: “Ўзбекистон ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантиради ва унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида тўлиқ амал қилинишини таъминлайди”, – деб кўрсатилиши ўқитувчиларимиз учун она тилини ўқитишнинг ниҳоят даражада шарафли эканлигидан гувоҳлик беради.

Зеро, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисининг эгаллаган малакаси Ўзбекистоннинг келажаги бўлган баркамол авлодни юксак инсоний фазилатлар соҳиби қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам тил ва таълим ҳақидаги қонунларда ўзбек тили ўқитувчиси олдига янги вазифалар қўйилган.

Она тили машғулотларида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш, уларга тўғри талаффуз меъёрларини ўргатиб бориш, сўз бойлигини кенгайтириш ҳар бир она тили ўқитувчисининг бош вазифасидир.

Демак, она тили таълимининг бош мақсади ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат экан, нутқ ўстириш муаммоси тил таълимида алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, она тили машғулотларида нутқ ўстириш, нутқий меъёрларни тарбиялаш ва рўёбга чиқариш йўллари ўргатилади. Шу маънода нутқ ўстириш мактабда она тили ўқитишнинг бош мақсади ҳисобланади. Мактабнинг асосий

вазифаси ўқувчида тингловчига хузур бағишловчи равон, таъсирчан, ихчам нутқни тарбиялашдан иборат. Ўқувчилар нутқини ўстириш мақсадида бир қатор амалий тадбирларни қўллаш лозим. Булар:

1. Фақат она тили ва адабиёт дарсларидагина эмас, балки барча дарсларда нутқ маданиятини биринчи ўринга қўйиш.

2. Ўқувчилар нутқидаги адабий тилга хос бўлмаган фактларни тўплаб, уларнинг адабий тил меъёрларига зидлигини аниқ мисолларда кўрсата бориш: ўжак—бузоқ, дойи-тоға... кабилар.

3. Айтилиши билан ёзилиши мос келмайдиган товуш ва сўзлар (гўшт, мактаб), шунингдек, айрим шеваларда унлилардаги йўғон ва ингичка талаффузига фонетика бўлимидаги машғулотларда алоҳида эътибор бериш.

4. Орфоэпик билимларни мустақкамлаш дарслари ташкил қилиш.

5. Моҳир нотиқларнинг нутқларини эшиттириш (сухандонлар нутқи, монологлар).

6. Синфдан, мактабдан ташқари машғулотлар (мажлисда сўзлаш, анжуманлар, бадий китоб юзасидан суҳбатлар) орқали ҳам нутқ ўстириш.

Ҳар бир она тили ўқитувчиси дарс жараёнида юқоридагиларга амал қилса, ўқувчилар нутқини ўстиришга замин ярата олади.

Ўқувчиларнинг она тилини ҳар томонлама ўрганиши уларни маҳаллий шева таъсиридан қутқариб, адабий талаффузга одатлантирувчи биринчи даражали восита ҳисобланади.

Ҳақиқатдан, оғзаки нутқни ва имло қоидаларини мукаммал ўзлаштирган ўқувчилар нутқида хатолар бўлмайди.

Шунинг учун она тили дарсларида талаффузга алоҳида эътибор берилади. Чунки оғзаки нутқ ва имло қоидалари тилнинг барча сатҳлари билан узвий боғлангандир.

Шу боис ҳам амалдаги дастур, улар асосида яратилган янги дарсликларда кўп топшириқли машқлар тизими орқали лисоний ҳодисаларнинг амалда қўлланишига алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас.

Масалан, 5-синфда “Шаклдош сўзлар”, “Маънодош сўзлар” каби қатор

мавзуларни ўтишда фақат билим бериш билан чегараланиб қолмасдан уларни нутқда мустақил қўллашга доир машқларни кўпроқ ўтказиш керак. Чунки ўқувчи *само, фалак, кўк...* маънодош қаторини билса-ю, ундан амалда (матн, баён, иншо) фойдаланмай, ҳа деб *осмон* сўзини ишлатса, бундай ўқувчи ўрганилган материалдан ўринли фойдаланмаган бўлади. Бундай камчиликлардан қутилиш учун ўқувчилар нутқини ўстириш машқларига кўпроқ эътибор бериш керак. Масалан, бир ўқувчи “тош” сўзининг маънодошларини айтса, иккинчисига унинг шаклдошларини айттириш; бир ўқувчи “туз” сўзининг маънодошларини айтса, иккинчисидан шаклдошларини, учинчисидан уядошларини талаб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай машқлар орқали ўқувчилар сўзларнинг маъносинигина тушуниб қолмайди, балки уларни нутқда ўринли ишлатиш малакасига ҳам эга бўладилар. Сўзларни ўз ўрнида ишлата билиш эса нутқ ўстиришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Таъкидлаш жоизки, ўқувчилар нутқини ўстириш учун энг зарурлари - бу билим, кўникма ва малака. Она тили ўқитувчиси барча синфларда, умуман, баркамол авлодни тарбиялашда миллий маънавият ва мафкуравий рух, маданият ва қадриятларнинг улкан хазинаси бўлмиш она тилини ўқитиш жараёнида ҳар бир дарсда миллат тафаккурини шакллантириб ва ривожлантира боришдек ғоят масъулиятли ва шарафли вазифани бажаради. Ўқувчиларнинг она тили таълими натижасида эгаллаган билимлари, ҳосил қилган малака ва кўникмалари қуйидаги мезонлар бўйича белгиланади:

- 1) тўғри ва равон ўқиш;
- 2) ўз фикрини тўғри, изчил ва равон баён этиш маҳорати;
- 3) она тилининг қурилиши ва имкониятлари бўйича билимлари тизимини ўрганганлиги билан.

Ҳар бир мезон бўйича кўрсаткичлар синфма-синф сифат ва миқдор жиҳатдан мукаммаллашиб бориши лозим. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларнинг бошланғич таълимдаги малака ва назарий билим

унсурларига таянади, яъни ўша мезондан синфма-синф кўпая, мураккаблаша боради. Масалан, бошланғичда ўқиш санъати бўйича микдорий кўрсаткич 1 дақиқада талаффуз ва бошқа талабларга риоя қилган ҳолда 80-90 сўзни ўқий олиш, 30 дақиқада берилган мавзу асосида 8-10 гапдан иборат матн яратиб фикр баён қила олиш; фонетика, имло, талаффуз, тиниш белгилар, сўз ва унинг маъноси, грамматика; сўз таркиби, ўзак, кўшимча, мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари, нутқ маданияти; адабий нутқ ва сўзлашув нутқи кабилардан илк зарурий ва назарий билим унсурлари ДТСнинг асосий мезони қилиб белгиланган.

Жамиятдаги ҳар бир шахс ўз она тилини пухта ўрганиб олсагина, унинг зехни, онги ва умумий маданий даражаси ортади. Ўз тилининг кенг имкониятларидан оғзаки ва ёзма нутқда бемалол фойдалана оладиган шахсгина бошқа фанлар асосини чуқур ўзлаштиришга дадил қадам ташлай олади. Оғзаки ҳамда ёзма нутқдан фойдаланиш малакасига эга бўлган ўқувчи келажакда мутахассис сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда фаолият кўрсата олади. Мустақил турмушга унинг она тилидан ўрганган билимлари, тўғри ёзиш ва ўқиш малакалари, тўғри ва чиройли сўзлаш санъати, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда ифодалаш кўникмалари, иш қоғозлари билан ишлай олиш кўникмалари кўл келади.

Она тили ўқитишнинг олдида турган долзарб вазифалардан бири имловий саводхонликни ривожлантиришдир. Ҳар бир она тили ўқитувчиси барча дарсларда ўқувчиларнинг имловий саводхонлиги устида тизимли равишда иш олиб бориши лозим. Бу нарса ўқувчининг умумий саводхонлигини оширишга кўмак берувчи биринчи омилдир. Ўқитувчи орфографик малаканинг психологик табиатидан келиб чиқиб, ўқувчиларда имлога оид малакани шакллантириш устида ишлаш йўллари белгилаб олади. Орфографик малака мураккаб малака бўлиб, узоқ давом этадиган машқлар жараёнида яратилади ва сўзни фонетик томондан таҳлил қилиш, унинг морфемик таркибини аниқлаш кўникмаси кабиларга асосланади.

Тўғри ёзув малакасининг шаклланиши учун ўқувчидан фикрлаш

фаолияти ҳам талаб этилади. Бирор тўғри ёзув ҳодисасини ўзлаштириш учун ўқув ва ёдда сақлашгина эмас, балки таҳлил қила билиш ҳам талаб қилинади. Бунда грамматик ва орфографик ҳодисаларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш учун таққослаш усулидан фойдаланиш ҳамда сўз ва сўз шаклларини маълум грамматик ёки график гуруҳларга ажратиш, муайян қолипга солиш, тушунтириш ва исботлаш машқларидан фойдаланиш муҳим роль ўйнайди.

Имлони ўргатишда грамматикани ўргатиш каби ўқувчиларнинг амалий малакаларини аста такомиллаштира бориш талаб этилади. Ўқувчиларда тўғри ёзув малакасини шакллантириш грамматик назарияни ва имло қоидасини ўзлаштиришга асосланади. Имло қоидалари бир сўзнигина эмас балки, умумийлик мавжуд бўлган бутун сўзлар гуруҳининг ёзилишини тартибга солади. Бу хусусияти билан у қоида хат ёзувчини ҳар бир сўзни ёдда сақлаш, хотирлашдан қутқаради ва қоидага амал қилиб, белгиланган қоидага мувофиқ, бутун сўзлар гуруҳини ёзиш имконини яратади. Имло қоидаси грамматик умумийлик асосида бирлашган сўзларнинг ёзилишини бир хиллаштиради. Бу эса ёзма нутқни енгилаштиради ва имло қоидаларининг ижтимоий аҳамиятини очиқ беради.

Имло қоидаларини грамматик, фонетик, морфемик ва сўз ясалишига оид ўқув материалларни маълум даражада билмасдан туриб ўзлаштириш мумкин эмас. Грамматик назария имло қоидалари учун пойдевор ҳисобланади. Имло қоидалари шу қоидага асос бўладиган грамматик назарияга боғлиқ ҳолда ўрганилади. Бу нарса биринчи навбатда графика ва фонетика билан боғлиқ равишда амалга оширилади. Жумладан, 5-синф она тили дарсликларидаги асосий мавзу ва қоидаларнинг мақсади, асосан, тўғри ёзишга қаратилган. Айнан шу синфда унли ва ундошларнинг талаффузи ва имлоси устида иш олиб борилади. Бунда ўқитувчи асосий эътиборни товушларнинг қандай талаффуз қилиниши ва ёзувда қандай ёзилишига қаратиши лозим. Шундагина бола имло қоидаларини тўғри эгаллаш имконига эга бўлади. Масалан, 5-синфнинг “Она тили” дарслигида

қуйидагича машқлар берилган:

53-машқ. Сўзлардаги нукталар ўрнига тегишли ундош товушни қўйинг ва гапларни кўчиринг.

Ноё... жисмлардан ишланган антиқа соатларни Триберг ша...арчасида жойлаш...ан соатлар уйида кўриш му..кин. Бу ер - даги "Лаббайчи соатлар" вақт..и ани... кўрсатади ва ёқимли овоз билан одамларни хушну... этади. ("Биз билган ва билмаган дунё" китобидан)

60-машқ. Матндаги йўл қўйилган хатоларни тўғрилаб, дафтарингизга ёзинг. Қайси аъзоларда ҳосил бўлган товушларда хатоликка йўл қўйилган? Бир куни Хадича кўчада кетаётин етти йил аввалги бохчадоши Ҳилолани учратин қолди. Ҳилоланинг бўйлари ҳам анча чўзилган. Икки дугона ўтган даврларни еслашин, келгусидаги орзу-режалари ҳақида бахслашин қолишти. Хадича келажакда ўқитувчи бўлиши ҳақида завқланип гапирди. Ҳилола эса бу каспнинг машаққатидан чўчип фикр билдирди. Хадича ҳам ўзи орзу қилган касп – таржимонликни мақтади. Хадича бохчадошини ранжиткиси келмай, таржимоннинг ҳам устози бўлиши, бу каспнинг улуглиги ҳақида гапирди.

Икки дугонанинг суҳбати анчагача давом этди.

(Ирода Собитова)

Юқоридаги машқ орқали ўқувчилар ундошларнинг оғзаки нутқда қандай талаффуз қилиниши ва ёзувда қандай ёзилиш кераклигини пухта билиб оладилар. Бундай машқларнинг устида 6-синфнинг "Фонетика" бўлимини такрорлаш қисмида ҳам ишлаш мумкин. Масалан:

18-машқ. Сўзларни алифбо тартибида дафтарингизга ёзинг.
Сабзавот, пойтахт, зангори, жонажон, босмахона, манзил, дўстларча, хавф-хатар, илҳом, губорсиз, иноқ, албатта.

19-машқ. Қуйидаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг, уларнинг талаффузи ва ёзилишидаги фарқларни топинг.

Санъат, ҳужум, маърифат, шогирд, меҳмондўст, ботаника.

Намуна: Ўзбек санъатининг додрузи бутун дунёга ёйилмоқда.

Бу хилдаги машқлар, биринчидан, ҳарфларни тўғри қўллашга ўргатса,

иккинчидан, сўзларнинг талаффузи ва имлосига эътибор қаратиш лозимлигини ўргатади. Бундай машқларни ДТС талабларига хизмат қилдириш учун тил бўлимларини ўзаро алоқадорликда ўрганиш, уни коммуникатив саводхонликни ривожлантиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу жараёнда она тили таълимининг бўлимлараро ҳамда фанлараро алоқаси натижаси яққол кўзга ташланади, тилни тизимли равишда ўрганишнинг амалиётга ижобий таъсири самараси ҳам яққол сезилади. Тилшуносликнинг морфемика, сўз ясалиши, морфология ва синтаксис бўлимларини ўргатишда ҳам бевосита имло қоидалари устида иш олиб борилади. Масалан, 6-синфдаги асосий мавзулар морфемика ва сўз ясалиши мавзуларидан бошланади. Бу мавзуларни ўргатиш жараёнида асос ва қўшимчаларнинг ўзига хос хусусиятлари, қўшимчаларнинг таснифи ҳақида маълумот берилгач, шу бўйича амалий ишлар бажарилади. Мана шу амалий ишлар билан бирга уларнинг имлоси устида ҳам иш олиб борилса жуда мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан:

63-машқ. Қавс ичидаги сўзларга керакли қўшимчаларни қўшиб кўчириш. Шакл ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг.

Халқ (табобат) қулуннай (мева) терлатувчи, безгак (хуруж) қарши омил сифатида тавсия етилади. Шунингдек, буйрак (касаллик), ўт (йўл) яллиғланиши билан боғлиқ (касаллик) истеъмол қилиш лозим кўрилади.

Олимларнинг (фикр) қараганда, қулуннай буйракдаги (тош) емириши (хусусият) эга бўлиши билан бирга (унда) тош ҳосил (бўлиши) йўл қўймайдиган табиий омиллардан ҳисобланади. (М. Набиев)

Дарсликда берилган мана шу машқ шартларини бажариш жараёнида машқ ичидаги бир қанча сўзларнинг имлоси устида ишлаш мумкин. Жумладан, *халқ, хуруж, хусусият* каби сўзларда х ундошининг ёзилиши ҳамда *қулуннай, безгак, буйрак, яллиғланиши, истеъмол, табиий* каби сўзларнинг имлоси устида ишланса, боланинг ёзма нутқини яна бир неча сўзлар билан бойитишга эришамиз. Шунингдек, унлилар имлоси ва талаффузи устида ишлашни қуйидаги ижодий топшириқлар орқали

мустаҳкамлаш мумкин:

1-топшириқ. Берилган сўзлар маъносини шарҳланг. Сўздаги ундош товушни алмаштириб, янги сўзлар ҳосил қилинг.

Ил, ин, ис, ит, ип, иш ...; ел, еп, ем, еш, ет, ен, ер, ес, ез...;

чой, сой, той, бой, мой, жой, лой, вой ...;

2-топшириқ. *А унлиси билан бошланувчи бир бўғинли сўзлар қаторини тузинг. Маъноларини шарҳланг.*

Адл, авж, азм, ақл арк ...

3-топшириқ. *У - ў товуши иштирок этган жуфтликлар тузинг: уз - ўз, уй - ўй, ун - ўн, ўқ - уқ ... Маъноларини шарҳланг.*

Имло қоидалари устида ишлаш – мураккаб жараён, қоиданинг моҳиятини очиш, ўқувчиларнинг қоида ифодасини ўрганиб олишлари, қоиданинг ёзув тажрибасига татбиқ этиш унинг асосий компонентлари ҳисобланади. Қоида моҳиятини очиш, сўзнинг қайси қисмини, қайси сўз туркуми ёки грамматик шаклини ёзишни бошқаришни, бунда қайси белгилар етакчи эканини тушунтириш демакдир. Ўқувчиларни қоида билан таништириш учун материал танлашда ўқитувчи бу етакчи белгиларни, албатта, ҳисобга олиши лозим. Масалан, 5-синфда “Қатор ундошли сўзлар”, “Қўш ундошли сўзлар” мавзулари ўрганилади. Дарс жараёнида шундай сўзлар ҳақида ҳам назарий маълумот берилади ва амалий ишлар бажарилади. Масалан:

218-машқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг. Қандай талаффуз қилинаётганига диққат қилинг. Ёнма-ён келган бир хил ундошнинг биттаси деярли эшитилмайдиган сўзларни ажратиб, дафтарингизга ёзинг.

Қувват, иззат, карра, мураббий, мунаққид, таассурот, таажжуб, тааллуқли, миллион, миннатдор, комиссия, миллиард, қассоб, ҳисса, грамматика, иффат.

Қўш ундошлар бўйича дарслиқдаги юқоридаги машқ бажарилгандан кейин шу мавзуга доир жуда муҳим бўлган қоидаларни ўргатиш ва шу қоидалар устида амалий машқлар бажариш керак. Асосан, бола қуйидаги

қоидаларнинг барчасини мукамал билсагина шу сўзларнинг имлосида хатоликка йўл қўймайдилар:

Баъзи сўзларда қўш ундош қисмлари аниқ талаффуз қилинади ва шундай ёзилади: *қувват, чаққон*.

Айрим чет тилидан ўзлашган сўзларда қўш ундошлар бир ундошдек талаффуз этилади, лекин қўш ундош билан ёзилади: *миллион, комиссия, артиллерия*.

Грамм, металл, конгресс каби сўзлар охирида келган қўш ундошлардан бири талаффузда тушириб қолдирилса ҳам, ёзувда ҳамиша ифодаланади. Бундай ундош билан тугаган сўзларга шундай товуш билан бошланадиган қўшимчалар қўшилганда, қўш ундошнинг бири ёзилмайди: металлар.

Умумтаълим мактабларининг 5–7 синф дастур ва дарсликларида нутқий малака ва кўникмаларни ривожлантиришга қандай ёндашилаётганлигини таҳлилий ўрганиш бу борада муайян хулосаларга келишга асос бўлади.

1.3-§. 5–7- синф “Она тили” дастур ва дарсликларида нутқий малакаларни ривожлантирувчи ўқув материаллари таҳлили

Дунёга юз тутиб, ривожланиб бораётган мустақил давлатимизга ҳозирги кунда ўз ҳақ-ҳуқуқини англайдиган, мустақил фикр юрита оладиган ва фикрини исботлай оладиган, гапга чечан, сўзини ўтказа оладиган инсонлар зарур. Шундай экан, она тили таълими олдида турган ўта муҳим вазифалардан бири тафаккур соҳибини тарбиялашдир. Тафаккур доираси кенг болагина ижодий фикрлай олади ҳамда фикрларини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, мазмунли, содда, равон ифодалай олади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини ҳосил қилиш, аниқ ва теран фикрлаш, ўз фикрларини ихчам, тушунарли баён қилиш малакасини шакллантириш она тили ўқитувчилари олдида турган энг асосий вазифа ҳисобланади. Чунки бундай малака ва кўникмаларни эгаллаган тафаккур соҳиби кўзда тутилган тил материалларини шунчаки ўрганмайди, балки уларнинг моҳиятини англашга, тил ҳодисалари орасидаги ўхшашлик

ва фарқли томонларни аниқлашга кузатиш, қиёслаш, гуруҳлаш, умумлаштириш сингари ақлий фаолият усулларини бажариш воситасида эришади.

Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришнинг дастлабки қадами уларнинг сўз захирасини оширишдан бошланади, етарли сўз захирасига эга бўлган шахсгина тил бирликларини ўринли қўллаб, фикрини тўғри ифодалай олади. Шунинг билан бирга мустақил қобилиятга эга бўлади. “Таълим тўғрисида”ги қонунда ҳам кўзда тутилган талабларга биноан ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш энг асосий вазифадир. Чунки мустақил фикрлаш воқеликка ижодий ёндашиш, мантиқан тўғри жумлалар тузиш, ўз фикрини эркин ифода этиш кўникмаларини шакллантиради.

Демак, мактабда ўқитиш жараёнининг, асосан, она тили таълимининг асосий вазифаси ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ҳосил қилиш, уларни ўз фикрини мантиқан изчил ва услубан саводли қилиб баён этишга ўргатишдан иборатдир.

Ўқувчилар ёзма нутқини ўстириш, аввало, эгалланган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш малакаси билан боғлиқдир. Ўқувчи савол ва топшириқлар асосида берилган машқларни бажарар экан, у грамматика қоидаларини ёзма нутқда қўллашга ҳаракат қилади. Бунинг учун ҳар бир ўргатилган қоида машқлар билан мустаҳкамланиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Қуйидаги машқлар ҳам имло қоидаларини мустаҳкамлашда кўл келади:

222-машқ. Сўзларни кўчиринг. Таркибида икки хил ундош ёнма-ён келган сўзларнинг тагига чизинг. Улар иштирокида гаплар тузинг. *Ҳиммат, панд-насихат, маслаҳат, бахт, дўстлик, гишт, табассум, фарзанд, фойда, қирқ, тўхтамоқ, ўртоқ, транспорт, илҳом, кўрк, машина, стул, улкан, ақл, дарахт.*

223-машқ. *Меҳр, сабр, сайр, илм* сўзлари талаффузи ва ёзилишини таҳлил қилинг. Шундай сўзлар қаторини кенгайтиринг.

Бир бўғинида ёнма-ён икки хил ундош келган сўзлар қатор ундошли сўзлардир. Қатор ундош билан тугаган баъзи сўзлар талаффузида охириги ундош деярли айтилмаса-да, ёзилади: *гўшт, дўст, хурсанд, барг, монанд...* Сўз бошида қатор ундошнинг келиши фақат ўзлашма (бошқа тилдан кирган) сўзларга тегишли: *стол, брокер, блогер...* Бу қоидалар ўқувчиларнинг имло саводхонлигини ошириш учун хизмат қилади. Уларга сўзларнинг, сўз шакллариининг ёзилиши ҳақида маълумот берилади. Шунини унутмаслик лозимки, айтилиши ва ёзилиши ўзаро таққосланган ҳолатлар қоидаларнинг аҳамиятини яна ҳам оширади: болалар улардан сўз ёки сўз шаклини қандай талаффуз қилсалар, шундай ёзиб бўлмаслигини билиб оладилар.

Юқоридаги имло қоидаларини мукаммал билган ўқувчигина шу сўзларни тўғри ёзиш малакасига эга бўла олади. Ёзма нутқ устида ишлаш оғзаки нутққа қараганда анча мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади. Чунки у ўқувчидан грамматик ва мазмун жиҳатдан тўғри жумла қуришни, ҳар бир сўзни ўз ўрнида тўғри қўллашни, фикрни ихчам, изчил, ифодали, услуб жиҳатидан содда ва раво ифодалашни, баён қилинган фикрлар асосида хулосалар чиқаришни талаб этади. Бу нутқ турининг мураккаб табиати ҳам шундаки, у имло, тиниш белгилари ва услуб билан боғлиқ. Сўзни тўғри ёзиш, тиниш белгиларини ўринли қўллаш, фикрни услуб талабига мувофиқ баён қилиш ўқувчидан катта масъулиятни талаб этади. Ёзма нутқ текширилади, кузатилади, такомиллаштирилади, бу жиҳатдан у оғзаки нутққа қараганда анча қулай имкониятларга эга.

Ўқувчи ёзма нутқдаги хато ва камчиликлар устида ишлайди, уларни бартараф этади, кейинги ишларда хато ва камчиликларга йўл қўймасликка интилади. Юқорида тилга олинган имло қоидаларининг барчасини тўлиқ ўзлаштириш, шу қоидаларнинг ҳаммасига амал қилиш орқали эришилади. Шунинг учун доимо она тили дарсларида имло қоидаларига қўйилган талабни ҳисобга олишимиз, унга амал қилишимиз лозим. Бу вазифани унутиш ёки бу талабни қуйи синфда, иккинчисини кейинги синфга қолдириш мумкин эмас. Бу талабларга доимий, изчил ва қатъий амал қилинсагина

ўқувчиларда имло саводхонлиги самарали кечади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ўқувчилар йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини ўз вақтида олиш саводхонликни ўстиришнинг асосий гаровидир. Ўқитувчи ўқувчи томонидан йўл қўйиладиган хатоларни қўйидаги чора-тадбирлар орқали бартараф қилиши мумкин: 1. Она тили дарсларида имловий дақиқалар ўтказиш ва луғат ишини кенг йўлга қўйиш. 2. Ҳар дарсда ўқувчилар томонидан йўл қўйиладиган умумий хатоларни аниқлаш. 3. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал хатолари устида ишлаш ва уларни ўз вақтида бартараф қилиб бориш. 4. Такрорлаш дарсларида ёки тўғарак машғулотларида “Саводхон ўқувчи” танловини ташкил қилиш. 5. Ўқувчилар ўртасида турли ёзма ишлар танловини ташкил қилиш. 6. Ҳар бир дарсда матн устида ишлаш. Қўйи синфдан бошлаб матн дафтарларини ташкил этиш 7. Ўқувчилар томонидан йўл қўйилган хатолар олдини олишнинг муҳим йўли — “Имло луғати” дафтарини ташкил этиш. Зероки, ўқувчининг йўл қўйган хатоси ўқитувчининг назорат дафтарыда қайд қилинса, ўқувчи қайси қоидаларни билмаслиги ойдинлашади. Хуллас, она тили дарслари орқали ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстиришда юқоридаги усуллардан фойдаланиш режалаштирилган мавзуларни пухта эгаллаш ва амалда қўллашда катта самара беради.

Она тили таълимини ўрганишдан асосий мақсад коммуникатив саводхонликни ривожлантириш, мустақил ва ижодий фикрлай оладиган, кироат ва суҳандонлик санъатидан хабардор, оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини мукаммал эгаллаган, маънавий баркамол шахсни тарбиялаб етиштиришдан иборат. Чунки ёшлар ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри тарбия олсагина ҳар жиҳатдан баркамол, эркин шахс бўлиб ривожлана олади. Она тили ўқитишнинг асосий мақсади тилининг қонун – қоидаларини биладиган, ундан онгли равишда тўла фойдалана оладиган, оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини, имло қоидалар ва тўғри ўқиш кўникмаларини эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳар томонлама комил ўқувчиларни етиштиришдир. Бугунги кунда она тили таълимидан талаб

килинадиган асосий натижа шундан иборат бўлиши керакки, бола тилдаги ҳар бир ҳодисани ва ҳар бир луғавий бирликни, барқарор бирикмаларни ажрата билиши керак. Мана шу тил ҳодисаларидан ва луғавий бирликлардан ўзининг оғзаки ҳамда ёзма нутқида кенг фойдалана олиши лозим. Ўқувчи тилдан амалда фойдалана олсагина она тили ўқитувчиси ўзининг мақсадига эришган бўлади. Шундагина боланинг ижодий қобиятлари тўлиқ шаклланади ва ривожланади. Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришнинг дастлабки қадами уларнинг сўз захирасини оширишдан бошланади, етарли сўз захирасига эга бўлган шахсгина тил бирликларини ўринли қўллаб фикрини тўғри ифодалай олади.

Бола ўз она тилини ўқиб ўрганиб олгандагина, унинг зеҳни, ақли, фикрлаш қобилияти, онги ва маънавий-ахлоқий даражаси ошади. Айниқса, ўзбек халқининг тарихида халқ яратган маданий-тарихий бойликларидан, ҳамда бугунги кундаги мустақил элимизнинг эришаётган ютуқларидан хабардор бўлади. Бошқа фанлар асосини чуқур ўзлаштиришга дадил қадам ташлайди. Ана шунинг учун ҳам ўқитувчи биринчи навбатда ўқувчилар қалбида ўз она тилига бўлган муҳаббатни уйғотиши лозим. Чунки, она тилига бўлган муҳаббат Ватанга, халққа бўлган муҳаббат билан чамбарчас боғлиқдир.

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ Республикамизда халқимизнинг миллий кадриятлари, маънавияти ҳамда тил маданиятига катта эътибор қаратила бошлади. Мана шунинг натижасида узоқ йиллар давомида сақланиб, бизга мерос бўлиб қолган халқимизнинг кадриятлари ва маданиятимизнинг тикланишига ҳам эришилди. Шу жумладан, халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналарини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, мақол ва маталларнинг бола тарбиясидаги муҳим вазифаси устида кўпроқ амалий ишлар қилинди. Чунки мақол ва маталлар халқнинг минг йиллик турмуш тажрибаларида синалган ҳаётий хулосалари, донолиги, маънавий бойлиги, дурдоналаридир. Уларни ўрганмай туриб, халқларнинг келиб чиқиши ва этник тарихи, унинг маданияти ва турмуши ўзига

хосликларининг шаклланиши ҳақидаги тарихий фан этнографияни четлаб ўтиш мумкин эмас. Халқ мақолларининг матни билан танишар эканмиз, халқимиз эл фарзандларининг бир-бирига ҳамкор, ҳалол, пок бўлиши билан бирга мард, ватанпарвар, илмни севувчи шахс даражасига кўтарилишини ҳам хоҳлаганлигига ишонамиз.

Мақоллар ва маталлар – халқ оғзаки ижоди меросининг энг кенг тарқалган ва энг характерли жанри ҳисобланади. Халқ тарихи, характери, меҳнат фаолияти ва турмушининг ўзига хосликлари мақолларда муҳрланган ёки қадимий турмушнинг тошларга қолдирган излари сингари ишончлидир.

Халқ мақол ва маталлари фольклорнинг ихчам шакл, аммо теран мазмунга эга бўлган бир жанридир. Ҳар бири тилимиз кўркини, нутқимиз нафосатини, ақл-фаросат ва тафаккуримиз мантиқини ҳайратомуз бир қудрат билан намойиш этган ва эта оладиган бундай бадиият қатралари халқимизнинг кўп асрлик ҳаётини тажрибалари ва маиший турмуш тарзининг бамисоли бир ойнасидир. Уларда халқимизнинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашлари тўла намойён бўлган. Шунинг учун ҳам мақоллар ғоятда кенг тарқалган бўлиб, асрлар давомида жонли сўзлашув ва ўзаро нутқий муносабатларда, бадиий, тарихий ва илмий асарларда, сиёсий ва публицистик адабиётда доимий равишда қўлланилиб келган ва қўлланмоқда.

Мақол ва маталлар узоқ ўтмишда бўлгани каби бугунги кунда ҳам мустақилликка эришган ўзбек халқининг ёш авлодини аждодлар ҳавас қилган баркамол инсон даражасига етакловчи асосий тарбия воситаларидандир. Тилшуносликнинг барча соҳаларини ўргатиш жараёнида мақол ва маталлардан самарали фойдаланиш мумкин. Масалан, фонетика бўйича олиб бориладиган дарсларда, хусусан, 5-синф «Она тили» дарслигида қуйидагича машқлар келтирилган:

Машқ. Мақолларни ўқинг. Хато ёзилган сўзларни топиб тўғриланг ва ёд олинг. Қийналган ўринларда имло луғатидан фойдаланинг.

*Илим ўлчови –ақил,
Зеҳин ўлчови – нақл.
Китоп кўрмаган кала–
Гиёҳ унмаган далла.
Билмаганини сўрап органган олим,
Орланип сурамаган ўзига золим.*

Ўқувчилар бу машқни бажариш жараёнида мақоллар таркибида хато ёзилган қуйидаги сўзларни аниқлайдилар: **илим, ақил, зеҳин, китоп, кала, гиёҳ далла, сўрап, орланип**. Мана шу сўзлар таркибида қандай хатоликлар кетганликларини аниқлаб ва хатосининг ўрнига тўғри вариантини қўйиб чиқадилар. Юқоридаги каби машқлар ўқувчиларни ўйлашга мажбур қилади, уларнинг топқирлигини оширади. Шунинг билан бирга оғзаки ва ёзма нутқининг ўсишига ёрдам беради.

Машқ. Мақолларнинг давомини келтиринг ва ажратиб кўрсатилган ҳарфлар бошқаларидан қандай фарқ қилишни тушунтиринг.

*Иш иштаҳа очар ...
Меҳнат.Меҳнатнинг тағи ...
Учишга қанот керак,
Ўқишга...*

Машқ. Қуйидаги матнни ёзиб олинг, ундаги ундош ҳарфлар талаффузда қайси нутқ аъзолари ёрдамида ҳосил бўлганини баён қилинг.

XI асрда яшаган бобомиз Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк” асарида “Тиришқоқнинг лаби ёғлиқ – эринчоқнинг боши қонлик”, “Ёшликда тиришиб ҳаракат қилган одам, катта бўлгач севинади”, “Бахт белгиси илмдир”, “Одобнинг боши тил” каби кўплаб халқ мақоллари ўрин олган.

Бундай машқлар 6-синф “Она тили” дарслигида ҳам берилган. Бунга намуна сифатида бир қанча машқларни келтириш мумкин.

2-mashq. Maqollarni ko‘chiring. So‘zlar tarkibida kelgan unli

tovushlarga tavsif bering. Ulardagi g‘oya haqida bahslashing.

1. Aql ko‘pga yetkazadi, hunar — ko‘kka. 2. O‘qish yaxshi, uqish undan ham yaxshi. 3. Yomonlikning oxiri — voy. 4. Mehnatda sinalgan — elda aziz. 5. So‘z doriga o‘xshaydi— ortiqchasi zarar keltiradi.

Мана шу машқ устида ишлаш жараёнида мақолларда ифода этилган мазмун устида ўқувчилар билан кўпроқ баҳс олиб борилса яхши натижа беради. Шу дарсликнинг бошида умумий такрорлаш мавзуси учун келтирилган 26-машққа эътибор берамиз: **26-mashq. Maqollarni o‘qib, yod oling. Zid ma’noli so‘zlarni izohlang. Ulardan nutqingizda foydalanganmisiz? Shu haqda gapirib bering.**

1. Kattaga salom ber, kichikka — kalom. 2. Yaxshilik nur keltirur, yomonlik — zulmat. 3. Yomonni tanqid qil, yaxshiga taqlid qil! 4. Ko‘p bilgan oz so‘zlar, oz so‘zlasa ham, soz so‘zlar.

Бу машқ таркибида келтирилган халқ мақолларида зид маъноли сўзлар катнашган. Ўқувчилар мана шу сўзларни аниқлайдилар ва ҳар бир мақолнинг маъносини изоҳлаб берадилар. Кўшимча тарзда, уйга вазифа сифатида шу мақолларни ёд олишни ҳам топшириш мумкин.

Қуйидаги машқлар мана шу дарсликнинг “Морфемика” мавзусига тегишли:

51-mashq. Gaplarni o‘qing. Nuqtalar o‘rniga berilgan qo‘shimchalardan mosini qo‘yib, ko‘chiring. Qo‘shimchalarning so‘zga qanday ma’no qo‘shayotganini ayting. Ulardagi g‘oya haqida bahslashing.

1. To‘g‘ri... bilan xiyonat, yolg‘on... bilan diyonat chiqisha olmay... 2. Baxt...lik... belgisi nodonlik... . 3. Qo‘rq... do‘st yovuz dushman... yomon. 4. Yalqovlik muhtojlik eshig...dir.

(-lik, -di, -chilik, -oq, -dan, -siz, -ning, -i, -dir)

Биз дарс жараёнида мақоллардан фойдаланишда, аввало, уларнинг тарбиявий жиҳатига кўп эътибор беришимиз керак. Қуйидаги машқда чуқур мазмунга эга бўлган бир қанча қардош ва қардош бўлмаган халқларга мансуб мақоллар келтирилган:

256- mashq. Maqollarni o‘qing. Ulardagi mazmun haqida bahslash- ing. Shart maylidagi fe’llarga izoh bering.

1. *Yaxshi so‘z eshitmoqchi bo‘lsang, yomon gap aytma.* (Arman maqoli)
2. *Boshqalarga yordam bersang, kulfat seni chetlab o‘tadi.* (Ozarbayjon maqoli)
3. *Haqiqatni inkor etsang, o‘z umringni qisqartirasan.* (Gruzin maqoli)
4. *To‘g‘ri bo‘lsang, o‘sib borib gul bo‘lasan, egri bo‘lsang, o‘sib borib kul bo‘lasan.* (O‘zbek maqoli)
5. *To‘g‘ri turgan bo‘lsang, soyaning egriligi- dan qo‘rqma.* (Xitoy maqoli)
6. *Oz yesang, ko‘p yashaysan.* (Arab maqoli)

Юқоридаги машқни бажариш орқали ўқувчилар ҳам имло қоидаларини ўзлаштирадilar, ҳам бошқа халқларнинг адабиёти ва халқ оғзаки ижодиётига бўлган қизиқиши ортади. Бу машқларни ўқувчиларга бажартиришдан кўзланган асосий мақсад –ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш.

Қуйидаги машқ орқали эса ўқувчилар ҳам халқ мақолларини билиб оладилар, ҳам улар қалбида ватанга бўлган муҳаббат туйғусини юксалтиришга эришамиз:

30-mashq. Gaplarni ko‘chiring. Ularning qanday mavzuga oid ekanligini aniqlang. Vatan mavzusidagi fikrlaringizni bayon qiling.

1. Ayrilmagin elingdan, quvvat ketar belingdan. 2. Baliq suv bilan tirik, odam — el bilan. 3. Vatan qadrini bilmagan o‘z qadrini bilmas. 4. Vatansiz inson — kuysiz bulbul. 5. Dushmanga nafrati bo‘lmaganning Vatanga muhabbati bo‘lmas.(Келтирилган машқлар дарслиқдан олингани учун лотин алифбосида берилган.)

Бу хилдаги машқлар бошқа дарсликларда ҳам учрайди. Бунга намуна сифатида бир қанча машқларни келтириш мумкин.

Масалан, умумий такрорлаш мавзуси учун келтирилган машққа эътибор берамиз:

Машқ. Мақолларни ўқинг, ёд олинг. Сўзларни туркумларга ажратинг.

Меҳнат — ҳаёт томиридаги қон.

Бугунги меҳнат — эртанинг роҳати.

Меҳнатни ҳурматласак, у бизни эъзозлайди.

Инсон меҳнат билан улугланади.

Бахтнинг калити меҳнатнинг чўнтагида.

Бог-у бўстонлар — меҳнат маҳсули.

Гул узишдан олдин гулзор яратадилар.

Меҳнаткаш одам фисқ-фасод гапларни билмайди.

Меҳнат одамни ҳаёт қийинчиликларидан қутқаради.

Ялқовлик бор ерда кўз бўяш бор.

Юмшоқ пахта қаттиқ меҳнатнинг маҳсулидир.

Машаққатнинг маҳсули фароғатдир.

Одам меҳнатини ёйса, меҳнати унинг шуҳратини ёяди.

Одам баҳосиздир, аммо уни меҳнати баҳолайди.

Меҳнат — йўқчиликнинг кушандаси.

Бу машқ таркибида келтирилган халқ мақолларида тилимиздаги барча сўз туркумлари қатнашган. Ўқувчилар мана шу сўз туркумларини гуруҳларга ажратадилар ва ҳар бир мақолнинг маъносини изоҳлаб берадилар. Қўшимча тарзда, уйга вазифа сифатида шу мақолларни ёд олишни ҳам топшириш мумкин.

Қуйидаги машқлар ҳам жуда тарбиявий аҳамиятга эга:

Машқ. Қуйидаги матнни орфоэпия қоидаларига риоя қилиб ўқинг, сўзларнинг талаффузига риоя қилинг.

Олтин ўтда билинади, одам — меҳнатда. Меҳнат билан иноқлашсанг, тан оғригин кўрмассан. Кўп ишловчи кўп яшайди. Меҳнат қилсанг, кўнглингга ёрузлик тушади. Одамлар сенинг чиройингга, кийган кийимингга қараб эмас, балки қилган ишингга қараб туриб баҳо берадилар. Яшаш учун фойдали меҳнат қилиш кераклигини англаб етиш инсонликнинг биринчи шартидир. Дангаса ва ялқовлар ҳеч қачон саноқда бўлмайди.

Машқ. Мақолларни ифодали ўқинг. Сўзлардаги фонетик ходисаларни аниқланг.

*Орқада турган дўстдан олдинда турган душман яхши. (Грузин мақоли) Меҳнат ҳаёт **чирозига** ёғ қуяди, тафаккур эса **уни** ёритади. (Инглиз мақоли) Нодон айтур: **голиб** чиқдим, доно айтур: **йўл** бердим. (Татар мақоли) Доно олга боратуриб, орқага қараб қўяди. (Пуштун мақоли) Ақлли халққа **интилса**, нодон ўз қариндош-урузларига **интилади**. (Қирғиз мақоли) Озодлик — ободлик. (Тоғжик мақоли) Дўстлик ишига монанд, синса — улай олмайсан. (Рус мақоли) Кишиларга муҳаббат — энг яхши давлат. (Араб мақоли) Яккани бўри ер. (Қорақалпоқ мақоли)*

Мақол ва маталларни бундай тартибда ўргатиш орқали ўқувчиларнинг сўз бойлиги ошади. Нутқнинг ранг-баранглиги ва жозибдорлиги таъминланади. Бир сўз билан айтганда, ўқувчиларнинг нутқ маданияти такомиллашиб боради.

Ўқитувчининг маҳорати, унинг дарс давомида мақоллардан унумли фойдаланишида яққол билинади. Ўқувчилар мақолларни ёқтирадилар, шунинг учун ҳам мақоллар билан берилган топшириқларни жон дилдан бажарадилар. Ўқитувчи шуларни ҳисобга олиб, мақол ва маталлар билан боғлиқ хилма-хил машқлар ишлатиш орқали ўқувчиларга сўзларнинг мажозий маъносини, кўп маъно ифодаланишини амалий сингдириб боради.

Хуллас, ўқувчилар нутқини бойитишда ва уларни ҳар томонлама баркамол, етук қилиб тарбиялашда халқ оғзаки ижодининг нодир намуналари катта роль ўйнайди. Халқ оғзаки ижоди намуналари ўқиш учун ҳам, суҳбат учун ҳам, ҳикоя тузиш учун ҳам, грамматик таҳлил ва ёзув учун ҳам жуда

кулай материалдир. Улар ихчам, сермазмун ва таъсирчан бўлади; ўқувчиларнинг бадий дидини ўстиради, нутққа эътибор билан қараш ва тўғри мантикий фикрлашга ўргатади, эстетик тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Дарсликларда мавзуга боғлиқ ҳолда машқ матнлари ичида хилма-хил мавзулардан жуда кўп халқ оғзаки ижоди намуналари берилади. Ўқувчилар ўқилган асарнинг ахлоқий жиҳати билан ҳаётий шароитни боғлайдилар. Шундай экан, халқ оғзаки ижодининг ўлмас бу хазиналари ўқувчиларни топқир ва зукко қилиб тарбиялашга, шунинг билан бирга уларни одоб-ахлоқли қилиб ўстиришга жуда катта ёрдам беради.

Боб бўйича хулоса

1. Амалдаги она тили таълимида нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантириш механизми мавжуд эмас, таълим мазмуни ўқувчида нутқий компетенцияни ривожлантириш имконини бермайди. Бугунги ўқитиш методикасида икки ёндашув ёнма-ён турибди. Бири жаҳон тажрибасига тўла мос ҳолатда тилнинг грамматик структурасига таянмасдан фақат нутқий кўникмаларни, хусусан, хорижий тилларга хос тўртта кўникмани ривожлантириш бўлса, иккинчиси – анъанавий грамматика асосида она тили ўқитиш. Бу борада олтин ўрталикни топиш лозим.

2. Бугунги она тили таълими жараёнларини кузатиб шуни айтиш мумкинки, грамматика ўқитишга асосланган она тили таълими ҳам ўзини оқламади, яъни ўқувчилар келажакда тилшунос бўлмасалар-да уларга қайси соҳани танлашларидан қатъи назар тил сатҳлари батафсил ўқитилди ва бу ўқувчиларнинг фандан бешишига, машғулотдан зерикашига олиб келди. Амалдаги машғулотларда ўқувчига “Сўз туркумларини топинг”, “Матндаги сўзларни туркумларга ажратинг” каби топшириқлар прагмактик характерда эмаслиги, ўқувчи нутқий кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилмаслиги, эртанги ҳаётида деярли фойдаланмаслиги маълум бўлди.

3. ДТС, дастур ва дарсликлар мазмуни таҳлил қилинганда йигирма биринчи аср бошларида Ҳ.Неъматов ва А.Ғуломовлар томонидан таълим мақсади

тўғри қўйилган эди ва шунга мос равишда таълим мазмуни ва усули ҳам тўғри танланган эди, яъни таълим усули индуктив бўлиб, прагматик ёндашувда ўқитиш бошланган эди. Шунда ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ривожлантиришга эришиш мумкин эди. Бироқ мазкур ёндашув тез фурсатда амалиётдан олиниб, грамматика ўқитишга асосланган, узвийлаштирилган таълим дастури ишга тушди. Бугунги кунда яна нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришга, прагматик ёндашувга катта эҳтиёж сезилмоқда.

II БОБ. ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШ МЕТОДИКАСИ

2.1-§. Нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантириш тамойиллари

Умумий ўрта таълим мактабларида она тили ўқитишнинг самарали бўлишига эришиш учун амалдаги ўқув материалларини бу борадаги муаммоларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Муҳими шуки, ўқувчида, аввало, ўқув соати учун ажратилган ҳар бир дақиқадан, дарсликларда берилётган ҳар бир маълумотдан унумли фойдаланиш кўникма ҳамда малакасини шакллантириш ва ривожлантириш талаб этилади. Бу борада она тили таълимида ўқув топшириқларидан самарали фойдаланиш, машқ ва топшириқларга муносабатни ҳам таҳлилий ўрганиш лозим. Жумладан, И. Давронов²³нинг алгоритмик машқлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари бу борадаги янгича ёндашувлардан биридир. Бироқ она тили ўқитишда шундай мавзулар бўладики, уларнинг таълимида дидактик ўйинлардан кўра анъанавий амалий ишлар орқали керакли натижага эришиш мумкин бўлади.

Таъкидлаш керакки, тўғри талаффузнинг имлога ва аксинча, тўғри ёзишнинг оғзаки нутққа таъсири бўлиши табиий. Фан-техника қанчалик шиддат билан ривожланмасин, замон-у заминлар ўзгармасин, барибир инсоният учун ёзма нутқ масаласи ҳеч қачон ўз моҳиятини йўқотмайди. Шундай экан, бу масала ҳамisha таълимнинг биринчи даражали муаммоси бўлиб қолаверади. (Давримиз кишиларининг саводхонлик даражаси билан мактаниб бўлмай қолди. Мактаб партасида ўтирган ўқувчининг ёзма нутқини имловий, ишоравий, услубий хатолардан тозалашга ўқитувчиларнинг қурби етмай қолаётганлигини ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайди.)

²³ Давронов И. Алгоритмик машқ ва унинг хусусияти. Филология ва усулий масалалари. Илмий –усулий мақолалар тўплами. – Бухоро, 2010. – Б.188-193.

*Ўқувчилар ўз она тили имкониятларидан маҳорат билан самарали фойдалансалар, ўз фикрларини таъсирчан, тушунарли баён қила олсалар, аждодлардан қолган бой илмий, бадиий меросни чуқур англаш даражасида ўз тилини билсалар, она тили таълими ўз мақсадига эришган бўлади*²⁴. Бунинг учун она тили дарсларида фойдаланиладиган ўқув материаллари ниҳоятда пухта ишланиши, кўникмаларни комплекс тарзда шакллантириш имкониятига эга бўлиши лозим. *Бир пайтнинг ўзида ҳам талаффуз, ҳам имло, ҳам сўз бойлигини ошириш, қолаверса, мустақил фикрлашга йўналтиришга шароит яратиш зарурати такрорлаш жараёнини тақозо этади, бу эса нутқий маҳоратни оширади*²⁵.

Ўқувчи нутқий малакасининг шаклланиши ва ривожланишига замин яратувчи фонетика, орфография, орфоэпия, пунктуация бўлимларини ўқитишда машқлардан мунтазам фойдаланиш, қолган бўлимларни эса топшириқлар асосида ўқитиш, фикримизча, кутилган натижани беради.

Аввало, бошланғич синф “Она тили” дарсликларида талаффуз ва имло қоидаларини амалий сингдиришга кўпроқ эътибор қаратилиши, талаффуз устида ишлаш кейинги синфларда ҳам узлуксиз давом эттирилиши лозим. Зеро, маданиятлиликнинг энг муҳим белгиси кишининг тўғри сўзлай олиши ҳамда хатосиз ёза билишидир.

Нутқнинг таъсирчан, мазмунли бўлишида тилнинг сўздан бошқа ифода воситаларидан ҳам ўринли ва унумли фойдаланиш лозим. Масалан, халқ мақоллари, ривоятлар, ҳадислар, масаллар нафақат “Адабиёт”, балки “Она тили” дарсликларида ҳам кўпроқ келтирилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. У “яшаш қоидалари” сифатида ўқувчига оддий мисолга қараганда кўпроқ маълумот беради. Хусусан, орфоэпия, лексика ва морфология мавзуларини ўқитишда бу жиҳатга эътибор қилиш зарурати мавжуд. Ўқувчиларнинг нутқий кўникмаларини ривожлантириш янги педагогик технологияларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

²⁴ Ғ.Ҳамроев Умумий ўрта таълим мактабларида фонетикага доир ўқув методик таъминотни такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фал.д-ри. (PhD) диссертацияси –Самарқанд. 2019. 143 б.

²⁵ Ўша манба. 44-б.

**Нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашиш
технологияси**

Нутқий кўникмалар	Хусусияти	Топшириқлар	Аҳамияти
Тинглаб тушуниш (англаш)	Эшитилганлар-ни англашга ўргатади	1-топшириқ. Эшитилган матн асосида қисқа баён ёзиб беринг.	Топшириқ асосида ривожланади.
Ўқиб тушуниш (фаҳмлаш)	Матн мазмунини уқиш, ғоя ва фикрни идрок этишга ўргатади.	1-топшириқ. Матнни ўқиб тушунганингизни ундаги сўзларни изоҳлаш орқали асосланг.	Топшириқ ва машқ орқали ривожланади.
Гапириш (нутқ)	Адабий талафуз қоидалари, нутқ вазиятига мос равишда тўғри ва ўринли сўзлашга ўргатади.	1-топшириқ. Матн ҳақида ўз мулоҳазангизни сўзлаб беринг.	Савол, топшириқ ва машқ орқали ривожланади.
Ёзиш (баён)	Ўз фикрини тушунарли, грамматик жиҳатдан тўғри, нутқ вазиятига мос ёзма ифодалашни ўргатади	1-машқ матнда ажратиб ёзилган сўзларнинг маънодошини топиб ёзинг.	Машқ орқали ривожланади.
Мантиқий фикрлаш	Матндан англашилган мазмун ҳақида мустақил мушоҳада қилишга ўргатади.	1-савол. Матндан англаганингизни тушунтиринг. Воқеа ҳаётга мосми?	Савол ва топшириқ орқали ривожланади.

2.1-жадвалда акс этган тизим она тилига доир ўқув материалларининг методик таъминотини такомиллаштиришга кўмаклашади. Унда ўқув материаллари сирасида назарий маълумот, топшириқ, машқ, технология ва усулларнинг вазифаси, мазмуни ва хусусияти акс этган. Шу ўринда

таъкидлаш лозимки, машқ ва топшириқлар таълим мазмуни ҳисобланган дарсликлар таркибий қисми бўлишидан ташқари, алоҳида тизим сифатида ҳам қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Аниқ фанлар бўйича қизиқарли масалалар тўплами, тизими мавжуд. Бироқ она тили ўқитишга доир махсус машқ ва топшириқлар тизими амалиётда фаол қўлланилмайди.

Нутқий кўникмаларни тизимли шакллантирувчи топшириқларнинг таркиби қуйидагича:



2.3-расм.

Топшириқлар тузишда юқоридаги тўрт таркибий қисмга асосланилса, ўқув материалларининг савияси янада ортади. Топшириқ ҳозир амалда бўлган она тили дарсликларида янгилик сифатида киритилган. Албатта, бу ижобий ҳодиса. Бироқ улардан дарс жараёнида ўринли, самарали фойдаланиш янада муҳим аҳамиятга эга.

Топшириқлар, асосан, лингвистик компетенцияни шакллантиришга, билим олишга хизмат қилади, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради, шунинг учун уларнинг қўлланиш ўринларини ҳам аниқлаб олиш лозим.

Умумий ўрта мактабларнинг 5–7-синф ўқувчиларида нутқий малакаларни ривожлантиришга тизимли ёндашишда ҳам қуйидаги педагогик технология²⁶ дан ижодий фойдаланиш мумкин:

1-топшириқ. Берилган матнни тингланг ва мазмунини тушунтиринг. Матнда ажратиб кўрсатилган сўзлар маъносини мустақил ёзма изоҳланг. Ҳар бир сўзнинг маънодошини топиб ёзинг.


АСАЛ ВА СИРКА

Бозорда икки дўкон ёнма-ён жойлашган бўлиб, уларнинг бирида асал, бирида **сирка** сотилар экан. Асал сотувчи ёнига ҳеч ким келмас, сирка сотувчи ёнидан эса **харидор** аримас экан. Асал сотувчи **толесизлигидан** хафа бўлиб, кекса **донишманд** ҳузурига бориб, сирка сотувчиси ёнидан одам **аримаслиги**, ўзининг ёнига эса ҳеч ким келмаслигидан **шикоят қилибди**.

Асл ҳақиқатни ўрганган донишманд шундай дебди:

-Ўғлим, сен асал сотасан, лекин тилинг сиркадек аччиқ тахир. Шеригинг сирка сотади, лекин тили билан асал улашади.

²⁶ Ғ.Ҳамроев Умумий ўрта таълим мактабларида фонетикага доир ўқув методик таъминотни такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фал.д-ри. (PhD) диссертацияси –Самарқанд. 2019. –Б.43.



Таклиф этилаётган педагогик технология ўқитувчидан юксак маҳорат талаб қилмайди. Ўқитувчи фақат бошқариш ва йўналтириш вазифасини бажарса, бас. Топшириқни бажариш учун ўқувчи ўқиш ва ёзишни билса, кифоя.

Топшириқнинг босқичлилиги ҳар томонлама ўйланган. Биринчидан, она тили ўқув предметини математика, физика, кимё каби мураккаб ўқув предметлари билан ўзаро муносабатини янада яхшилаш, яъни мазкур фанларда масалалар шарти босқичли эканлиги инобатга олиниб, она тили дарсларидаги топшириқлар структурасини ҳам шунга мослаш; иккинчидан, ўқувчининг ўзлаштириш имконияти, савияси кабилар ҳам назарда тутилган. Масалан, уч босқичли топшириқ бўлса, битта топшириқни тўлиқ бажарган “қоникарли”; иккитасини тўлиқ бажарган “яхши” ва учаласини ҳам тўлиқ бажарган ўқувчи “аъло” баҳоланиши кўзда тутилган. Бу ўқувчиларни мониторинг қилишда ўқитувчига ҳам жуда қўл келади.

Қўлланилиши:

1. Дастлаб берилган матн тингланади ва ўқувчилардан мазмун, шунингдек, ажратилган сўзлар маъносини тушунтириб бериш сўралади. Бунда ўқитувчи “Ақлий ҳужум, “Блиц-сўров” методларидан фойдаланади.

4 дақиқа ичида 7 нафар ўқувчи матн мазмуни ҳақида ўз фикрини билдириш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчи бу пайт ичида икки-уч ўқувчига қайси товушларни нотўғри талаффуз қилаётганини айтиб ўтади. Уларга тўғри талаффуз бўйича эслатма беради. Асосийси: *Тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш устида ишланади.*

2. Топшириқнинг қолган икки босқичи ёзма бўлиб, унда барча ўқувчи фаол иштирок этади. Ўқувчилар сонига қараб кичик гуруҳларга бўлинади. Гуруҳларга ном берилади. Ўқувчилар матнда иштирок этаётган ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносини ёзма аниқлашади. Айрим хато ва камчиликлар ўқитувчи томонидан тузатилади, тушунтирилади. Асосийси: *мустақил ишлашга, ёзма нутқни ривожлантиришга шароит яратилади.*

3. Ҳар бир сўзнинг маънодошини топиб ёзиш жамоаларга иккинчи топшириқ сифатида берилганда *харидор сўзига мижоз; толейсиз сўзига бахтсизни (бахтсиз сўзини ўқувчилар бахтсиз, бахсиз, бахдсиз шаклларда) ёзади.* Ўқитувчи эса тўғриси *бахтсиз* бўлишини уқтиради. Асосийси: *ёзма саводхонлик устида ҳам ишланади.*

Агар ушбу технологияни бошқа синфларда ҳам қўллаш керак бўлса, ўқувчи ёши ва руҳиятига мос бирор мақолга ёки *“Дунёда илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмагай”* каби ҳикматга ўзгартириб, ундан фойдаланиш мумкин.

Ўқувчиларга бундай топшириқлар берилганда уларга донолар ҳикматларидан топиб, уларни изоҳлаш, муносабат билдиришга ўргатиш, шу асосда матн яратиш ёки матн тузишда фикрни асослаш учун қўллаш кўникмаларини шакллантириш мумкин. Топшириққа бундай ёндашиш дарсни самарали ташкил қилиш ва ўқувчига кўпроқ фойдали билим, кўникма ва малака беришга имконият яратади.

Бу каби топшириқларни тузишда оддий жумлаларни таҳлил қилишдан кўра афоризмлар устида ишлаш фойдали эканлиги инобатга олинган. Қолаверса, ўқувчи машҳур кишиларнинг ҳаёт ҳақидаги қарашларини ўрганишга қизиқади. Энг муҳими, ҳикматли сўзлар айрим ўқувчиларнинг яшаш шиорига ҳам айланиб боради.

Шу маънода ишимизда тилнинг тарбиявий аҳамиятга эга ифода воситаларидан фойдаланилди. Айниқса, орфоэпия ўқитишда ўқувчининг маънавий оламига чироқ ёқа оладиган халқ мақолларидан ўринли ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Аксарият халқ мақолларининг таркиби қофиядош сўзлардан иборат бўлиб, улар ўқувчига муайян унли ва ундош товушларнинг нозик талаффуз хусусиятларини кўрсатиб беришда жуда кўл келади. Оддий жумлада иштирок этган сўз таркибидаги товушдан кўра шеърий мисра таркибидаги товуш талаффузи ўқувчи тафаккурига тезроқ таъсир кўрсатади.

Умумий ўрта таълим мактабларида она тили таълимининг асосий мақсади ўқувчиларнинг коммуникатив саводхонлик даражасини ошириш, уларни мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириш, ўз фикрларини тўғри, аниқ, ўринли ифодалашга ўргатиш экан, уни амалга оширишнинг ишончли омилларидан бири – матн яратишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш, уни ўқув амалиётига изчил жорий этиш, луғат бойлигини ўстириш, нутқий маҳоратини шакллантиришдан иборатдир. Мана шу омиллар орқали нутқий маданиятни юксалтирувчи кўникма ва малакалар тизимини яратиш лозимдир.

Мактаб она тили таълимининг турли босқичларида ўқувчиларни бадий матн устида ишлашга ўргатишнинг мақбул усуллари ва шаклларидан фойдаланиш, шу жараёнда бадий-эстетик тушунча ва завқни тарбиялаш, уларни китобхонликка ўргатиш каби муаммолар, шунингдек, матнлар орқали ўқувчиларга одоб-ахлоқ ўртатиш бугунги она тили таълимининг энг асосий вазифаларидан биридир. Дарс жараёнида ўқитувчи матн туздиришда ва матн устида ишлаш жараёнида қуйидагиларга амал қилса яхши натижаларга эришиши мумкин.

Матн яратишда фикрнинг қайси тарзда ифодаланишидан қатъи назар, ўқувчи, аввало, нима ҳақида ва нима учун гапириш, ёзиш кераклигини, яъни мақсадни яхши англаши керак. Мақсадга қараб тузилажак матннинг мавзуси белгиланади ва тури аниқланади. Матн ривоя бўлиши, яъни унда бирор нарса

хақида маълумот берилиши, ҳикоя қилиниши ёки бирор ҳодисанинг тафсилоти тушунтирилиши мумкин. Ёки матн тавсифий бўлиши, яъни унда бирор нарса (ҳодиса, киши, воқеа) тасвирлаб ҳам берилиши мумкин. Шунга қараб яратилажак матннинг тури аниқланади, яъни унинг ривоя, тасвирий, тавсифий ёки мулоҳаза туридаги матн бўлиши белгилаб олинади. Гап шундаки, бу матн турларининг ҳар бирида ўзига хос лисоний ва лексик воситалар қўлланади. Ҳар бирининг кириш, асосий ва хулоса қисмлари ўзгача хусусиятга эга бўлади. Ўқувчилар ана шу хусусиятларни билиб олсаларгина, фикрларини саводли қилиб тўғри ифодалашни ўрганишлари мумкин. Матнда фикрларни мантиқан изчил қилиб баён этиш катта аҳамият касб этади. Баъзи матнлардаги ғализликлар кўпинча фикрлар изчиллиги ва мантиқига мос келмайдиган ёки зид бўлган фикрнинг мавжудлиги, шунингдек, мавзудан четлаб кетиш ҳолларидан келиб чиқади. Шундай экан, ўқувчиларга мантиқ қонун-қоидаларини ўргатиш ва уларда фикрни матн тарзида мантиқан изчил, воқеаларни кетма-кет баён қилиш йўллариини ўргатишимиз лозим.

Фикрни матн тарзида ифодалашда тилнинг барча қоидаларига амал қилишга одатлантириш ва бу борада зарурий кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида ўқувчиларни мунтазам равишда машқ қилдириш керак. Дарс жараёнида матн тузиш ва матн устида ишлашни ҳар хил кўринишда ташкил қилиш мумкин. Масалан: 6-синфда атоқли отларни ўтгандан кейин “Мен орзу қилган касб” мавзусида кичкина матн тузишни топширсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчилар адабиёт фанидан олган билимларига суяниб, 10-12 дақиқа ичида мана шу мавзуда матн тузадилар, кейин уларга матндаги атоқли отларни топишни топшириш мумкин. Матн ичидаги шахс отларни аниқлашади. Бундай мавзудаги матнлар орқали, аввало, болани ўз олдига катта мақсадлар қўйиб, ҳаётига олиб кириб, уларга маънавий тарбия беришга эришамиз. Шунинг билан бирга дарсимизни реал ҳаёт билан боғлаймиз. Бундан ташқари дарс жараёнида ёки уйга вазифа сифатида бир-бирига умуман алоқаси йўқ бўлган 4-5 та сўз бериш ва шу сўзлар асосида матн

туздириш ҳам яхши натижа беради. Бундай тузилган матнда, албатта, узвий бир воқеа ифодаланиши ёки ҳикоя тасвирланиши керак. Қўшимча тарзда бу матнга сарлавҳа топишни ҳам вазифа қилиб бериш мумкин. Масалан, *тоғ, дада, ўқувчи* каби сўзларни бериш мумкин. Ўқувчилар 10-12 дақиқа ичида ихчам ва қизиқарли матн тузадилар (Бу тажриба педагогик амалиёт даврида 5-синф ўқувчилари иштирокида синаб кўрилди).

Ўқувчилар яратган матнлардан намуналар:

1-ўқувчи:

Тогда

Менинг дадам қурилишида шофёр бўлиб ишлайди. У ўз машинасида тогдан тош олиб келади. Бир куни мен ҳам дадам билан тоққа бордим. Тогни маза қилиб томоша қилдим. Баҳор фаслида тоғ жуда ҳам чиройли бўлар экан. Атрофда ҳар хил гиёҳлар ўсиб ётибди. Энг зўр нарса, у ерда ўсиб ётган лолақизгалдоқлар эди. Уларни кўрган киши жуда хурсанд бўлади. Мен шу гуллардан тердим. Гулларни онамга, сингилларимга ва ўртоқларимга совға қилдим. Улар буни кўриб жуда хурсанд бўлишди. Тоққа қилган саёҳатимнинг таассуротларини келиб синфдаги дўстларимга ва барча ўқувчиларга гапириб бердим.

2 ўқувчи:

Музқаймоқ

Кеча якшанба бўлгани учун дадам билан шаҳарга бордик. Шаҳарни маза қилиб айландик. Кейин истироҳот боғини ҳам томоша қилдик. Шаҳарга борганда музқаймоқ емасдан қайтмайман. Бу гал ҳам тўйғунимча едим. Дадам қаршилик қилса ҳам яна иккитасини едим. Шундай қилиб, уйга келгандан кейин иситмам чиқиб, касал бўлиб қолдим. Эртасига мактабга ҳам бормадим. Энг ёмони, синфимиз ўқувчилари билан тоғ сайрига бора олмай қолдим. Энди бўлса ҳамма вақт катталарнинг айтганини қиламан, деб ўзимга сўз бердим.

Бундай матнларни туздириш ўқувчиларнинг тез фикрлайдиган, ҳозиржавоб, сўзга чечан бўлишига ёрдам беради. Чуқур фикр юритишга

мажбур қиладиган матнлар туздириш ҳам жуда мақсадга мувофиқдир. Бунда, асосан, бирор қизиқарли мавзу бериш ёки матнни воқеа тарзида қизиқарли қилиб бошлаб бериб, ўқувчиларга давом қилдиришларини топшириш ҳам яхши натижа беради. Ҳар бир синфда мана шундай мавзудаги матнлар бериб, уларнинг фикрлаш қобилиятини синаб кўриш мумкин. Масалан, 6-синфда “Феълнинг маъновий гуруҳлари” мавзусини ўтиб бўлгандан кейин, ўқувчиларга “Анвар йиғлаб юборди...” мавзусида матн тузишни топширдик. Ўқувчиларнинг тузган матнларидан намуналар:

1-ўқувчи:

Анвар йиғлаб юборди...

Она тили дарси эди. Ўқитувчимиз барчамизнинг китоб, дафтарларимизни кўриб чиқди. Лекин Анвар дафтарини олди-ю, китобини олмади. Ўқитувчимиз китобни сўраганда, Анвар индамай тураверди. Шунда ўқитувчимиз унга сумкасини олишни буюрди. Анвар сумкасидан секингина китобини олди. У китобининг муқовасига чизиб ташлагани учун яшириб ўтирган экан. Ўқитувчимиз Анварга ҳеч нарса демади. Янги мавзунини ўтиб бўлгандан кейин китоб билан боғлиқ ҳикоятни айтиб берди. Анвар бу ҳикоятни тинглаб бўлгач, нима қилишини билмай уялганидан йиғлаб юборди. Ўқитувчимиз эса меҳрибонлик билан уни овутиб, энди бундай иш қилмаслиги кераклигини секин тушунтирди.

2-ўқувчи:

Анвар йиғлаб юборди...

19-март куни мактабимиз бўйича шанбалик уюштирилди. Барча ўқувчилар шанбаликка фаол қатнашиб, дарахтларнинг тагини юмшатдик, оқладик. Шанбаликка фақат Анвар келмай қолди. Эртасига ўқитувчимиз кечаги шанбалик ва меҳнат ҳамда унинг фойдалари ҳақида гапирди. Ўқитувчимиз “Дангаса бола” ҳақидаги ривоятни айтиб берди. Анвар ўрнидан туриб ўзини кечиршини сўраб йиғлаб юборди. Устозимиз эса айбини бўйнига олиш ҳам мардлик эканини айтиб, Анварни кечирди. Бундан кейин меҳнатдан қочмаслигимиз, уйимизда ҳам ота-онамизга ёрдамчи

бўлишимиз кераклигини уқтирди. (Келтирилган матнлар ўзгартирилмасдан берилди).

Шу матнни тузиб бўлгандан кейин матн ичидаги феълларни топишни ва унинг маъновий гуруҳларини аниқлашни вазифа қилиб топширдик. Ўқувчилар ҳеч қийналмасдан бу вазифани бажаришди.

Мана шундай мантиқий изчил тузилган кичик ҳикоя ёки матнлар ўқувчилар ёзма ва оғзаки нутқининг ўсишида энг асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Она тили таълимининг асосий мазмунидан келиб чиқадиган мақсад, ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб камолга етказишни назарда тутди. Она тилини ўргатиш жараёнида ўқувчиларга она-Ватанга муҳаббат, табиатга меҳр, атрофидаги инсонларга ҳурмат, эҳтиром, яхшилик, адолатли бўлиш ҳамда ўз ишига меҳр ва садоқат билан ёндашиш каби ижобий хислатлар сингдирилади.

Она тили машғулотларида асосий эътибор ўқувчилардаги ижодий фикр маҳсулини мустақил ва изчил баён этишга, сўз бойлигини ошириш ва матн яратиш кўникмаларининг шакллантирилишига қаратилиши лозим.

Ўқувчи ҳар бир машғулотда мустақил ва ижодий ишлаши, тилнинг мавжуд имкониятларидан унумли фойдаланиши, сўз бойлигини ошириши, сўзнинг маъноси ва тилдаги барқарор бирликларни моҳиятига қараб нутқда қўллаши, равон ва аниқ сўзлаш малакасини эгаллаши даркор.

Нутқий фаолиятда ҳар бир тил ҳодисасининг ўз ўрни, ўз вазифаси бор. Уларни нутқ жараёнида ўрнида қўллай билиш эса асосий масала бўлиб ҳисобланади. Шуни унутмаслик керакки, ёшлар тил имкониятидан вазиятга қараб фойдаланиш малакасига эга бўлишлари, ўз фикрини аниқ ифодалашга, зарур бўлган сўз ва гап шакллари, ибора ва тасвирий ифодаларни танлай ва қўллай билишлари давр талабидир. Бунинг учун она тили ўқитувчиси ўз ихтисослигини пухта билиши, илғор педагогик технология ҳамда замонавий ўқув-техник воситалардан яхши хабардор бўлиши лозим. Энг асосийси, она тили ўқитувчисининг ўзи мукамал нутқ соҳиби бўлиши керак. Шундагина

таълим самараси ҳам, ўқитиш даражаси ҳам юқори бўлади.

Она тили материалларини пухта ўрганган ўқувчи тил ходисаларини кузатиш, таққослаш, гуруҳларга ажратиш, умумлаштириш кабиларни мукамал билиб олиш имкониятига эга бўлади. Бу нарса, албатта, тил ходисаларининг моҳиятини чуқурроқ ўрганишга, нутқда сўзни меъёрида ва ўрнида ишлатиш кўникмаларини мустаҳкамлашга ижобий таъсир этади.

Она тили ўқитишда олдинги ўрганилганларга таяниб, янги тушунчаларни кузатиш, гуруҳларга ажратиш, қиёслаш, умумлаштириш орқали ўзи мустақил қоида, таъриф чиқаришга ўрганган ўқувчи бир-бирига ўхшаш ва фарқли ходисалар устида ишлайди, ўқитувчи ёрдамида хулоса ва ҳукм чиқаради.

Она тилининг изчил курсида фонетика, лексикология, фразеология ва грамматика ўзаро боғлиқ ҳолда бир яхлитликни ташкил этади. Бошланғич синфларда ўрганилганларга суянган ҳолда сўзнинг умумий таҳлилини ўтказиш, ўқувчини сўз устида ишлаш бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлашга, мустақил, ижодий фикрлашга, ихчам, лўнда ва аниқ хулоса чиқаришга, ҳар бир товуш ва сўздан унумли фойдаланишга ўргатади. Она тили дарсларида, хусусан, ибораларни ўтиш ва уларни нутқ жараёнида қўллаш узвийлаштирилган таълим дастурида ҳам ўз ифодасини топган. Ўқувчиларнинг ижодий тафаккури ва нутқини оширишда ибора ва тасвирий ифодаларни нутқда қўллай олишнинг аҳамияти катта. Бола нутқини иборалар билан бойитиш мураккаб жараён бўлиб, у кўп қирралидир. Турғун иборалар маъносини ёки сўзлар этимологиясини билиш ўқувчилар учун жуда қизиқарли. Ўзбек тили тарихи, унинг тил бойлиги, унда рўй бераётган ўзгаришлар, луғат таркибида янги сўзларнинг пайдо бўлиши ва маъно нозикликларини ҳосил қилиш, грамматик қурилишнинг такомиллашиб бориши каби ходисаларни ўзаро алоқадорликда таҳлил қилиш яхши самара беради. Шунингдек, дарс жараёнида ибораларни қуйидагича шарҳлаш ҳам яхши натижа беради:

“Соясига кўрпача солмоқ” – иззат-хурмат қилишни меъёридан ўтказиб

юбормоқ. Шу мазмунни қуйидаги иборалар билан ҳам бериш мумкин: “Соясига кўрпача ёзмоқ; соясига кўрпача тўшмоқ”. Ёки “подадан олдин чанг чиқармоқ” –рўёбга чиқиши аниқ бўлмаган нарса ҳақида ҳовлиқмалик билан вақтидан илгари гапириб юрмоқ, варианты: подадан аввал чанг чиқармоқ, маънодоши: тўйдан илгари ноғора қоқмоқ;

“Пайига тушмоқ” – 1. Зимдан юриб бутун хатти-харакатини таъқиб қилмоқ. Маънодоши: “изига тушмоқ”; “кетига тушмоқ”; “орқасига тушмоқ”, ўхшаши: “пайдан тушмоқ”. 2. Манфаатдор бўлгани ҳолда берилиб ҳаракат қилмоқ. Маънодоши: “кетига тушмоқ”.

Ибора устида ишлар эканмиз, у ёки бу иборанинг маъносини изоҳлаш, унинг синонимини ёки антонимини топиш, иборани сўз бирикмаси, тасвирий ифода, кўшма сўз каби бирликлардан фарқлаш ва ўқувчилар ўз нутқида тўғри қўллаш малакасини ҳосил қиламиз. Ўқувчиларни тилимиздаги иборалар оламига олиб киришнинг ўзига яраша қулай ва мураккаб томонлари бор. Қулайлиги шундаки, тилимизда мавжуд ибораларнинг кўп қисмини умумхалқ ишлатадиган иборалар ташкил этади. Бу ибораларнинг маъносини билиш ёки нутқда қўллаш ўқувчи учун деярли қийинчилик туғдирмайди. Масалан, кундалик турмушдаги “мазаси қочди”, “кўкка кўтармоқ”, “юрагини ёрмоқ”, “яхши кўрмоқ”, “ёмон кўрмоқ” каби ибораларнинг маънолари бола учун тушунарлидир, шунинг учун ҳам у бу иборалардан ўз нутқида бемалол фойдалана олади. Ўқувчилар нутқидаги мана шундай иборалар, яъни умумхалқ ишлатадиган ибораларнинг нутқида кам ишлатилган ибораларни ўрганиш учун остона вазифасини бажаради. Бадиий нутқда, кўпинча, ибораларнинг кўп маънолилиги ва синонимик хусусиятлари муҳим ўрин эгаллайди. Тилимиз кўп маъноли ва синонимик ибораларга жуда бой. Масалан, мутлақо гапирмаслик, суҳбатда мутлақо қатнашмаслик маъносини бериш учун “мум тишламоқ” иборасини ишлатиш мумкин. Шунинг билан бирга айнан мана шу маънони бериш учун “оғзига талқон солмоқ”; “оғзига қатиқ ивитмоқ”, ўхшаши: “лом-мим демади”; “дами чиқмади”; “дамини чиқармади”; “оғзини очмади” ибораларини ҳам ишлатиш мумкин.

Лекин ўқувчи тилимизда мавжуд бўлган ибораларнинг барча маъноларини бир йўла ўзлаштириб ололмайди. Шунинг билан бирга нутқида ҳам осонликча қўллаб кета олмади. Иборанинг барча маънолари ўқувчиларга аён бўлсагина улардан фойдаланиш имконияти бўлади. Шунинг учун, она тили ўқитувчиси бола нутқини доимо таҳлил қилиши, уларнинг нутқида ишлатишга қийналган ибораларни аниқлаши ва ўқувчи шахсий луғатига олиб кириш йўллари топиши лозим.

Она тили ўқитувчиси шунини унутмаслиги лозимки, тилимизда мавжуд бўлиб, ўқувчи биринчи марта дуч келаётган ибора ва сўзлар бола учун янгиликдир. Масалан, бадиий адабиётда болалар “оғзининг таноби қочмоқ”, “ноғорасига ўйнамоқ”, “подадан олдин чанг чиқармоқ”, “сиркаси сув кўтармайдиган”, “қилдан қийиқ ахтармоқ”, “юзидан ўта олмаслик” каби жуда кўп ибораларга дуч келадиларки, ўқувчи учун бу ибораларнинг маъноси мутлақо нотаниш. Шунини назарда тутган ҳолда мана шу иборалар устида ҳам тил ҳодисаларини ўрганиш жараёнида ҳам синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида, уйда ота-оналарнинг суҳбатларида қўллаш орқали ҳам ўргатиш мумкин.

Ўқувчини нотаниш бўлган янги иборалар оламига олиб кириш мураккаб жараён бўлиб, бу жараён ўқитувчидан иборалар устида муттасил иш олиб боришни ва уни бола онгига етказишни талаб қилади. Мактаб таълими тизимида она тили дарсларида ўқувчилар ибораларни ўрганар экан, ибораларнинг ички оламига киради, уларнинг хилма-хил маънолари билан танишади ва маъно нозикликларини билиб олади. Шунинг учун бу бирликларни ўрганиш болада анча қизиқиш уйғотади.


Ибораларнинг ифода маънолари, маънодошлик, зид маънолилиқ ва шаклдошлиқ ҳолда келиш хусусиятлари ҳамда сўз билан синоним бўлиб келиши, умумхалқ ишлатадиган иборалар, фақат адабий тил учун хос бўлган иборалар кабиларни болага кенг қўламда ўргатамиз. Ибораларни ўргатишда, асосан, бошланғич синфларда дарсликдаги ҳар хил матнлар, синфдан ташқари ўқилган эртақлар, юқори синфларда эса бадиий асарларда

келтирилган иборалар устида иш олиб бориш яхши натижа беради. Масалан, 5-синфнинг “Адабиёт” дарслигида Ғафур Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикояси берилган. Мана шу ҳикоядаги келтирилган ибораларнинг устида 5-синфда она тили фанида ўтилиши лозим бўлган “Ибора” мавзусини ўтган вақтда иш олиб бориш мумкин. Жумладан, юқоридаги асарда “Тўртта чавати нон топиш учун ўзимни ўтга, чўкқа, Алининг тиғига ураман” ибораси ишлатилган, мана шу ибора орқали болага “ўзини ўтга, сувга урмоқ” иборасининг маъноси ва унинг сўзлашув услубида қўлланиш шакли ҳақида тушунтирилади. Худди шунга ўхшаш 6-синфда Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси ўрганилади. Шу асардан қуйидаги парчани олиб таҳлил қилиш мумкин: “Унга сари мен завқланиб кетаман, авжга авж қўшиб юбораман, осмоннинг четларини титратиб юборгим келади”. Мана шу ўринда адабий тилдаги “авжига минмоқ, авжига чиқмоқ, авжига етмоқ” ибораси ва унинг “юқорилатмоқ, юқори даражага кўтармоқ” маъноларида қўлланаётгани ҳақида маълумот берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, ўқувчиларга она тили машғулотида иборалар луғатини туздириш, ибораларга зид маъноли, муқобил ибора ёки сўз бирикмалари танлаш каби машқлардан фойдаланишни ўргатиш ҳам сўз бойлигини ошириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Эркин, тизимли фикрлашни ўрганишда ибора ва унинг маънолари устида ишлашнинг аҳамияти каттадир. Ибораларни она тили дарсларида қўллаш ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширишга ва дунёқарашини ривожлантиришга жуда катта ёрдам беради.


Бундай ибораларни ўқувчининг луғат бойлигига олиб кириш тилнинг барча сатҳларини ўрганишда, улар устида доимий ишлашни, нафақат “Фразеология”, “Лексикология” бўлимлари, балки она тилининг барча сатҳларини ўрганишда муттасил шуғулланиб бориш лозим.

Ҳар қандай топшириқнинг самарали бўлиши таҳлил учун танланган матнга боғлиқ бўлади. Матнларнинг қуйидаги турларидан фойдаланиш тавсия этилади:




2.4-расм. Топшириқнинг қўлланилиш ўринлари.

Орфоэпияга доир ўқув материалларини ўқитишда, асосан, машқ турларидан унумли фойдаланиш, қолаверса, *имло*, *лексик*, *орфография*, *тиниш белгилари* ва, албатта, *ҳуснихат* билан боғлиқ дарсларда нутқий компетенцияни шакллантириш учун топшириқдан кўра машққа кўпроқ эҳтиёж борлигини унутмаслик керак. 2.5-расмда унинг ифодасини кўриш мумкин:



Умумтаълим мактабларида она тили ўқитишда турли янги, замонавий усуллардан узлуксиз фойдаланилмоқда. Орфоэпия бўлимини, жумладан, нутқ товушлари талаффузи ва имлосини таълим муассасаларида ўқитиш билан боғлиқ кўплаб муаммолар мавжудлиги кузатишлар жараёнида маълум бўлиб қолаётганлиги бизни мазкур изланишларимизга сабаб бўлганлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Лексика ва морфология ўқитишда асосан топшириқлар асосида ишланади:



2.5-расм.

Таълим тизимида топшириқларнинг хилма-хил турларидан фойдаланиб келинади. Жумладан, она тили таълимининг модернизация қилиниши муносабати билан жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Аммо ўқув топшириқларидан фойдаланиш масаласига кўп ҳолларда эскича ёндашилмоқда. Кейинги йилларда она тили таълими мазмунини такомиллаштириш бўйича ижобий натижаларга эришилди, яъни ортиқча грамматизмдан воз кечиб, нутқий малакаларни ривожлантиришга, матн устида ишлашга ўтилди.

2.2-§. Нутқий кўникмаларни синфлар кесимида матн устида ишлаш орқали тизимли ривожлантириш методикаси 5-синфлар учун

1-МЕТОДИК ТАВСИЯ

1-топшириқ. Берилган матндан ўқиб тушунганингизни гапириб беринг. Бундай вазиятда сиз қандай йўл тутишингиз ҳақида қисқа ва тушунарли қилиб ёзма баён қилинг. Берилган саволларга икки хил жавоб ёзинг.

Бир одам ҳовуз олдида дам олаётганида, чаён сувга тушиб кетганини ва сувдан чиқишга ҳаракат қилаётганини кўриб қолибди. Аммо у қанча ҳаракат қилмасин, сувдан чиқа олмабди ва чўка бошлабди. Одам чаённи қутқармоқчи бўлибди, кўлини чўзиб, уни сувдан олибди, аммо сувдан олай деганида чаён уни чақиб олибди. Оғриққа чидай олмасдан, одам кўлларини очиб юборибди-да ва чаён яна сувга тушиб чўка бошлабди. Одам иккинчи бор чаённи қутқаришга ҳаракат қилибди. Иккинчи бора ҳам чаён уни қутқараётган кўлни чақиб олибди. Буни томоша қилаётган йўловчи, инсоннинг олдига келиб: – Кечирасиз, сиз ниҳоятда қайсар экансиз! Ҳар сафар сиз уни сувдан олиб чиқмоқчи бўлганингизда, у сизни чақишини тушунмаяпсизми? Бунга эса инсон сокинлик билан жавоб берибди: – Чаённинг табиатида – чақмоқ, хоҳ у хужум қилсин, хоҳ у ҳимоялансин. Аммо бу инсоннинг табиатини, яъни – инсонни севиш ва ёрдам бериш табиатини ўзгартирмайди. Шу сўзларни айтиб у ерга тушган баргни олибди ва барг ёрдамида сувдан чаённи олиб, кўйиб юборибди.

Инсон бўлиш нима дегани? Қандай сифатлар яхши ва ёмон инсонларни фарқлайди?

Саволларга жавоб беринг!

1. Матн нима ҳақида?
2. Қайси ҳарфларнинг талаффузи сиз учун нисбатан қийинроқ?
3. Матнда энг муҳим жумла қайси?
4. Матн мазмунига хос қандай мақол биласиз?

Ҳар бир инсон ёшлигиданоқ эзгулик ва ёвузлик нима эканлигини билади. **Аксарият** фильмларда, бадиий адабиётда, **анимацияларда** доимо яхши, эзгуликка тўла ижобий қаҳрамонлар бор. Уларга эса салбий, ёвуз **персонажлар** қарши туради ва улар ўртасида доимо эзгулик ва ёвузлик кураши кетади. Ва албатта, эзгулик ёвузликдан устун келганида ҳамма хурсанд бўлади.

Бу эса инсонда аввалдан эзгуликка интилиш борлигининг тасдиғидир. Чунки эзгулик инсоннинг ўсишига, ривожланишига, юксалишига олиб келади. Эзгулик инсоннинг қалби ва юрагида **хурсандчилик** ва энг олий ҳиссиётлар бўлган дўстлик, миннатдорчилик, садоқат, ҳурматни уйғотади ва ривожлантиради. Ўз навбатида бу ҳиссиётларни эзгу инсон атрофдаги дунёсига, атрофидаги инсонларга беради.

1-машқ. Матнни ажратилган сўзларнинг талаффузига эътибор қилиб ўқинг.

2-машқ. Айтилганидек ёзилмайдиган унли товушлари мавжуд сўзларни аниқлаб, дафтарингизга ёзинг.

3-машқ. Ёзилганидек айтилмайдиган унли ҳарфлари мавжуд сўзларни аниқлаб, дафтарингизга кўчиринг.

4-машқ. Талаффузи ва имлоси бир хил сўзларни аниқлаб, дафтарингизга кўчиринг.


Ўтилган мавзунини мустақамлаш учун савол ва топшириқлар.

Мустақил бажариш учун топшириқлар.

2.1-топшириқ. “Байрамингиз қутлуғ бўлсин!” мавзусидаги табрик нутқи мусобақасига ёзма матн тайёрлаш.

2.2-топшириқ. Табрик нутқини видеоёзув кўринишида намоёиш қилиш.

2.3-топшириқ. Маъноси тушунарсиз сўзларни қуйидаги бўш ўринларга ёзиб чиқинг.



2.4-топшириқ. Барча ахлоқий хислатларни икки тоифага бўлинг: сиз яхши ҳисоблаган ва эзгуликка олиб келувчи хислатлар ҳамда сиз ёмон деб ҳисоблаган ва ёвузлик келтирувчи хислатлар.

Яхши хислатлар	Билмайман	Ёмон иллатлар

Яхши инсон – эзгулик, адолат, бурч, ҳақиқатгўйлик каби идеалларга асосланган шахсдир . **Ёмон инсон** – бу тўғри ва нотўғри фикрлар, ҳаракат, хулқ-атвор, ўртасидаги фарқни кўра билиш, ўз хатти-ҳаракатларини эзгулик

ва ёвузлик нуқтаи назаридан баҳолаш. *Яхши бўлиш учун зарур бўладиган сифатлар* – ўзини назорат қила билиш, ўзини, ўз хулқ-атвори ва ҳиссиётларини ҳар қандай вазиятларда бошқа одамларнинг ҳуқуқларини бузмаган ҳолда назорат қилиш қобилияти, маҳорати.

Мазкур методик тавсияда ўқувчилар бир пайтнинг ўзида ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапириш кўникмаларини ривожлантириш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, танланган матн ҳам ўқувчиларнинг дунёқарашини тафаккурини ўстиради. Тарбиявий аҳамиятга эга бўлгани учун ўқувчи хотирасида сақланиб қолади, сўз бойлигининг ошишига олиб келади.

2-МЕТОДИК ТАВСИЯ

5-синф (Орфоэпия)

1-машқ. Матнни ажратилган сўзларнинг урғусига эътибор қилиб ўқинг.

Ичимлик сувининг етишмаслиги Тинч океанидаги ахлат доғи майдон бўйича Франция ҳудудидан уч баробардан ошди. Нефтни сув бўйлаб ташишда одамларнинг масъулиятсизлиги ёки бепарволиги туфайли нефт сувга тушади ва сув юзасига катта доғ бўлиб қуйилади, сувни заҳарлайди ва денгиз, океанларнинг ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёсини ўлдиради.



Ер юзида икки миллиард одамга тоза ичимлик суви етишмайди. 2030 йилга келиб 700 миллион киши тоза сув етишмаслиги туфайли қочоқлар бўлиши мумкин. Унинг етишмаслиги, асосан, ушбу табиий ресурслардан оқилона

фойдаланмаслик сабабли юзага келади.



Ҳавонинг ифлосланиши. Ҳавонинг ифлосланиши заводлар, фабрикалар, иссиқлик электр станциялари ва ёнилғи сарфлайдиган транспорт воситаларининг ишлаши вақтида атмосферага турли хил газлар чиқарилганда содир бўлади.

Глобал исиш Ўтган 100 йил давомида кузатишлар ердаги ўртача харорат аста-секин ўсиб бораётганини кўрсатади. Бунинг сабаби турли газларнинг доимий чиқарилиши туфайли атмосферанинг ифлосланиши.



Натижада ер юзасида иқлим ўзгаради, музликлар эрийди, турли хил ўсимликлар ва ҳайвонлар йўқолади.

Музликларнинг эриши. Музликларнинг эриши Арктикада оқ айиқлар сонининг камайиши, сув тошқинлари, яйловларни сув босиши, океан оқимлари ва умумий иқлим ўзгаришига олиб келади.

Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг йўқолиши.

Сайёрада ҳар бир дақиқада ўсимлик ва ҳайвонларнинг битта тури йўқолади Бунга сабаб – иқлим ўзгариши, ўрмон ёнғинлари, денгиз ва океанларнинг ифлосланиши, мўйна, тери, ёдгорлик маҳсулоти учун ов қилиш ва йўқ қилишдир. Барча ҳолатларда сабаб инсон фаолияти ҳисобланади.



2-машқ. Берилган ўзлашма сўзларнинг урғусини тўғри қўйиб ўқишни машқ қилинг.

3-машқ. Қайси сўзларда урғу белгиси нотўғри қўйилганлигини аниқланг.

4-машқ. Назарий матн мазмунини оғзаки баён қилинг.

5-машқ. Тест.

6-машқ. Урғу таъсирида содир бўладиган талаффузда товуш ўзгаришини аниқланг.

Ўтилган мавзунини мустақамлаш учун савол ва топшириқлар.

Мустақил бажариш учун топшириқлар.

1-топшириқ. “Она табиат” мавзусида ёзма нутқ матнини тайёрлаш.

2-топшириқ. “Табиатни асрашга мен қандай ҳисса қўшаман” мавзусида ўз фикрларини оғзаки баён қилиш.

Иккинчи методик тавсия ҳам ҳар бир ўқувчида нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришга шароит яратиб беради. Айниқса, танланган матннинг глобал экологик муаммоларга дахлдорлиги, шунингдек, ундаги маълумотларнинг ўқувчи тафаккурига таъсир этиши, табиатни асрашга, табиий бойликларни асрашга бўлган масъулият ҳам ошиб боради.

3-МЕТОДИК ТАВСИЯ

5-синф (орфоэпия)

1-топшириқ. Матни ўқиб тушунганингизни сўзлаб беринг.

Ҳар бирингизнинг уйингиз ҳовлисида ёки ертўласида, албатта, бир ёки бир нечта мушук яшайди. Шаҳар кўчалари бўйлаб сайр қилганингизда баъзан югуриб юрган итларни кўрасиз. Булар – уйсиз итлардир. Улар шаҳар кўчаларида қандай пайдо бўлишган? Уйсиз ҳайвонлар – бу инсонларнинг фаолияти, уларнинг ҳис-туйғулари, масъулиятсизлиги, бераҳмлигининг натижаси ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги инсонлар билан бирга ёнма-ён яшаган, уйдан айрилган, чунки уларни парвариш қилган, боққан ва улар ҳақида ғамхўрлик қилган эгалари қайсидир сабаб билан уй ҳайвонларидан кутилишга қарор қилишган. Эгаларига содиқлигига, насл-насабига, уларнинг чиройига қарамасдан, ҳеч нима уларни уйсиз бўлиш қисматидан қутқариб қолмаслиги мумкин. Шу ҳолда улар кўчаларда қолиб кетади, айримлари ҳалок бўлади, қолганлари тирик қолиш ва мослашишга уринишади. Улар одамларнинг уйлари яқинида яшай бошлашади, вақт ўтиши билан болалашади, натижада уйсиз ҳайвонлар сони йилдан йилга кўпайиб бораверади.

Шуни ёдда сақлаш керакки, мушуклар, итлар ва бошқа ҳайвонлар – бу тирик жон. Уларда ҳам бошқаларда бўлгани каби юрак уради, қон-томирларида қон оқади, улар ҳам сиз каби очлик ва совқотиш ҳиссига эга, оғриқни ҳис қилишади, азобланишади, қувонишади. Улар сиздан

кўрқишлари ва дуч келишганда қочишлари ёки сизга ишонишлари, олдингизга келишлари, сиз уларни силашингиз ва овқат беришингиз умидида кўзингизга қарашлари мумкин. Ит ёки мушук сизнинг энг яхши ва садоқатли дўстингиз бўлиши, сизга энг яхши ижобий ҳис-туйғуларни ато этиши, сизни меҳрибонроқ ва яхшироқ қилиши мумкин.

1-машқ. Матн билан танишиб, улардаги асосий сўзларни аниқланг.

2-машқ. Берилган сўзларни икки гуруҳга ажратинг:

1) талаффузи ва имлоси мос сўзлар;

2) талаффузи ва имлоси мос бўлмаган сўзлар.

3-машқ. Берилган сўзлардаги хатоликларни аниқланг.

4-машқ. Кроссворд яратинг.

5-машқ. Сўзларни урғуси қайси бўғинга тушишига қараб, икки гуруҳга ажратинг ва луғатдан фойдаланиб сўзларнинг ўз ёки ўзлашма қатламга мансублигини аниқланг.

Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

Мустақил бажариш учун топшириқлар.

1-топшириқ. “Яхши гап билан илон инидан чиқади” мавзусида радионутқ матнини тайёрлаш.

2-топшириқ. Радионутқни видеоёзув кўринишида баён қилиш.

Учинчи методик тавсияда таналанган матн орқали ўқувчини равон гапириш, ифодали ўқиш, саводли ёзиш ва тинглаб тушуниш кўникмаларини тизимли ривожлантириш билан бирга уларни жониворларга яхши муносабатда бўлишига ўргатиш имконияти мавжуд.

4-МЕТОДИК ТАВСИЯ

5-синф (орфоэпия)

Одамларнинг инсонийлик даражаси, раҳм-шафқатлилиги, ҳамдардлиги нафақат кексаларга, ногиронлар ва болаларга бўлган муносабатда, балки ҳайвонларга, яъни ғамхўрликка ва эътиборга муҳтож бўлган барча ожизларга муносабатида ҳам кўринади. Лекин баъзида инсонлар ҳайвонларга жуда бешафқат муносабатда бўлишади, уларга озор беришади ва қийнашади.

Ҳайвонларга шафқатсизлик билан муносабатда бўлишнинг сабабларидан бири инсонларнинг ожизлигида. Кучли ва жасур одам ҳеч қачон кучсизларни хафа қилмайди.

Яна бир муҳим жиҳат мавжуд. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз равишда одамларнинг ўзлари нотўғри ва ўйламасдан қилинган ҳаракатлари билан ҳайвонларнинг ғазабини қўзғатишади. Ҳайвонни ҳам шахс сифатида қабул қилиш керак. Уни дарров силаш, сийпалаш, ўйнаш, айниқса, бақириш ва кўллари силкитишга уринмаслик керак. Дайди ҳайвонлар кўп ҳолларда ҳолдан тойган, очқаган, эҳтимол касалланган бўлишади. Улар одамларнинг шафқатсизлигини бошдан кечиришган бўлишлари мумкин, шунинг учун улар сизга ишонишмайди ёки сиздан қўрқишади ва ўзларини ҳимоя қилишга тайёр бўлишади. Бунда улар билан қандай муносабатда бўлишни ва тўғри ҳаракат қилишни ўрганишингиз керак.

1-машқ. Матнни тингланг ва ўқитувчи ажратиб кўрсатган сўзларни дафтарингизга ёзинг.

2-машқ. Изоҳли луғат ёки ўқитувчи кўмагидан фойдаланиб нотаниш сўзлар маъносини билиб олинг.

3-машқ. Қўшимча қўшилганда қайси сўзларда товуш ўзгариши содир бўлишини аниқланг.

4-машқ. Матн мазмунини оғзаки баён қилинг.

5-машқ. Тест тузинг.

6-машқ. Сўзларни уч гуруҳга ажратинг:

- 1) қўшимча қўшилганда товуш ўзгариши юз берадиган сўзлар;
- 2) қўшимча қўшилмаса ҳам товуш ўзгариши содир бўладиган сўзлар;
- 3) ҳеч қандай ҳолатда товуш ўзгаришига учрамайдиган сўзлар.

5-методик тавсия 4-тавсиянинг бевосита давоми бўлиб, унда ҳам натқий кўникмалар тизимли равишда ривожлантирилади.

6-синфлар учун

5-МЕТОДИК ТАВСИЯ


6-синф (от)

Ҳаётда ҳар бир инсонга ўқиш ва меҳнат қилиш учун бир хил имкониятлар берилади. Аммо яқунда ютуқлар турли бўлади. Бу эса иштиёқ, руҳланиш, туртки ва руҳлантиришга боғлиқ. Мотивация/ руҳланиш/ туртки / руҳлантириш таъсиридаги одамни қандай билса бўлади? Авваламбор, бундай инсон мақсад сари интиланган бўлади. Нима истабини билади ва тўсиқларни енгиб ўтиб олдинга ҳаракат қилади. Ўз мақсадларига эришишида унга ички мотивация/ руҳланиш /туртки/ руҳлантириш мадад бўлади.

Мотивация/ руҳланиш /туртки/ руҳлантириш —у-бу ёки бошқа нарса билан шуғулланиш истаги. Шахсий истак, ташқаридан буюрилмаган, инсоннинг ичидан пайдо бўладиган истак. Уни англаш ҳаракатга асос бўлади. Мотивация/ руҳланиш /туртки/ руҳлантириш эҳтиёж, мотив/асос ва мақсаддан иборат бўлади. Тўғри мақсадларга эришиш учун қийинчиликлардан кўрқмаслик ва мақсадга ўз саъй-ҳаракатлар туфайли эришиш керак. Барқарорликка эга бўлиш лозим – маълум режа асосида ҳаракат қилиш ва бунда маълум ҳаракатларни амалга ошириш.

Биринчи ривоят

“Кунларнинг бирида, ҳайвонот боғида филлар ёнидан ўтиб кетаётганда, мен фил олд оёғига боғланган ингичка арқон билан бу ерда ушланиб турганидан ҳайратда қолиб тўхтаб қолдим. На занжир, на қафаслар бор. Филлар боғланган ингичка



арқонидан осонгина қутулиши аниқ эди, лекин қанадайдир сабабга кўра улар озод бўлишга ҳаракат ҳам қилмаётган эдилар. Мен ҳайвон ўргатувчининг

ёнига келиб, нега бундай улкан ва гўзал жонзотлар сокин туриб, озод бўлишга ҳаракат қилмаётганликларига қизиқдим. У шундай жавоб берди: “Улар ҳозиргидан кўра ёш ва кичкина бўлганларида, биз худди шу ингичка арқон билан уларни боғлаб қўяр эдик, энди эса, улар ўсиб улғайганларида, айнан шу ингичка арқон уларни ушлаб туришга қодир. Филлар улғайгач, шу ингичка арқон уларни ушлаб қолишига ишонадилар ва қочишга ҳам ҳаракат қилмайдилар”. Бу ажойиб эди. Бу жонзотлар бундай “занжирлардан” осонгина халос бўла олардилар, аммо филлар бундай қилишга қодир эмасликларига ишонганлари сабаб, бу ерда улар абадий қолардилар, хаттоки озод бўлиш учун ҳеч қандай ҳаракат ҳам қилмас эдилар. Бу филлар каби биз ҳам бир марта бир нарсани уддалай олмаганимиздан кейин, муваффақиятга ишонмасдан қодир эмаслигимизга ишониб қолиб мақсадимиздан воз кечамизми?”

1-машқ. Парчаларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни икки гуруҳга ажратинг:

- 1) маъноси таниш отлар;
- 2) маъноси нотаниш отлар.

2-машқ. Берилган матндаги сўзларни “юмшоқ”-“қаттиқ”лигига кўра жуфтланг.

3-машқ. Нуқталар ўрнига сўз қўйиб мақолларни қўчиринг.

Бу мақоллар маъносини қандай тушунасиз?

Йўл босган мўл босар, ўтирганни ...босар.

Ким қатъиятли бўлса, ўша ...дир.

Инсон ниятлари – унинг йўлдошларидир.

Нимани чала қилсанг, ўшанга ... бўласан.

Бош омон бўлса, ... топилади.

Ўйчи ўйлангунча, таваккалчи ишини битиради.

Инсонда “Мен ҳозир эга бўлганимдан кўра кўпроққа эриша оламан” деган ишонч бўлиши лозим. Инсоният тарихида бундай мисоллар ниҳоятда

кўп. Агарда инсонда иштиёқ бўлса, мақсади сари интилса, қатъиятли, барқарор, тиришқоқ бўлса, у албатта, қўйган мақсадига эришади.

		
<p>Заҳириддин Муҳаммад Бобур 12 ёшида давлатни бошқаришни бошлаган.</p>	<p>Александр Грибоедов – ёзувчи ва бастакор, 11 ёшида университетга ўқишга кирган ва 6 йил ичида учта факультетни битирган.</p>	<p>Ёзувчи Чингиз Айтматов таржимон бўлиб, 5 ёшидан пул топишни бошлаган.</p>

4-машқ. Расм ва ундаги маълумотлардан фойдаланиб кичик матн тузинг.

5-машқ. Ўз мақсадингизни битта жумла билан ифодаланг.

6-машқ. Берилган сўзларни “юмшоқ”-“қаттиқлигига кўра тартибланг.

Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

Мустақил бажариш учун топшириқлар.

1-топшириқ. Матнда қўлланган “юмшоқ” сўзларни аниқлаб, ўрнига янада “юмшоқ”роқ муқобилларини қўйинг.

2-топшириқ. “Кишининг қалби шишадек нозик” мавзусида “юмшоқ” ва “қаттиқ” ифодаларга бағишланган матн яратинг.

6-МЕТОДИК ТАВСИЯ

6-синф (от)

1-топширик. “Соғлом турмуш тарзи” матнини ифодали ўқинг.

“Соғлом танда – соғ ақл” мақолининг маъноси шундаки, жисмонан соғлом одам юқори даражада ғайратли ва куч-қувватга эга бўлади. Куч манбаларидан бири – бу жисмоний машқлардир. У шундай аталади, сабаби у бизга кун бўйи куч-қувват ва яхши кайфият бағишлайди, организмнинг уйғониши, шунингдек, ўқиш ҳамда кундалик машғулотлар билан фаол шуғулланишимизга ёрдам беради.



980 йил 16 августда афсонавий олим Абу Али Ҳусайн ибн Сино дунёга келган, унинг номини Европада “Авиценна” деб атайдилар. Алломанинг доно маслаҳатларига бугунги кунда ҳам амал қилинади. Ибн Сино учун ҳаётидаги асосий мақсад – бу тиббиёт бўлган. 16 ёшидаёқ уни Бухоро амирини даволаш учун таклиф қилганлар. Шундан кейин Ибн Сино кўплаб Шарқ ҳукмдорларининг сарой табиби бўлган. Замондошлари уни “Шайх ар-

Раис”(табиблар шоҳи) деб аташгани бежиз эмас.

Мана унинг айрим фикрлари:

“Соғлом одамлар уйқуга жиддий эътибор беришлари керак. Уларнинг уйқуси ўз вақтида меъёрда бўлиши ва ортиқча бўлмаслиги керак; уйқусизликнинг мия ва унинг бутун кучига зараридан эҳтиёт бўлиш керак”.

“Энг ёмони, турли хил овқатларни аралаш истеъмол қилиш ва узоқ вақт овқатланишдир”.

Вазифа. Қуйидаги тушунчаларга нималар кириши ҳақида ўйлаб кўринг ва уларни ифодаловчи отларни жадвалга ёзинг:

Соғлом озиқ-овқат	Соғлом уйқу	Кун тартиби	Гигиена	Жисмоний тарбия

2-топшириқ. Мазкур жадвалдан фойдаланиб, сиз озиқ-овқатингизда қандай маҳсулотларни истеъмол қилишингизни ёзинг. Бу қандай витаминлар қабул қилаётганингиз, қайсиларини қабул қилмаётганингизни билиш имкониятини беради. Партадошингиз билан муҳокама қилинг.

1.1-машқ. Матнни тингланг. Қуйида берилган сўзларнинг талаффузига эътибор қаратинг ва эслаб қолинг.

1.2-машқ. Талаффузидаги товуш ўзгариши имлода инобатга олинмайдиган сўзларни аниқланг.

1.3-машқ. Ёзилганидек айтилмайдиган отларни аниқланг.

1.4-машқ. Матн мазмунини сўзлаб беринг.

1.5-машқ. Берилган сўзлардан талаффузи ва имлоси мосларини аниқланг.

Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

Мустақил бажариш учун топшириқлар.

1.1-топшириқ. “Туғилган кунингиз билан!” мавзусидаги табрик нутқи мусобақасига ёзма матн тайёрлаш.

1.2-топшириқ. Табрик нутқини видеоёзув кўринишида баён қилиш.

Олтинчи методик тавсия бевосита инсон учун ниҳоятда зарур бўлган соғлом турмуш тарзи ҳақидаги матн устида ишлаш орқали кўзда тутилган ўқиш, ёзиш, гапириш ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиради.

Топшириқлар орасида ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш, мустақил матнлар тузишга ўргатувчи муҳим ёндашувлар ҳам мавжуд. Масалан, табрик ёзиш...

7-МЕТОДИК ТАВСИЯ

6-синф (Сон сўз туркуми)

1-топшириқ. Матнни ўқиб тушунганингизни ёзма баён қилинг.

Мен – Ер сайёрасининг вакилиман.

Биз қизиқарли ва фойдали ихтиролар сабабли одамлар ҳаётини осонлаштирадиган янги технологиялар ва *технологик* тараққиёт дунёсида яшаймиз. Инсон ўз ҳаётини электр, телевизор, мобил (уяли) алоқа ёки интернетсиз тасаввур қила олмайди. Атрофга назар ташланг ва уйда,

мактабда сизни ўраб турган турли хил гаджетларни кўрасиз. Лекин ушбу ютуқларнинг орқа томони мавжуд – бундай тараққиётнинг натижалари бутун дунёда экологик муҳитга бевосита таъсир кўрсатади.

Инсон учун барча зарур ва муҳим нарсаларни ишлаб чиқарадиган заводлар ва фабрикалар доимо *атмосферага* зарарли моддаларни чиқаради, дарёлар ва сув ҳавзаларини ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлослантиради. Буларнинг барчаси сайёрамизга жуда зарарли таъсир кўрсатади, жаҳон миқёсидаги экологик муаммолар пайдо бўлади, тоза атроф-муҳитни сақлаб қолиш билан боғлиқ мураккабликларни юзага келтиради.

Инсон фаолияти, бизнинг фаолиятимиз ўрмонлар, денгизлар, океанлар, ҳайвонлар – бутун сайёрамизнинг аста-секин нобуд бўлишига олиб келади. Асосий сабаб – табиий бойликларнинг ифлосланиши ва асосиз ишлатилишидир. Ер сайёрасининг келажакдаги тақдири сиз билан бизга, *экологик* маданиятимизнинг даражасига боғлиқ бўлади.

Экология – атроф-муҳитдаги турли организмларнинг ҳаётини ўрганадиган атроф-муҳит фани бўлиб, атрофимиздаги барча тирик мавжудотлар ва жонсиз нарсалар ўзаро таъсир қилади. “Эйкос” - уй-жой, уй; “логос” - фан, билим маъносини билдиради.

Дунёда ҳар сонияда футбол майдонига тенг бўлган ўрмон майдони кесилади.



Яшил ўрмонлар сайёрамиз нафас олаётган ўпка ҳисобланади. Олимларнинг фикрига кўра, қуёшли кунда бир гектар ўрмон 120-280 кг карбонат ангидридни ҳаводан ютади ва 180-200 кг кислородни чиқаради.

1-машқ. Матнни ажратилган сўзларнинг талаффузига эътибор қилиб ўқинг.

2-машқ. Айтилганидек ёзилмайдиган ундош товушлари мавжуд сон ва отларни аниқлаб, дафтарингизга ёзинг.

3-машқ. Ёзилганидек айтилмайдиган ундош ҳарфлари мавжуд сонларни аниқлаб, дафтарингизга кўчиринг.

4-машқ. Матн мазмунини сўзлаб беринг.

5-машқ. Талаффузи ва имлоси бир хил сўзларни аниқлаб, дафтарингизга кўчиринг.

Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

Мустақил бажариш учун топшириқлар.

1-топшириқ. “Байрам тилаклари” мавзусидаги табрик нутқи мусобақасига ёзма матн тайёрлаш.

2-топшириқ. Табрик нутқини видеоёзув кўринишида баён қилиш.

Еттинчи методик тавсия яна экология мавзусига доир матн устида ишлашга йўналтирилган. Бунинг сабаби шундаки, ҳар бир ўқувчи келажакда табиатнинг бир қисми сифатида уни ўз тана аъзоларидан биридек асрашга ўрганиши ва машғулотлар давомида ўзининг экология ҳақидаги фикрларини баён қилиб бериш фаолиятига тайёрлашга ўргатиш.

8-МЕТОДИК ТАВСИЯ

6-синф (фёъл)

1-машқ. Расмлардаги ҳаракатларни сўзлар билан ифодаланг.



Турли даврларда, турли мамлакатларда турли инсонлар инсон учун муҳим бўлган қоидалар ҳақида гапирган, мушоҳада юритган, уларни

барчасини бир қоидага бирлаштириш мумкин ва уни “ахлоқнинг олтин қоидаси” деб номлаш мумкин.

2-машқ. Шу сўзлардан фойдаланиб, гаплар тузинг ва “Ҳаракатланиш одоби” номли қисқа матн тузинг.

3-машқ. Матн мазмунини оғзаки баён қилинг.

4-машқ. Ҳар бир қаторда сўзлар ўзига хос белгилари асосида жамланган. Ушбу белгиларни топиб, қаторни давом эттиринг.

Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

Мустақил бажариш учун топшириқлар.

1-топшириқ. Матндан нотаниш сўзларни аниқлаб, изоҳини топинг.

2-топшириқ. Ўринли ва ноўрин сўзлар жуфтлигидан иборат луғат тузинг.

Саккизинчи методик тавсия бошқаларига ўхшамаган ҳолатда кўрганларини ёзма ёки оғзаки баён қилиб беришга мўлжалланган. Бунда ўқувчи расмларда кўрган ҳолатлар, ҳаракатларни ўзича ифодалаб беради. бу ҳам ўқувчиларда нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришга ёрдам беради.

7-синфлар учун

9-МЕТОДИК ТАВСИЯ

7-синф (кишилик олмошлари)

1-машқ. Ҳикматларни ўқинг. Олмошларни аниқланг.

Машҳур инсонларнинг қуйидаги ҳикматли фикрларини ўқинг ва тушунчангизни айтинг.

1. “Инсон ҳайвонни яхши кўрмагунга қадар, кўнглининг бир қисми уйғонмасдан қолади” (Анатол Франс).

2. “Мен ҳайвонлар ҳуқуқларини, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиламан” (Авраам Линколн).

3. “Миллатнинг буюклиги ва маънавий ривожланганлиги, унинг ҳайвонларга бўлган муносабати билан белгиланиши мумкин” (Махатма Ганди).

4.“Ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик – инсонлари ҳақиқатан ўқимишли, ҳақиқат, билимдонлик ҳукмронлик қилган жойда бўлиши мумкин эмас” (Александр Гумболдт).

5.“Ҳайвонларга раҳм-шафқатлилиқ характери меҳрибонлиқ билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун, ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз бўлганлар меҳрибон бўла олмаслигини ишонч билан тасдиқлаш мумкин” (Артур Шопэнгауэр).

6.“Итларнинг фақат битта камчилиги бор, у ҳам бўлса, одамларга ишонишидир” (Элиан Д. Финберт).

7.“Табиат инсонга тилсиз жониворларга ҳам кўрсатиладиган олий ва гўзал раҳм-шафқат ҳиссиётини инъом этган” (Фкутсис Бекон).

8. “Ким оч қолган ҳайвонни овқатлантирса, у ўзининг дилини озиклантиради” (Чарли Чаплин).

9.“Аллоҳим, менинг итим мени қандай инсон деб ҳисобласа, шундай бўлишга ёрдам бергин” (Януш Вишневский).

Ўзбекистонда ҳайвонларни ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал этишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш учун жавобгарлик (жаримадан қамоққа олишгача) назарда тутилган. Бу ишлар туман ва шаҳар ички ишлар бошқармалари (ИИБ)нинг ходимлари томонидан назорат қилинади.

Бундан ташқари, кичик биродарларимизга бефарқ бўлмаган кўнгилли фуқаролардан ташкил топган “Меҳр ва Оқибат” ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамияти ҳам мавжуд. Жамиятнинг асосий вазифалари: аҳолининг ҳайвонларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ҳақидаги билимларни ошириш, уларнинг кўпайишини назорат қилиш, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишга доир таклифлар бериш, уйсиз ҳайвонларни бошпаналар билан таъминлаш ҳисобланади.

2-машқ. Ҳикматларнинг мос изоҳларини топинг.

3-машқ. Матнлардаги ҳикматларга мос мақоллар топинг.

4-машқ. Матндаги тегишли гапларни берилган мақолларнинг моси билан алмаштиринг.

5-машқ. Матнга мавзу қўйинг

6-машқ. Берилган ҳикматли сўзлардан қайсиларида кишилик олмошларини ўзлик олмошига алмаштириб бўлса, ўзгартириб кўринг.

Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

Мустақил бажариш учун топшириқлар.

1-топшириқ. Берилган синоним мақоллардан танлаб, матн тузинг.

2-топшириқ. “Мақол билан сўзлаймиз” баҳсига тайёрланинг, берилган мақоллардан ҳам фойдаланинг.

Тўққизинчи методик тавсиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, ўқувчилар ҳикматли сўзлар, донолар ўғитлари устида ишлайдилар. Айниқса, жаҳонда жониворларга муносабат қандай эканлигини машҳур инсонларнинг сўзларидан англаб олиш имконияти яратилган. Шунингдек, ўқувчи ўрганган ҳикматлари асосида нутқ тайёрлашни ўрганади.

10-МЕТОДИК ТАВСИЯ

7-синф (кишилик ва кўрсатиш олмошлари)

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1.Кўчада дайди мушуклар яшайди. Менга уни уйга олиб киришга рухсат беришмайди. Мен ...

- тўхтамай ўтаман, бу менинг мушугим эмас.
- унга уйча ясайман.
- унга овқат ва (ҳамда, ёки) сув бераман.
- ҳайвонлар сақланадиган ташкилотга қўнғироқ қиламан.
- унинг янги эгасини қидираман.

2.Нотаниш болалар келишди ва (ёки, ҳамда) мушукни қийнашяпти. Мен ...

- тўхтамай ўтаман, бу менинг мушугим эмас.
- мушукни ҳимоя қиламан ва (шунингдек, ҳамда) уни тортиб оламан.
- катталарни ёки дўстларни ёрдамга чақираман.

3.Мушук совқотган, касал бўлган ёки яраланган. Мен ...

- тўхтамай ўтаман, бу менинг мушугим эмас.
- уни уйга олиб кетаман ва даволашни бошлайман.
- ветеринар клиникасига қўнғироқ қиламан.
- катталардан уни ветеринар шифокорига олиб бориш ... ёрдам

сўрайман.

4.Кўчада дайди ит ётибди (юрибди). Балки (аммо, лекин) у касал ёки ярадор.

Мен...

- тўхтамасдан ўтиб кетаман.
- унинг олдига бораман, силашга ҳаракат қиламан ... у билан ўйнайман.
- ветеринар клиникага қўнғироқ қиламан.
- ҳайвонлар сақланадиган ташкилотга қўнғироқ қиламан.
- катталардан уни ветеринар шифокорига олиб бориш ... учун

ёрдам сўрайман.

1-машқ. Матнни тингланг. Ундаги боғловчиларни кавс ичидаги бошқаси билан алмаштиринг.

2-машқ. Нуқталар ўрнига заруратга қараб, кавсдаги мос ёрдамчиларни қўйинг.

3-машқ. Берилган қўшимчалар қаторларидаги ортиқча қўшимчаларни аниқланг.

4-машқ. Матн мазмунини оғзаки баён қилинг.

5-машқ. Тест.

6-машқ. Гаплардаги ортиқча қўшимчаларни аниқлаб, сабабини тушунтиринг.

Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар.

Мустақил бажариш учун топшириқлар.

1-топшириқ. Берилган гаплардаги ортиқча қўшимчаларни топиб, гапларни тузатинг.

2-топшириқ. Матндан олган таассуротларингизни ёзма баён қилинг.

Юқорида келтирилган матн ва уларга ишлаб чиқилган ўқув топшириқлар нутқий кўникмаларнинг тизимли ривожланишига хизмат қилади. Ҳар бир матн ўқувчида тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини тизимли ривожлантиришга мўлжалланган.

Матнлар танлашда табиат экология, жониворлар мавзуларига бежизга мурожаат қилинмади, чунки 5-7 синф ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳам инобатга олиш лозим эди. Қолаверса, соғлом турмуш тарзи матни устида ишлаш машғулоти шу ёшдаги ўқувчилар учун ниҳоятда зарур.

2.3-§. Нутқий кўникмаларни интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда тизимли ривожлантириш йўллари

Орфоэпия, лексикология ва морфология ўқитишда ўқув материалларини ўқувчиларга қайси метод орқали тушунтириш самарали натижа беради? Қуйида тўғри талабга доир ўқув материалларини ўқитишда қўл келадиган самарадор усуллар устида ишлаб, айтилган фикрларни айрим мисоллар билан асослашга ҳаракат қилинди. Ҳар қандай маълумотни қай даражада ўзлаштириш тингловчининг хоҳиш-иродасига боғлиқдир. Психологик нуқтаи назардан дарсда, айниқса, янги дарс баёнида ўқувчини қизиқтириш лозим. Акс ҳолда, ҳаракат бесамар кетиши мумкин. Шу маънода нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришда ҳам турли ноанъанавий дарс усулларида фойдаланиш мумкин.

Қуйида айрим мавзуларни ноанъанавий шаклда ўргатиш таълими хусусида тўхталамиз:

1. “Қиёслаш” методи. Бир предмет ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун уни иккинчиси билан қиёслаш ўқувчида ёрқин тасаввур ҳосил қилади. Шу маънода ўқувчига она тилини бошқа бир тилга қиёслаб ўргатиш энг самарали усулдир. *Ўқитувчи она тили дарсларида, хусусан, орфоэпия, орфография, лексика ва морфология мавзусини тушунтираётганда маълумотларни ўқувчига имкон қадар у ўрганаётган бирор чет тилидаги зарурий билимлар билан таққосласа, дарс янада самарали бўлади.*

Ўқитувчининг таққосланаётган тилни қай даражада билиши натижага салбий ёки ижобий таъсир кўрсатади.

“Қўшма отларнинг ёзилиши” мавзусини тушунтириш учун унга истаганча таъриф келтирган билан кутилган натижага эришиш қийин.

1-топшириқ. Матндан қўшма отларни аниқланг ва уларнинг ёзилишини изоҳланг. Матн мазмунини бир жумла орқали ифода қилинг.

ТАНЛОВ

Бир қишлоқда бутун оламга донғи кетган донишманд яшаркан. Ака-ука унинг ёнига келиб, шогирдликка олишини сўрашибди. Қария фақат бир кишини олиб қолишини айтибди ва ўспиринларни синамоқчи бўлибди. Мўйсафид ака-укаларнинг ҳар бирига биттадан топшириқ берибди. Улар эса, ўз навбатида, ўз топшириқларини сидқидилдан бажаришга киришибдилар. Бир оз вақт ўтгач, донишманд йигитларнинг ёнига келибди ва уйга сув олиб келишни сўрабди. Ака бирдан сакраб туриб, сувга кетибди. Ука эса биринчи топшириқни бажаришни давом эттирибди. Ака сувни олиб келиб, энди аввалги топшириғини бажаришга киришган экан, чол иккаласидан томни таъмирлашни илтимос қилибди. Ака сув тўла челакни қўйиб, томга чиқиб кетибди. Ука эса жойидан жилмабди. Яна бир муддатдан кейин айёр чол ака-укаларга ёғоч тўсиқни тузатишни буюрибди. Ака томдан тушиб, тўсиққа қараб кетибди. Қария яна томдан шикоят қилибди. Аканинг тили осилиб, кучсиз ерга ўтириб қолибди. Ука эса биринчи топшириғини тугатибди, кейин томга чиқиб, уни ҳам тузатибди. Донишманд мийиғида кулиб қўйибди. У шогирдликка укасини олиб қолибди ва ўз танловини шундай изоҳлабди:

– Сен мақсад сари интилишни ва ўз ҳаёт йўлингдаги муҳим жиҳатларни танлашни биласан. Аканг эса бошқаларда яхши таассурот қолдириш мақсадида барча ишга бирданига киришади, ўз кучи ва вақтини мақсадли тақсимлай олмайди. Зеро, таққослаш – ўқувчида мустақил фикрлаш кўникмасини ҳам шакллантиради. Бу эса бугунги таълимнинг мақсадини ташкил этади. Ўқувчида солиштириш жараёнида ўзбек тилининг ўзигагина хос бўлган жиҳатлари ҳақида тушунча пайдо бўлгач, ўз тилидан фахрланиш, шунинг баробарида, унда миллий ғурур ҳам шаклланиб боради.

“Кластер” методидан фойдаланиб, беллашувчи икки гуруҳ аъзоларидан

қайси бири бўғинларни тез ва тўғри жойлаштира, ундан халқ мақолининг бир қисми келиб чиқади. Давомини топган ғолиб бўлади.

“Давомини топ!” усулига доир кластер:

2. Т- чизма асосида [ў] унлисининг талаффуздаги фарқларини аниқлаш


Иккала гуруҳга Т – чизма берилади. Улар аралаш ҳолда берилган сўзларнинг маънодошларини топиб, иккига ажратадилар. Вазифани тўғри ва тўлиқ бажарган гуруҳ иштирокчилари баҳоланади.

Ўр (сочни), тўр(сетка), ўр(ўтни), бўл(нонни), тўр(уйнинг), ўз (олмош), (талаба) бўл, (пулини) тўла, тўла (идиш), ўн (сўм), ўн (феъл), ўз(феъл)


жавоби:

Ўр тўр бўл тўла ўн ўз	Ўр тўр бўл тўла ўн ўз

3. “Жуфтини топ” асосида антоним сўзлар таснифини самарали ўргатиш мумкин. *Икки гуруҳга бўлиниб унли ва ундош товушларнинг фарқли ҳамда ўхшаш жиҳатлари қуйидаги маълумотлар асосида ажратилади: Синф ўқувчилари икки гуруҳга бўлиниб маълумотларни жадвалларга жойлаштирадидлар. Нотўғри ёки чалқаш маълумот ёзган жамоа мағлуб бўлади.*



“Кластер” шаклидан фойдаланиб иккала гуруҳ аъзолари ҳам бирма-бир зид маъноли сўзларни жуфти билан жадвалларга жойлаштиради.



4. **“Занжир” усули** она тили дарсларида кенг қўлланилаётган усуллардан ҳисобланиб, ўқувчиларни топқирликка, тез фикрлашга ундайди. Ўйин тартибига кўра бир ўқувчи бирор бўғиз ундоши билан бошланадиган сўз айтади, иккинчи ўқувчи эса сўз охиридаги товуш билан бошланувчи таркибида х ҳарфи бўлган сўз айтиши лозим. Масалан, ҳалқа – аҳоли – илҳом – маҳлиё.... каби.

Бу усул орфоэпия, орфография, лексика бўлимларини самарали ўқитишда қуйидагича қўлланилади. Усулни бошқа талаффузи қийин сўзлар асосида ҳам ўтказиш мумкин. Масалан: **и** товуши. Синф ўқувчилари икки гуруҳга бўлинади. 1-гуруҳ **и** билан бошланадиган сўз айтади. 2-гуруҳ сўз

охиридаги товуш билан бошланувчи таркибида и бор сўз билан давом эттиради. Сўз топа олмай қолган гуруҳ ютқазади.

1- гуруҳ

илон

шира

ит

иссиқ

ирим

2- гуруҳ

ниш

ари

тери

қани

мири....

Бу ўйинни бошқа бир шаклда ҳам ўтказиш мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларга унли билан бошланиб унли билан тугайдиган ёки ундош билан бошланиб ундош билан тугайдиган сўзларни топшириқ қилиб беради.

Синф ўқувчиларини икки гуруҳга бўлиб, 1-гуруҳга унли билан бошланиб унли билан туговчи сўзларни, 2-гуруҳга ундош билан бошланиб ундош билан туговчи сўзларни топшириқ қилиб берилса, ўйин янада кизиқарли ўтади. Ўқувчиларда ҳозиржавоблик, топқирлик билан бирга тўғри талаффуз малакаси ҳам шаклланади.

5. “Жуфтини биласизми?” усули ҳам ўқувчини тез фикрлашга, топқирликка ундайди. Ўйинни амалга ошириш учун ўқувчиларга маълум бир тил сатҳига оид бирликларнинг маълум қисми берилади. Ўқувчилар эса уни тўплаши лозим бўлади. Мазкур ўйиндан тилнинг барча сатҳларида фойдаланиш мумкин. Орфоэпия, лексикология ва морфология бўлимларида ўқувчилар товуш, сўз ҳақида муайян билимга эга бўладилар. Маълумки, сўз туркумлари ва сўзнинг маъноларини билишнинг аҳамияти катта. Чунки бу ўқувчи саводхонлигининг асосларидан биридир. Ўқитувчи ўқувчиларга маънодош сўзларга оид билимлар ҳосил бўладиган шу ўйинни ўтказиши мумкин.

Ўқувчиларга жарангли ва жарангсиз ундошлар хато қўлланган сўзлар берилади. Ўқувчилар сўз таркибидаги хато қўлланган ундошларнинг жуфтини топиб ёзишлари керак: китоп – китоб, бунёткор – бунёдкор, туссиз – тузсиз, тоғ – тоқ, ўриг – ўрик, шавқат – шафқат.

Ўйин мусобақа тарзида икки ўқувчи орасида ёки гуруҳлар ўртасида ўтказилиши мумкин.

6. Орфоэпия ўқитишда пароним сўзлардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ, чунки ҳар доим бу сўзлар икки қисмдан иборат бўлади. Масалан, берилган сўзларнинг пароним жуфтини топиш буюрилади. Маълумки, пароним сўзлар талаффуздош сўзлардир. Бу – талаффуз машқлари ўтказишда қўл келади.


Кафе –	амр –	кафе – кофе	амр – амир
Афзал –	девон –	афзал – абзал	девон – довон
Разм –	боб –	разм – рамз	боб – боп
Сада –	туп –	сада – садо	туп – туб

Жуфт ва такрорий феълларга оид ҳам шундай топшириқлар берилади:

Бажарилиши:

Ўйнаб –	ўйнаб-кулиб
яйраб –	яйраб-яшнаб
кочди –	кочди-кетди
айтди –	айтди-қўйди
қўллаб –	қўллаб-қувватламоқ
ўйлаб –	ўйлаб-ўйлаб
гапира –	гапира-гапира
йиғлай –	йиғлай-йиғлай

7. “Тармоқлар” усули. Икки гуруҳга бўлиниб қуйидаги “Кластер”ни бажарадилар. Қайси гуруҳ биринчи бўлиб тўғри тўлдирса, ғолиб жамоа бўлади. Ҳар бир доирага учтадан сўз ёзилади.



Демак, дидактик ўйинлар ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини оширишга ёрдам беради. Шу орқали ўтилаётган мавзунини осон ва тез тушуниб оладилар. Тўғри ташкил қилинган дидактик ўйин ўқувчини дарс жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиради, уни зериктиришдан ва толиқишдан асрайди. Дидактик ўйинлар она тили дарсларида яхши самара беради. Она тили таълимининг “Орфоэпия” бўлимида ҳам бундай ўйин дарсларидан фойдаланиш 5-синф ўқувчиларида мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради, уларда адабий талаффуз кўникмасини шакллантиради.

8. “Домино” усули. Бунда ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади. Жамоалардаги ҳар бир ўқувчи иштирок этади. Ўқитувчи томонидан айтилган топишмоқнинг жавобини биринчи топган жамоа ўйинни бошлайди. Гуруҳлар парта бошидан навбат билан чиқаверади. Иш синф тахтасида бажарилади. “Домино”нинг шarti шундай: биринчи чиққан иштирокчи бир бўғин ёзади ва ўтиради. Навбатдаги жамоа вакили унга бўғин қўшганда сўз ҳосил бўлиши керак. Ўйин шундай давом этаверади. Белгиланган вақтда жавоб топмаган жамоа ўйиндан чиқади.

Намуна: *хум-дон-ли-бос-ма-на-сим-ли-коп-*

9. “Ким кўп сўз топади?” ўйини ўқувчиларни қизиқтириш ва идрокини текшириб кўриш мақсадида ташкил этилади. Натижа кутилгандан ҳам яхши чиқди. Бу, асосан, лексика бўлимини ўқитишда қўл келади. Машғулот кўргазмали воситалар, расмлардан фойдаланилган ҳолда олиб борилади. Яъни айрим ўқувчилар расмдан 18 тагача сўз топган бўлса, баъзилар 7 тагина сўз ёза олган. Баъзи ўқувчиларнинг булут ортидаги осмонни, ердаги кашта суратини, мақбара таркибидаги минора ва гумбазларни ҳам кўра олганлиги, аксарият ўқувчиларнинг кўриниб турган нарсаларни ҳам идрок эта олмаслиги маълум бўлди.

Ушбу топшириқ болаларда идрокни шакллантиради. Она тили фанини санъат билан боғлайди. Бундай топшириқларни бажариб кўникма ҳосил қилгач, бошқа суратларни кўрганда ҳам уларга шунчаки эмас, синчковлик билан қарашга ўрганади.

Бола кўрган нарсаларни ўзи билганча номлайди, ёддан ёзади ва бўгинларга ажратади. Бунда ўқувчининг сўз қўллаши, танлаши ҳамда имловий саводхонлиги очиқ намоён бўлади. Бўгин ҳақида олган назарий маълумотларини амалиётда қўллаб кўради, мустаҳкамлайди.

10. “Жуфтини топ!” усули. Матн асосида амалга оширилади. Асосан, жуфт сўзларни иштирок эттириб, матн яратишга йўналтириш мумкин.

Бунда тутуқ белгиси иштирок этган сўзларнинг пароним жуфтларини топиш учун учта жамоа беллашади. Сардорлар беллашган пайтда қолганлар тутуқ белгиси иштирок этган сўз қатнашган халқ мақолларидан топиб туради. Кимда мисол кўп бўлса, ўша жамоа ғолибдир.

Даъво – даво, таъна-тана, қалъа-қала, шеър-шер.

Нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришда қуйидаги технология, метод ва усуллардан фойдаланилди:

2.3.-жадвал

Синфлар кесимида мавзулар	Метод ва усуллар
5-синф. “Маънодош” сўзлар	“Т-чизмаси” “Кластер методи”

	“Қиёслаш методи”
5-синф. Товушлар талаффузи	“Ўрнини топ” усули
5-синф. Атамалар ва уларнинг ёзилиши	“Занжир” усули, “Жуфтини топ”
6-синф. Атоқли отлар имлоси	“Домино” усули, “Ким кўп сўз топади?” Расм асосида. Ижодий ёндашилди
6-синфда. Жуфт ва такрорий сифатлар имлоси	“Жуфтини биласизми?”
7-синф. Матнда олмошлардан фойдаланиш	“Ким нотик” методи (янги)
7-синф. Олмошларнинг ёзилиши	“Т–чизмаси” методи “Қиёслаш” методи
7-синфда. Ёрдамчи сўзлар имлоси	“Қиёслаш методи”
7-синфда Нутқда келишик ва кўмакчилар маънодошлиги	“Кластер” методи
7-синфда. Кишилик ва кўрсатиш олмошларидан фойдаланиш	“Қиёслаш” методи

II боб бўйича хулоса

1. Мазкур бобда она тили таълимига доир ўқув материалларини тизимли такомиллаштириш бўйича тавсиялар, янгича ёндашувлар тақдим қилинди. Нутқий кўникма ва малакаларни ривожлантириш учун мактабларда орфография ва орфоэпияни ўқитишда, асосан, машқлардан лексика, морфология ўқитишда топшириқлардан унумли фойдаланиш лозим. Ўқувчиларда тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмалари такрорга асосланган машқлар орқалигина ҳосил қилинади. Топшириқлар эса, ўқувчини билим олишга йўналтиради, фикрлашга ундайди.

2. Нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришда, афоризмлар, ибратли матнлар билан бир қаторда илмий, публицистик матнлардан фойдаланиш яхши самара беради. Матнга йўналтирувчи ўқув топшириқлари бир пайтнинг ўзида тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ривожлантира олиши мақсадга мувофиқдир.

3. Бир пайтнинг ўзида матн асосида тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган махсус топшириқлар тизими ишлаб чиқилиб, дарс жараёнида қўллаб кўрилса, нутқий малакаларни тизимли тарзда шакллантиришга эришиш мумкин.

4. Она тили таълимида ўқиш саводхонлигини ривожлантирувчи турли мавзу ва услубларда яратилган, тарбиявий характердаги, ўқувчиларда иштиёқ уйғотувчи матнлар тўплами ва улар билан ишлашга мўлжалланган ўқув топшириқлар тизимини жорий қилиш лозим.

5. Чет тилларни ўқитишга мўлжалланган тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини ривожлантиришга қўйиладган талабларни тўғридан-тўғри она тили таълимига қўллаб бўлмайди. Тилнинг ташувчилари бўлган 5-7 синф ўқувчилари ўз она тилида тинглаб тушуна олади, ўқиб тушуна олади, гапира олади, фақат ёзма саводхонлиги ва адабий талаффуз кўникмасида камчиликлар мавжуд.

6. 5-7 синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, нутқий кўникмаларни дидактик, интерфаол ёндашувлар асосида ташкил этиш яхши самара беради. Бунда, биринчидан, ўқувчи мавзу доирасида зарур нутқий кўникмаларга эга бўлса, иккинчидан, машғулот давомида ҳамкорликда ишлаш, тезкорлик, ҳозиржавоблик ва мантиқий фикрлаш кўникмаларини ҳам эгаллаб боради.

III БОБ. НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

3.1-§. Ўтказилган тажриба-синов ишларининг мазмуни

Таълим тизимининг умумий ўрта таълим босқичида ўқувчиларни она тили ўқув предмети асосида мустақил ишлашга, ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда равон ва таъсирчан ифодалай олиш кўникмаларини шакллантириш бугунги таълим олдида асосий вазифа сифатида турибди. Зеро, ўқувчиларни маърифатли, бир сўз билан айтганда баркамол шахс сифатида тарбиялашга алоҳида аҳамият берилиши талаб этилмоқда. Бу жараёнда ёш авлоднинг жамият ривожига мос билим, кўникма ва малакалар соҳиби бўлиши муҳимлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, умумтаълим мактабларининг 5 – 7 синф ўқувчиларида она тили фани, хусусан, фонетика, орфография, орфоэпия, лексика, морфология бўлимларини ўқитиш орқали адабий талаффуз, тўғри ёзиш (имло қоидалари)ни кўникма сифатида тизимли шакллантириш, шунинг баробарида уларни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш, жозибали оғзаки ва ёзма нутқнинг асоси бўлган сўз бойлигини ошириш бугунги она тили таълимининг мазмуни ва мақсадини ташкил этади. Уни амалга ошириш она тили таълими олдида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш, инновацион лойиҳалар яратиш муаммосини ҳам қўймоқда.

Шу жиҳатдан олиб қараганда умумий ўрта таълим йўналишида тадқиқ қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар тизимида ўқувчиларда нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантирувчи ўқув материаллар асосида мустақил, ижодий фикрлаш ҳамда ўз фикрини нутқ шароитига мос ҳолда тўғри ва равон ифодалаш малакасини шакллантириш ҳамда такомиллаштиришнинг педагогик тизимини ишлаб чиқиш, уни татбиқ этишнинг янги методик ёндашувларини жорий этиш ва амалиётда синаб кўриш муҳим педагогик муаммодир.

Мазкур тажриба-синов илмий тадқиқотнинг энг сермахсул усули бўлиб, у кузатишлар жараёнида туғилган ғоя, тақдим этилган тавсия ва ишлаб чиқилган ўқув топшириқларининг самарадорлик даражасини белгилаб беради.

Тажриба-синов ишларининг асосий мақсади ҳам 5-7 синф ўқувчиларида она тили ўқув предмети, хусусан, фонетика, орфография, орфоэпия, лексика, морфология бўлимларини ўқитиш орқали адабий талаффуз, (имло қоидалари асосида) тўғри ёзишни кўникма сифатида шакллантириш, шунинг баробарида уларни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш, жозибали оғзаки ва ёзма нутқнинг асоси бўлган сўз бойлигини ошириш кўникмасини шакллантиришнинг дидактик имкониятларини ўрганиш ва мазкур жараёнга замонавий усулларни татбиқ этиш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Тажриба жараёнида 5-7 синф ўқувчиларининг дарслик материалларини ўзлаштириш имкониятлари аниқланди ва бу жараёнда она тили ўқув предмети ўқитувчиларнинг фонетика, орфография, орфоэпия, лексика, морфология бўлимларини ўқитишда замонавий ёндашувларни билиш юзасидан касбий-педагогик тайёргарлик даражалари аниқланди. Ўқувчиларни анкета ёрдамида нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантирувчи махсус машқ ва топшириқларга бўлган қизиқишлари, шунингдек, билим даражалари аниқланди. Яна қуйидагилар ҳам маълум бўлди:

5-7 синф ўқувчиларининг мавжуд нутқий кўникмалари савол ва топшириқлар асосида аниқланди;

ўқитувчиларнинг она тили дарслари, хусусан, фонетика, орфография, орфоэпия, лексика, морфология бўлимини ўқитишда дарслик ва бошқа кўргазмали воситалардан фойдаланишдаги ютуқ ва камчиликлар аниқланди;

қизиқарли, ноанъанавий, ижодий изланишга асосланган нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришга доир машқ ва топшириқларга нисбатан ўқувчиларнинг муносабатини аниқлаш ҳамда фикрларни

умумлаштириш мақсадида анкета-савол жавоблари ўтказилди;

таъкидловчи тажриба-синовда аниқланган камчиликларни бартараф этиш усул, шакл ва воситалари аниқланиб, 5-7 синфда қизиқарли, ноанъанавий ижодий изланишга асосланган нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантирувчи машқ ва топшириқлар асосида ўқувчиларда адабий талаффуз ҳамда имлога оид кўникмаларни шакллантириш методикаси ишлаб чиқилди.

Ижодий изланишга асосланган нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантирувчи топшириқлар, машқлар орқали, аввало, ўқувчининг ҳар бир нутқ товушини тўғри талаффуз қила олишига, тўғри ёза олишига, насрий ва шеърий матнларни ифодали ўқий олишига, ўртага қўйилган муаммо ҳақида шахсий фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда мазмунли ифодалай олишига эътибор қаратилди. Зеро, санаб ўтилганларга нисбатан ўқувчида кўникма шакллантириш бугунги кундаги энг долзарб ва муҳим педагогик муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун 5–7 синф ўқувчиларида она тили дарслари орқали ижодий фикр маҳсулини нутқ вазиятига мос равишда тўғри қўллаш малакаларини шакллантириш талаб этилади.

Тажриба-синов ишлари жараёнида қуйидаги илмий фараз текшириб кўрилди ва ўз исботини топди:

ўқувчиларда ижодий фикрлаш кўникмасини нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантирувчи ўқув топшириқлар орқали шакллантириш;

нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантириш жараёни махсус ўрганилиб, ундаги камчиликлар, уларнинг сабаблари аниқланиб, бартараф этиш йўллари ва омиллари ишлаб чиқилди;

нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантирувчи ўқув топшириқлари билан ишлашнинг аҳамияти ва дидактик имкониятлари аниқланган ҳолда методик жиҳатдан тўғри татбиқ этилди;

нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантирувчи ўқув топшириқларни ўргатишнинг мазмуни, шакл, усул ва воситалари ишлаб чиқилди;

ўқувчиларда ижодий тафаккурни шакллантирадиган, ўз фикрини турли

шаклларда тўғри ва равои ифодага олиш кўникмасини пайдо қилишга йўналтирилган ҳамда самарадорлик даражаси аниқланган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишларининг мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар бажарилди:

Ўқитувчилар тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришга доир илмий-методик тавсиялар билан таништирилди;

ишлаб чиқилган илмий-методик тавсиялар дарс жараёнига тўлиқ татбиқ этилди;

олинган натижаларга кўра ишлаб чиқилган илмий-методик тавсиялар такомиллаштирилди.

5-7 синф ўқувчиларида адабий талаффуз ва имло, сўз захирасини бойитиш, мустақил ишлай олиш кўникмаларини шакллантиришнинг ёритилмаган қирралари аниқланди ва келажакда олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларига материал бўла оладиган тавсиялар берилди.

Умумтаълим мактаблари она тили дарсликларига нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришга оид ўқув материалларининг таркиби ва она тили ўқитишнинг бугунги ҳолатини аниқлаш мақсадида дастлаб тажриба-синов майдончалари аниқлаб олинди. Тажриба-синов ишлари Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 54-мактабда, Самарқанд шаҳридаги 16-мактабда, Тошкент шаҳридаги 224–229-мактабларда; Қорақалпоғистон Республикаси Бегovat туманидаги 38 ва 50- мактабларда ўтказилди.

Тажриба-синовда жами 345 нафар ўқувчи иштирок этди. Шундан 175 таси синов гуруҳига, 170 нафари назорат гуруҳига олинди. Тажрибанинг дастлабки кунларида назорат синфларидан ҳам, тажриба синфларидан ҳам ёзма ишлар олинди. Бизга иккала гуруҳнинг ҳам дарсларни ўзлаштириш даражаси деярли бир хил эканлиги маълум бўлди. “Глобал исиш”, “Ичимлик суви”, “Ўсимликлар ва ҳайвонлар йўқолиб бориши”, “Соғлом турмуш тарзи” каби мавзуларда синаш учун ёзма ишлар олинди.

Беруний туманига қарашли 38-умумтаълим мактабида олиб борилган тажриба-синов жараёнида ўқувчилар нутқида қуйидаги камчиликлар аниқланди:

оғзаки нутқида маҳаллий тил ҳисобланган шева элементлари сезилиб турибди;

ёзма нутқда, асосан, унли ҳарфлар имлосида хатоликлар бор. “Соғлом турмуш тарзи” мавзусида тажриба ҳамда назорат гуруҳларидан олинган баён натижалари ўқувчиларнинг 80% да мазкур хатолар борлигини кўрсатди.

ўқувчиларнинг луғат бойлиги нутқий талабга жавоб бермаслиги ҳоллари ҳам сезилди. Аслида, кишида сўз захираси ночор бўлса, нутқида кўплаб услубий хатоликларга йўл қўяди. Ўқувчиларда нутқ сўзлаш ва имловий саводхонлик кўникмалари шаклланишида ўқитувчиларнинг таъсири катта эканлиги барчага маълум. Умуман, дарсни қандай ташкил қилиш ўқитувчининг тўплаган малакасига боғлиқ. Умумтаълим мактабларида орфоэпия ўқитиш билан боғлиқ муаммоларнинг бир учи мактаб ўқитувчиларига ҳам бориб тақалмоқда. Тажриба-синов жараёнида шундай ҳолатларга дуч келиндикки, айрим ўқитувчилар она тили таълимидан кўзланган асосий мақсад нима эканлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас. Ҳатто тажрибали ўқитувчилар ҳам дарсни интерфаол усулда турли замонавий методларда қизиқарли ташкил эта олсалар-да, ўқувчиларга она тили фанидан зарур кўникма ва малакаларни бера олмаяпти. Ўқувчиларни дарсга қизиқтира олиш яхши, албатта, бироқ шу қизиқтириш орқали ўқувчини ижтимоий ҳаётда доим асқотадиган билим ва малакалар билан қуроллантириш асосий масала эканлигини доим эсда тутиш зарур. Ушбу ҳолатнинг сабабини аниқлаш мақсадида Беруний туманидаги мактаб ўқитувчилари орасида анкета-сўров ўтказилганда қуйидагилар аниқланди:

1.Нутқий кўникмаларга нималар киради?

Жавоблар(айнан келтирилди.):

Фикрни ёзма ифодалаш, ўқиш.

Ўқувчиларнинг нутқ фаолиятини ўстириш.

Ўқувчиларни тил бирликлари билан таништириш.

Беруний туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг мазкур саволга берган жавоби, умуман, қуйидаги мазмунда:

“Ўқувчини тўғри талаффуз қила олишга, имло хатосиз ёза олишга ўргатиш, оғзаки нутқини тўғри тарбиялаш ва равон қилиш”.

Юқорида келтирилган жавоблардан кўриниб турибдики, она тили дарсларини ташкил қилувчи, ўқувчиларни тилдан моҳирона фойдаланишга ўргатувчи мутахассислар КТМД талабларини, она тилидан ДТС малака талаблари ва энг муҳими, она тили таълимининг мақсадини аниқ билишмайди.

Орфоэпияни ўқитишдан қўзланган мақсад ҳам она тили ўқитишнинг асосий мақсадидан келиб чиқади. Айтиш керакки, ўқитувчилар орасида саволга аниқ жавоб берганлар ҳам бор. Жумладан, 54-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Халилова Нурнисо “Орфоэпия ўқитишдан қўзланган мақсад ўқувчиларнинг сўз бойлигини кенгайтириш, талаффуз меъёрларини шакллантириш, нутқ ва мулоқот маданиятини ривожлантириш, мустақил фикрлай оладиган баркамол авлодни камол топтириш”, -деб жавоб ёзган. Аммо бу ўқитувчиларнинг умумий сонига нисбатан жуда оздир.

“Орфоэпия, орфография мавзулари орқали ўқувчилар қандай кўникма ёки малакаларга эга бўлиши керак?”, деган саволга мантиқли жавобнинг ўзи йўқ. Баъзилари ҳавола қилинади. “Орфоэпия товушларни, унли ва ундош ҳарфларни нутқий аъзоларга тегишли бўлган товушларни фарқлай билиш ва улар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш” (Жавоб айнан келтирилди).

Мавзулар бир-бири билан ўзаро алоқада, боғлиқликда бўлади. Айниқса, фонетика бўлимини ўқитишда уни тилнинг бошқа (лексикология, сўз таркиби, морфология, синтаксис ва ш.к.) сатҳларига боғлаб тушунтириш катта натижа беради. Сўз жумла таркибида ўз маъноларини тўла намоён этгани каби нутқ товушлари ҳам сўз таркибида, шеърий, насрий ва драматик матнларда ўзига хос барча хусусиятларини ифода этади. Бундан ташқари, фонетикани ўқитишда мазкур мавзуни бошқа фанлар (масалан: физика,

адабиёт, санъат...) билан боғлаб ўқитиш ўқувчиларга ниҳоятда фойдалидир. Чунки она тили дарслари ҳам ўқувчини касбга йўналтириши, қизиқиш уйғотиши керак.

Ўқитувчиларнинг бу борадаги фикрларини билиш мақсадида анкетага қуйидаги савол киритилган эди:

“Орфоэпияни қайси фанларга ва тилнинг қайси сатҳларига боғлаб тушунтирасиз?”

“Луғат билан гап тузиш” (50-мактаб ўқитувчисининг жавоби айнан келтирилди).

“Шевага хос сўзларга, ҳарф бирикмаларига боғлаб” (Тошкент шаҳридаги 224-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Д.Каримова)

Айрим ўқитувчилар тўғри талаффуз меъёрларига, қолганлари эса барча тил сатҳларига боғлаб тушунтиришини баён қилган. Кўриниб турибдики, бу борада ҳам ўқитувчиларга методик ёрдам бериш зарур.

“Она тили” дарсликларидаги ўқув материалларини ўрганиш асносида тузилган фонетика, орфография, лексика ва морфологияга оид машқ ва топшириқларни амалиётда синашдан қўзланган асосий мақсад қуйидагилар эди:

5-7 синф ўқувчиларида нутқий кўникмаларни эгаллашга бўлган қизиқишни орттириш;

5-7 синф ўқувчиларида мустақил ишлай олиш, ижодий ёндашиш, мунтазам ўз сўз бойлигини ошириб бориш ва шулар замирида ўз фикрини турли шаклларда тўғри ва раво ифода қилишига эришиш;

ўқувчини тавсия этилган матнлар ва уларга ишланган машқ ва топшириқларни бажариш жараёнида ўз кучига, ўзи мустақил ишлай олишига ишонтириш;

мавзуга доир назарий маълумотларни ҳам ўқувчининг тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини шакллантиришга бўйсундириш;

нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришга асосланган она тилига доир ўқув материаллари орқали, аввало, ўқувчининг тинглаб тушуниш, гапириш, тўғри ёза олиш, насрий ва шеърий матнларни ифодали ўқий олишига, ўртага қўйилган муаммо ҳақида шахсий фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда мантиқли ифодалай олишига эришиш мумкин.

3.2-§. Тажриба-синов ишларининг ўтказилиши ва натижалари.

Тажриба-синов маълум маънода ўз олдида қўйган мақсадни ва ундан келиб чиқувчи вазифаларни уддалади. Буни қуйидаги жадвалларда аниқ кўриш мумкин.

Самарқанд шаҳри 16-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг ўзлаштириш даражалари

3.2.1-жадвал

Меъёрлар	Синф, синф тури (назорат ёки тажриба)	Ўқувчилар сони	Хулоса чиқарган ўқувчилар сони					
			Тўғри ва тўлиқ бажарилган		Қисман тўғри ва хато билан бажарилган		Хато бажарилган	
			Т.бош.	Т.якуни	Т.бош.	Т.якуни	Т.бош.	Т.якуни
Тинглаб тушуниш	5-а синф, назорат	26	4	6	12	13	10	7
	5-б синф, тажриба	28	5	13	14	11	9	4
Нутқ сўзлаш	5-а синф, назорат	26	5	4	11	10	10	12
	5-б синф, тажриба	28	3	15	16	12	9	1
Ўқиб тушуниш	5-а синф, назорат	26	3	5	10	11	13	10
	5-б синф, тажриба	28	4	14	13	13	11	1
Баён ёзиш	5-а синф, назорат	26	6	4	9	14	11	8
	5-б синф, тажриба	28	6	12	12	9	10	7
Ижодий фикрлаш	5-а синф, назорат	26	7	6	10	12	9	8
	5-б синф, тажриба	28	2	11	15	10	11	7

Мантиқий ўйлаш	5-а синф, назорат	26	5	5	8	12	13	9
	5-б синф, тажриба	28	4	13	14	11	10	4
Жами	5-а синф, назорат	156	30	30	60	72	66	54
	5-б синф, тажриба	168	24	78	84	66	60	24
Ўртачаси	5-а синф, назорат	26	5	5	10	12	11	9
	5-б синф, тажриба	28	4	13	14	11	10	4

Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 54-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг ўзлаштириш даражалари

3.2.2-жадвал

Меъёрлар	Синф, синф тури (назорат ёки тажриба)	Ўқувчилар сони	Хулоса чиқарган ўқувчилар сони					
			Тўғри ва тўлиқ бажарилган		Қисман тўғри ва хато билан бажарилган		Хато бажарилган	
			Т.бош.	Т.яқуни	Т.бош.	Т.яқуни	Т.бош.	Т.яқуни
Тинглаб тушуниш	6-а синф, назорат	27	4	6	10	12	13	9
	6-б синф, тажриба	30	7	14	11	11	12	5
Нутқ сўзлаш	6-а синф, назорат	27	6	5	14	13	7	9
	6-б синф, тажриба	30	5	13	15	14	10	3
Ўқиб тушуниш	6-а синф, назорат	27	3	6	12	12	12	9
	6-б синф, тажриба	30	4	11	12	12	14	7
Баён ёзиш	6-а синф, назорат	27	5	7	11	14	11	6
	6-б синф, тажриба	30	6	12	14	10	10	8
Ижодий фикрлаш	6-а синф, назорат	27	7	8	13	11	7	8
	6-б синф, тажриба	30	8	14	13	13	9	3
Мантиқий ўйлаш	6-а синф, назорат	27	5	4	12	10	10	13

	6-б синф, тажриба	30	6	14	13	12	11	4
Жами	6-а синф, назорат	162	30	36	72	72	60	54
	6-б синф, тажриба	180	36	78	78	72	66	30
Ўртачаси	6-а синф, назорат	27	5	6	12	12	10	9
	6-б синф, тажриба	30	6	13	13	12	11	5

**Беруний туманига қарашли 38-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг
ўзлаштириш даражалари**

3.2.3-жадвал

Меъёрлар	Синф, синф тури (назорат ёки тажриба)	Ўқув- чилар сони	Хулоса чиқарган ўқувчилар сони					
			Тўғри ва тўлиқ бажарилган		Қисман тўғри ва хато билан бажарилган		Хато бажарилган	
			Т.бо ш.	Т.яқун и	Т.бош.	Т.яқуни	Т.бо ш.	Т.яқун и
Тинглаб тушуниш	5-а синф, назорат	30	6	6	13	15	11	9
	5-б синф, тажриба	32	7	14	14	13	11	5
Нутқ сўзлаш	5-а синф, назорат	30	7	5	12	12	11	13
	5-б синф, тажриба	32	4	18	15	11	13	3
Ўқиб тушуниш	5-а синф, назорат	30	5	7	11	16	14	7
	5-б синф, тажриба	32	6	17	13	15	13	0
Баён ёзиш	5-а синф, назорат	30	8	4	12	14	10	12
	5-б синф, тажриба	32	9	15	13	14	10	3
Ижодий фикрлаш	5-а синф, назорат	30	7	6	11	13	12	11
	5-б синф, тажриба	32	8	16	15	15	9	1
Мантики й ўйлаш	5-а синф, назорат	30	9	8	13	14	8	8
	5-б синф, тажриба	32	8	16	14	10	10	6

Жами	5-а синф, назорат	180	42	36	72	84	66	60
	5-б синф, тажриба	192	42	96	84	78	66	18
Ўртачаси	5-а синф, назорат	30	7	6	12	14	11	10
	5-б синф, тажриба	32	7	16	14	13	11	3

Беруний шаҳри 50-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг ўзлаштириш даражалари

3.2.4-жадвал

Меъёрлар	Синф, синф тури (назорат ёки тажриба)	Ўқув - чилар сони	Хулоса чиқарган ўқувчилар сони					
			Тўғри ва тўлиқ бажарилган		Қисман тўғри ва хато билан бажарилган		Хато бажарилган	
			Т.бо ш.	Т.якун и	Т.бош.	Т.якуни	Т.бо ш.	Т.якун и
Тинглаб тушуниш	7-а синф, назорат	31	3	5	11	13	17	13
	7-б синф, тажриба	30	4	12	14	11	12	7
Нутқ сўзлаш	7-а синф, назорат	31	5	7	13	15	13	9
	7-б синф, тажриба	30	5	14	11	10	14	6
Ўқиб тушуниш	7-а синф, назорат	31	4	6	12	14	15	11
	7-б синф, тажриба	30	3	13	16	10	11	7
Баён ёзиш	7-а синф, назорат	31	7	5	15	16	9	10
	7-б синф, тажриба	30	6	15	15	12	9	3
Ижодий фикрлаш	7-а синф, назорат	31	4	5	14	10	13	16
	7-б синф, тажриба	30	5	16	16	10	9	4
Мантиқий ўйлаш	7-а синф, назорат	31	7	8	13	16	11	7
	7-б синф, тажриба	30	7	14	12	13	11	3
Жами	7-а синф, назорат	186	30	36	78	84	78	66

	7-б синф, тажриба	180	30	84	84	66	66	30
Ўртачаси	7-а синф, назорат	31	5	6	13	14	13	11
	7-б синф, тажриба	30	5	14	14	11	11	5

**Тошкент шаҳри 224- умумтаълим мактаби (қатнашчи) ўқувчиларининг
ўзлаштириш даражалари**

3.2.5-жадвал

Меъёрлар	Синф, синф тури (назорат ёки тажриба)	Ўқув - чила р сони	Хулоса чиқарган ўқувчилар сони					
			Тўғри ва тўлиқ бажарилган		Қисман тўғри ва хато билан бажарилган		Хато бажарилган	
			Т.бо ш.	Т.яқун и	Т.бош. и	Т.яқуни и	Т.бо ш.	Т.яқун и
Тинглаб тушуниш	6-а синф, назорат	28	6	5	10	13	12	10
	6-б синф, тажриба	29	3	15	14	10	12	4
Нутқ сўзлаш	6-а синф, назорат	28	4	7	13	15	11	6
	6-б синф, тажриба	29	5	13	12	11	12	5
Ўқиб тушуниш	6-а синф, назорат	28	7	4	11	12	10	12
	6-б синф, тажриба	29	4	14	13	13	12	2
Баён ёзиш	6-а синф, назорат	28	6	5	14	14	8	9
	6-б синф, тажриба	29	4	12	12	12	13	5
Ижодий фикрлаш	6-а синф, назорат	28	7	3	12	11	9	14
	6-б синф, тажриба	29	2	14	16	12	11	3
Мантиқий ўйлаш	6-а синф, назорат	28	6	6	12	13	10	9
	6-б синф, тажриба	29	6	10	11	14	12	5
Жами	6-а синф, назорат	168	36	30	72	78	60	60
	6-б синф, тажриба	174	24	78	78	72	72	24

Ўртачаси	6-а синф, назорат	28	6	5	12	13	10	10
	6-б синф, тажриба	29	4	13	13	12	12	4

**Тошкент шаҳри 229- умумтаълим мактаби (қатнашчи) ўқувчиларининг
ўзлаштириш даражалари**

3.2.6-жадвал

Меъёрлар	Синф, синф тури (назорат ёки тажриба)	Ўқув - чила р сони	Хулоса чиқарган ўқувчилар сони					
			Тўғри ва тўлиқ бажарилган		Қисман тўғри ва хато билан бажарилган		Хато бажарилган	
			Т.бо ш.	Т.якун и	Т.бош.	Т.якуни	Т.бо ш.	Т.якун и
Тинглаб тушуниш	7-а синф, назорат	28	2	4	12	15	14	9
	7-б синф, тажриба	26	3	13	12	12	11	1
Нутқ сўзлаш	7-а синф, назорат	28	0	3	15	11	13	14
	7-б синф, тажриба	26	4	11	10	13	12	2
Ўқиб тушуниш	7-а синф, назорат	28	1	1	13	10	14	17
	7-б синф, тажриба	26	5	12	14	9	7	5
Баён ёзиш	7-а синф, назорат	28	3	4	16	15	9	9
	7-б синф, тажриба	26	4	15	11	8	11	3
Ижодий фикрлаш	7-а синф, назорат	28	4	2	15	13	9	13
	7-б синф, тажриба	26	1	10	13	13	12	3
Мантиқий ўйлаш	7-а синф, назорат	28	2	4	13	14	13	10
	7-б синф, тажриба	26	1	11	12	11	13	4
Жами	7-а синф, назорат	168	12	18	84	78	72	72
	7-б синф, тажриба	156	18	72	72	66	66	18
Ўртачаси	7-а синф,	28	2	3	14	13	12	12

	назорат							
	7-б синф, тажриба	26	3	12	12	11	11	32

**5 -7 синф ўқувчиларида фонетик машқлар ва топшириқлар бўйича
нутқий кўникма ҳамда малакаларнинг шаклланганлик даражаси**

3.2.7-жадвал

Мактаблар	Ўқувчилар сони	Тажриба-синов бошида						Тажриба-синов якунида					
		Тўғри ва тўлиқ бажарилган		Қисман ва хато билан бажарилган		Хато бажарилган		Тўғри ва тўлиқ бажарилган		Қисман ва хато билан бажарилган		Хато бажарилган	
	Т	Н	Т	Н	Т	Н	Т	Н	Т	Н	Т	Н	
Самарқанд шаҳридаги 16-мактаб	28 26	4	5	14	10	10	11	13	5	11	12	4	9
Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 54- мактаб	30 27	6	5	13	12	11	10	13	6	12	12	5	9
Беруний туманидаги 38- мактаб	32 30	7	7	14	12	11	11	16	6	13	14	3	10
Тошкент шаҳридаги 229-мактаб	30 31	5	5	14	13	11	13	14	6	11	14	5	11
Беруний шаҳридаги	29	4	6	13	12	12	10	13	5	12	13	4	10

50- мактаб	28												
Тошкент шаҳридаги 224-мактаб	26	3	2	12	14	11	12	12	3	11	13	3	12
	28												
Жами	175	29	30	8	7	66	6	8	3	70	7	2	6
	170			0	3		7	1	1		8	4	1
% да	175	16,6	17,7	45,	42,	37,7	39,	46,	18,	0,4	45,	13,	35,
	170			7	9		4	3	2		9	7	9

3.2.7-жадвал натижаларига асосланган ҳолда 5-7 синф ўқувчиларида орфоэпик, лексик ва грамматик машқлар бўйича амалий кўникма ва малакалар шакллантирилганлиги даражасини аниқлаш юзасидан тажриба боши ва якунидаги натижаларни аниқлаш бўйича тажриба ҳамда назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари математик-статистика методи ёрдамида таҳлил қилинди. Тажриба-синовда 800 нафардан ортиқ ўқувчи қатнашди. Ҳисоблаш қулай бўлиши учун репрезентатив равишда тажриба-синов ўтказган ҳар бир мактабдан биттадан синф олиб 345 нафар ўқувчи билан ўтказилган синов натижаларини кўриб чиқамиз. Шундан 175 нафар ўқувчи тажриба гуруҳида ва 170 нафар ўқувчи назорат гуруҳида қатнашишди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган. Бири ўқувчиларнинг тажрибагача билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса ўқувчиларнинг тажриба охиридаги билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

3.2.1-жадвал асосида тажриба ва назорат гуруҳи ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотезани танлаймиз.

3.2.1-жадвалдан тажриба бошидаги тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижаларни умумлашган ҳолда қуйидаги жадвалда акс эттирамиз:

3.2.2-жадвалда 5–7-синф ўқувчиларида фонетик машқлар бўйича амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришдаги ўзлаштириш даражасининг тажриба бошидаги самарадорлик кўрсаткичлари

3.2.8-жадвал

	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Тўғри ва тўлиқ бажарилган	Қисман ва хато билан бажарилган	Хато бажарилган
Тажриба гуруҳи	175	29	80	66
Назорат гуруҳи	170	30	73	67

Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ўқувчилар сонини мос равишда $X_i; n_i$ лар ва шу каби назорат гуруҳидагини эса $Y_j; m_j$ лар орқали белгилаб олиб, қуйидаги статистик гуруҳланган вариацион қаторларга эга бўламиз, шунингдек, “Тўғри ва тўлиқ бажарилган” кўрсаткични 3 балл билан, “Қисман ва хато билан бажарилган” кўрсаткични 2 балл билан ва “Хато бажарилган” кўрсаткични 1 балл билан белгилаймиз.


Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари

$$\begin{cases} X_i & 3, & 2, & 1 \\ n_i & 29, & 80, & 66 \quad (n = 175) \end{cases}$$

Назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари

$$\begin{cases} Y_j & 3, & 2, & 1 \\ m_j & 30, & 73, & 67 \quad (m = 170) \end{cases}$$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



1-расм.

Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва n_j такрорийлик (частота)ларни мос статистик

$$\text{ЭХТИМОЛЛИК } P_i = \frac{n}{n_i} \text{ ва } q_j = \frac{m}{m_j} \quad (2)$$

$$\begin{cases} X_i & 3, & 2, & 1 \\ P_i & 0,16; & 0,46; & 0,38. \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 P_i = 1 \quad \text{ва}$$

$$\begin{cases} Y_j & 3, & 2, & 1 \\ q_j & 0,18; & 0,43; & 0,39. \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 q_i = 1$$

Статистик таҳлилнинг ҳар икки гуруҳ бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни берди:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} P_i x_i = 0,16 \cdot 3 + 0,46 \cdot 2 + 0,38 \cdot 1 = 0,48 + 0,92 + 0,38 = 1,78$$

$$\text{Фоизда } \bar{X} \% = \frac{1,78}{3} \cdot 100 \% = 59,3\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^{n=3} q_j y_j = 0,18 \cdot 3 + 0,43 \cdot 2 + 0,39 \cdot 1 = 0,54 + 0,86 + 0,39 = 1,79$$

$$\text{Фоизда } \bar{Y} \% = \frac{1,79}{3} \cdot 100 \% = 59,7\%$$

Демак, тажриба бошида тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш (59,3 – 59,7) % = -0,4% га паст кўрсаткичга эга экан. Бу эса ўз навбатида, $\frac{59,3\%}{59,7\%} = 0,99$

баробарга камайганини англатади. Бу самарадорликка эришиш учун жуда паст кўрсаткич. Бундан 5–7 синф ўқувчиларида орфоэпик машқлар бўйича амалий кўникма ҳамда малакаларни шакллантирганлигининг ўзлаштириш ва самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан тажриба бошида ўтказилган тажриба-синов ишларида ҳеч қандай самарадорликка эришилмагани кўриниб турибди.

Энди 3.2.1-жадвалдан тажриба якунидаги кўрсаткичларни тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижалар асосида қуйидаги жадвалда акс эттирамиз:

5-7 синф ўқувчиларида орфоэпик, лексик ва грамматик машқлар бўйича амалий кўникма ва малакалар шаклланганлик даражасининг тажриба якунидаги самарадорлик кўрсаткичлари

3.2.9-жадвал

	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Тўғри ва тўлиқ бажарилган	Қисман ва хато билан бажарилган	Хато бажарилган
Тажриба гуруҳи	175	81	70	24
Назорат гуруҳи	170	31	78	61

Худди юқоридагидек белгилашлар киритиш натижасида қуйидагиларга эга бўламиз:


Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари–

$$\begin{cases} X_i & 3, & 2, & 1 \\ n_i & 81, & 70, & 24 \quad (n = 175) \end{cases}$$

Назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари–

$$\begin{cases} Y_j & 3, & 2, & 1 \\ m_j & 31, & 78, & 61 \quad (m = 170) \end{cases}$$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



2-расм

(2) формулага асосан статистик эҳтимолликни топамиз.

$$\begin{cases} X_i & 3, & 2, & 1 \\ P_i & 0,46; & 0,4; & 0,14. \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 P_i = 1$$

ва

$$\begin{cases} Y_j & 3, & 2, & 1 \\ q_j & 0,18; & 0,46; & 0,36. \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 q_i = 1$$

Статистик таҳлилни ҳар икки гуруҳ бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни берди:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} P_i x_i = 0,46 \cdot 3 + 0,4 \cdot 2 + 0,14 \cdot 1 = 1,38 + 0,8 + 0,14 = 2,32$$

$$\text{Фоизда} \quad \bar{X} \% = \frac{2,32}{3} \cdot 100 \% = 77,3\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^{n=3} q_j y_j = 0,18 \cdot 3 + 0,46 \cdot 2 + 0,36 \cdot 1 = 0,54 + 0,92 + 0,36 = 1,82$$

$$\text{Фоизда} \quad \bar{Y} \% = \frac{1,82}{3} \cdot 100 \% = 60,7\%$$

Демак, тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш (77,3 – 60,7) % = 16,6% га юқори экан. Бу эса ўз навбатида $\frac{77,3\%}{60,7\%} = 1,27$ баробар ортиқлигини англатади.

Ўзлаштиришни аниқлаш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни аниқлаш мақсадида дастлаб ўртача квадратик ва стандарт хатоликларни аниқлаймиз.

Ўртача квадратик хатоликлар:

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^{n=3} P_i x_i^2 - (\bar{x})^2 = 0,46 \cdot 3^2 + 0,4 \cdot 2^2 + 0,14 \cdot 1^2 - 2,32^2 = 0,46 \cdot 9 + 0,4 \cdot 4 + 0,14 \cdot 1 - 5,3824 = 4,14 + 1,6 + 0,14 - 5,3824 = 5,88 - 5,3824 = 0,4976$$

$$S_y^2 = \sum_{i=1}^{n=3} q_j y_j^2 - (\bar{y})^2 = 0,18 \cdot 3^2 + 0,46 \cdot 2^2 + 0,36 \cdot 1^2 - 1,82^2 = 0,18 \cdot 9 + 0,46 \cdot 4 + 0,36 \cdot 1 - 3,3124 = 1,62 + 1,84 + 0,36 - 3,3124 = 3,82 - 3,3124 = 0,5076$$

Стандарт хатоликлар эса:

$$S_x = \sqrt{0,4976} = 0,71.$$

$$S_y = \sqrt{0,5076} = 0,71.$$

Бундан, назорат гуруҳи стандарт хатолиги тажриба гуруҳи кўрсаткичлари билан бир-бирига тенг бўлди, яъни $0,71 = 0,71$. Буни янада аниқроқ кўрсатиш мақсадида ҳар икки статистик танланма бўйича ўрта қиймат аниқликларини биз вариация коэффицентлари орқали, яъни C_x ва C_y формула орқали ҳисоблаймиз:

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{n \cdot x}} \cdot 100\% = \frac{0,71 \cdot 100\%}{\sqrt{175} \cdot 2,32} = \frac{71\%}{13,23 \cdot 2,32} = \frac{71\%}{30,69} = 2,31\% \approx 2\%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{n \cdot y}} \cdot 100\% = \frac{0,71 \cdot 100\%}{\sqrt{170} \cdot 1,82} = \frac{71\%}{13,04 \cdot 1,82} = \frac{71\%}{23,73} = 2,99\% \approx 3\%$$

Демак, тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи аниқлиги назорат гуруҳидагидан кичик экан.

Энди иккита бош тўпламнинг номаълум ўрта қийматларига ўхшашлигини ҳисобга олиб, Стьюдентнинг танланмали мезони асосида нолинчи гипотезани текширамиз:

$$H_0 : \mu = \mu_y$$

Шунга асосан қуйидаги ҳисобланишни бажарамиз:

$$T_{x,y} = \frac{\bar{x} - \bar{y}}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{2,32 - 1,82}{\sqrt{\frac{0,4976}{175} + \frac{0,5076}{170}}} = \frac{0,5}{\sqrt{0,0028 + 0,003}} = \frac{0,5}{\sqrt{0,0058}} = \frac{0,5}{0,076} = 6,579$$

Стьюдент мезони асосида эркинлик даражасини қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

$$K = \frac{\left(\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}\right)^2}{\frac{\left(\frac{S_x^2}{n}\right)^2}{n-1} + \frac{\left(\frac{S_y^2}{m}\right)^2}{m-1}} = \frac{\left(\frac{0,4976}{175} + \frac{0,5076}{170}\right)^2}{\frac{\left(\frac{0,4976}{175}\right)^2}{174} + \frac{\left(\frac{0,5076}{170}\right)^2}{169}} = \frac{(0,0028 + 0,003)^2}{\frac{(0,0028)^2}{149} + \frac{(0,003)^2}{169}} = \frac{(0,0058)^2}{\frac{0,0000078}{174} + \frac{0,000009}{169}} = \frac{0,000034}{0,00000045 + 0,00000053} = \frac{0,000034}{0,00000098} = 346,94$$

ушбу эҳтимоллик учун статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha=0,05$ деб олсак, у ҳолда $p=1-\alpha=0,95$ га ҳамда эркинлик даражаси $k=346,94$ га тенг. Стьюдент функцияси тақсимот жадвалидан икки томонлама мезоннинг

критик нуқтаси:

$$t_{1-\frac{(1-p)}{2}}(k) = t_{1-\frac{(1-0,95)}{2}}(346,94) = t_{0,975}(346,94) = 1,96$$

Бундан кўриниб турибдики, статистиканинг танланма қиймати критик нуқтадан катта экан:

$$T_{x,y} = 6,579 > 1,96$$

демак, бош ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги H_0 нолинчи гипотеза рад этилади. Буни 95 % ишончлилик билан айтиш мумкинки, тажриба-синов гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳар доим назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори бўлди ва улар ҳеч қачон устма-уст тушмайди.

Энди тажриба-синов ва назорат гуруҳларидаги таълим услуби хилма-хил бўлган фаразимизга зид бўлган ҳолни кўрамиз.

$$K_0: F_x = F_y$$

Бунда иккита бош тўпلام тақсимотини тақсимлаш бир-бирига тўғри келади.

Берилган α қийматдорлик даражасида H_1 : - бош тўпلام нормал тақсимланган деган гипотезани текшириш учун аввал назарий частоталарни кейин эса Пирсоннинг мувофиқлик критерийси - Хи-квадрат бўйича (1) ва (2) тизимлар асосида қуйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$X_{n,m}^2 = \frac{1}{n \cdot m} \sum_{i=1}^3 \frac{(nm_i - mn_i)^2}{m_i + n_i} = \sum_{i=1}^3 \frac{(m_i - n_i)^2}{m_i + n_i}.$$

Формула асосида $X_{n,m}^2$:

$$X_{n,m}^2 = \frac{(31 - 81)^2}{31 + 81} + \frac{(78 - 70)^2}{78 + 70} + \frac{(61 - 24)^2}{61 + 24} = \frac{2500}{112} + \frac{64}{148} + \frac{1369}{85} = 22,32 + 0,43 + 16,11 = 38,86 \quad \text{га тэнг.}$$

Ушбу мезон бўйича озодлик даражалари $\nu = 4 - 1 = 3$ га тенг, Хи-квадрат тақсимотининг жадвали бўйича критик нуқтани топамиз. $p = 0,95$ учун ишончлилик эҳтимоли

$$t_{0,95}(\nu) = t_{0,95}(3) = 7,815 \quad \text{га тенг.}$$

Бир томонлама критерий нолинчи гипотезани икки томонлама критерийга қараганда “қатъият билан” рад этгани учун ўнг томонлама критик соҳа қурамыз. Ўнг томонлама критик соҳа қуйидагига тенг.

$$X_{n,m}^2 = 38,86 > 7,815 = t_{0,95} \quad (3)$$

Бундан Хи-квадрат тақсимот критик нуқтадан катта бўлгани учун нолинчи гипотеза рад этилди.

Энди баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш учун оралик интервалларини топамиз:

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,71}{\sqrt{175}} = 1,96 \cdot \frac{0,71}{13,23} = \frac{1,3916}{13,23} \approx 0,11$$

га тенг, назорат гуруҳида эса:

$$\Delta_y = t_\gamma \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,71}{\sqrt{170}} = 1,96 \cdot \frac{0,71}{13,04} = \frac{1,3916}{13,04} \approx 0,11$$

га тенг. Топилган натижалардан тажриба гуруҳи учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$


$$2,32 - 0,11 \leq a_x \leq 2,32 + 0,11 \qquad 2,21 \leq a_x \leq 2,43$$

назорат гуруҳи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$1,82 - 0,11 \leq a_y \leq 1,82 + 0,11 \qquad 1,71 \leq a_y \leq 1,93$$

Буни геометрик тасвирласак:



Бундан $\alpha=0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба гуруҳидаги ўртача баҳо назорат гуруҳидаги ўртача баҳодан юқори ва оралик интерваллари устма-уст тушмаяпти. Демак, математик-статистик таҳлилга асосан яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X} = 2,32$; $\bar{Y} = 1,82$; $\Delta_x = 0,11$; $\Delta_y = 0,11$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yxb} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,32 - 0,11}{1,82 + 0,11} = \frac{2,21}{1,93} = 1,15 > 1;$$

$$K_{одб} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,32 - 0,11) - (1,82 - 0,11) = 2,21 - 1,71 = 0,5 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, 5–7 синф ўқувчиларида орфоэпик, лексик ва грамматик машқлар бўйича амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

III боб бўйича хулоса

Умумий ўрта таълим мактаблари она тили машғулотида нутқий кўникмаларни ривожлантирувчи ўқув материалларининг таркиби ва орфоэпия, орфография, лексика ва морфология ўқитишнинг бугунги ҳолатини аниқлаш мақсадида дастлаб тажриба-синов майдончалари аниқлаб олинди. Тажриба-синов ишлари Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 54-мактабда, Самарқанд шаҳридаги 16-мактабда, Тошкент шаҳридаги 224–229-мактабларда; Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 38–50- мактабларда ўтказилди. Тажриба-синовда жами 345 нафар ўқувчи иштирок этди. Шундан 175таси синов гуруҳига, 170 нафари назорат гуруҳига олинди. Тажрибанинг дастлабки кунларида назорат синфларидан ҳам тажриба синфларидан ҳам ёзма ишлар олинди.

Умумий ўрта таълим тизимида нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришга доир методик таъминотни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган мазмун, усул ва воситалари амалиётда синаб кўрилди.

Олинган натижалар мазкур бобда таҳлил қилинди, изоҳланди. Умумлаштирилгач, қуйидаги хулосаларга келинди:

1.Ўтказилган тажриба-синов ишлари 5-7 синф она тили дарсларида қўлланган ноанъанавий, матн асосида ижодий изланишга мўлжалланган орфоэпик, лексик ва грамматик машқ ҳамда топшириқлар орқали, аввало, ўқувчида тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, ўқиш ва ёзиш, хусусан, ҳар бир сўзни тўғри талаффуз қила олишига, тўғри ёза олишига, насрий ва шеърий матнларни ифодали ўқий олишига, ўртага қўйилган муаммо ҳақида шахсий фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда мазмунли ифодалай олишига эришиш мумкинлиги асосланди, бу эса таълим-тарбия жараёнида катта аҳамиятга эга эканлиги очиқ берилди.

2. 5-7 синф ўқувчиларида тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, ўқиш ва ёзиш, мустақил ишлай олиш, мунтазам сўз бойлигини ошириб боришга эришишда қўл келадиган янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш она тили таълимини такомиллаштириши маълум бўлди.

3.Ўқувчиларнинг орфоэпия, орфография, фонетика, лексика ва морфология бўлимларида олган билимлари ва унинг кўникмага айланиш даражаси, фойдаланилган ўқув материалларининг ўзлаштирилиш жараёни махсус ўрганилиб, ундаги камчиликлар, уларнинг сабаблари аниқлангач, мазкур камчиликларни бартараф этиш йўллари, омиллари ишлаб чиқилди. Шунингдек, дидактик имкониятларни англаган ҳолда методик жиҳатдан тўғри татбиқ этилди.

4.Тажриба-синов ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катталигини кўрсатди. Демак, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. 5-7 синф дарс жараёнида орфоэпия, орфография, фонетика, лексика ва морфология ўқитиш бўйича қўлланилган тавсиялар тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, ўқиш ва ёзиш каби нутқий кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги исботланди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1.Замонавий тил ўқитиш методикасида асосий эътибор нутқий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилади. Ўқувчини унинг ҳозирги ва кейинги ҳаётида зарур бўладиган мулоқот вазиятларига тайёрлаш назарда тутилади. Жумладан, она тили таълимида ҳам бугунги давр талаби – ўқувчида тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини ҳосил қилишдир. Меъёридан ортиқ грамматик маълумотлар, агар нутқий компетенцияни ривожлантиришга хизмат қилмаса, самарасиз ўқув материали бўлиб қолаверади.

2.Ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашиш, хусусан, матн устида ишлаш орқали ўқувчида тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини бир машғулотнинг ўзида ҳосил қилиш методикаси она тили таълимини такомиллаштиришга сезиларли таъсир кўрсатади.

3.Она тили таълимида нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантириш механизми мавжуд бўлмагани сабабли жорий таълим мазмуни ўқувчида нутқий компетенцияни ривожлантириш имконини бермайди. Бугунги она тили ўқитиш методикасида икки ёндашув ёнма-ён турибди. Бири жаҳон тажрибасига тўла мос ҳолатда тилнинг грамматик структурасига таянмасдан фақат нутқий кўникмаларни, хусусан, хорижий тилларга хос тўртта кўникмани ривожлантириш бўлса, иккинчиси – анъанавий грамматика асосида она тили ўқитиш. Ўқувчи она тилидан эгаллаган кўникмалари асосида хорижий тилларни ўзлаштиради, бизнингча, чет тилларни яхши ўзлаштириш учун ўз она тилининг асосий грамматик максимумини билиши лозим.

4.Жорий она тили таълими жараёнларини кузатиб, шундай хулосага келиндикки, грамматика ўқитишга асосланган она тили таълими ҳам ўзини оқламади, яъни ўқувчилар келажакда тилшунос бўлмасалар-да, уларга қайси соҳани танлашларидан қатъи назар тил сатҳлари батафсил ўқитилди ва бу ўқувчиларнинг фандан бешишига, машғулотдан зерикишига олиб келди.

амалдаги машғулотларда ўқувчига “Сўз туркумларини топинг”, “ Матндаги сўзларни туркумларга ажратинг” каби топшириқлар прагматик характерда эмаслиги, ўқувчи нутқий кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилмаслиги, эртанги ҳаётида деярли фойдаланмаслиги маълум бўлди.

5. Таълим мазмуни, хусусан, давлат таълим стандартлари, дастур ва дарсликлар таҳлил қилинганда йигирма биринчи аср бошларида Ҳ.Неъматов ва А.Ғуломовлар томонидан таълим мақсади тўғри қўйилган эди ва шунга мос равишда таълим мазмуни ва усули ҳам тўғри танланган эди, яъни таълим усули индуктив бўлиб, прагматик ёндашувда ўқитиш бошланган эди. Шунда ўқувчиларда нутқий кўникмаларни ривожлантиришга эришиш мумкин эди. Бироқ мазкур ёндашув тез фурсатда амалиётдан олиниб, грамматика ўқитишга асосланган, узвийлаштирилган таълим дастури ишга тушди. Бугунги кунда яна нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришга, прагматик ёндашувга катта эҳтиёж сезилмоқда.

6.Она тили таълимига доир ўқув материалларини тизимли такомиллаштириш бўйича тавсиялар, янгича ёндашувлар тақдим қилинди. Нутқий кўникма ва малакаларни ривожлантириш учун мактабларда орфография ва орфоэпияни ўқитишда, асосан, машқлардан, лексикология, морфология ўқитишда эса топшириқлардан унумли фойдаланиш лозим. Ўқувчиларда тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмалари такрорга асосланган машқлар орқалигина ҳосил қилинади.

7.Нутқий кўникмаларни тизимли ривожлантиришда, афоризмлар, ибратли матнлар билан бир қаторда илмий, публицистик матнлардан фойдаланиш яхши самара беради. Шунингдек, ўқувчиларга машғулотлар давомида илмий, илмий-оммабоп матнлар устида ишлашга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Матнга йўналтирувчи ўқув топшириқлари бир пайтнинг ўзида тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини ривожлантира олиши мақсадга мувофиқдир.

8.Бир пайтнинг ўзида матн асосида тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган махсус

топшириқлар тизими ишлаб чиқилиб, дарс жараёнида қўллаб кўрилса, нутқий малакаларни тизимли тарзда шакллантиришга эришиш мумкин. Она тили таълимида ўқиш саводхонлигини ривожлантирувчи турли мавзу ва услубларда яратилган, тарбиявий характердаги, ўқувчиларда иштиёқ уйғотувчи матнлар тўплами ва улар билан ишлашга мўлжалланган ўқув топшириқлар тизимини жорий қилиш лозим.

9. Чет тилларни ўқитишга мўлжалланган тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини ривожлантиришга қўйиладган талабларни тўғридан-тўғри она тили таълимига қўллаб бўлмайди. Тилнинг ташувчилари бўлган 5-7 синф ўқувчилари ўз она тилида тинглаб тушуна олади, ўқиб тушуна олади, гапира олади, фақат ёзма саводхонлиги ва адабий талаффуз кўникмасида камчиликлар мавжуд. 5-7 синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, нутқий кўникмаларни дидактик, интерфаол ёндашувлар асосида ҳам ташкил этиш яхши самара беради.

10. Ўтган узоқ давр мобайнида биз она тилидан ўқувчиларнинг, асосан, билимини баҳолаб келдик. Аслида ҳаётий вазиятларда ўқувчилардан кўпроқ кўникма ва малакалар талаб қилинади, шу маънода она тили таълимида ривожлантирилиши кўзда тутилаётган нутқий кўникмаларни баҳолашни ҳам тизимлаштириш зарур.

11. Тажриба-синов ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катталигини кўрсатди. Демак, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. 5-7 синф она тили машғулотларида орфоэпия, лексика ва морфология ўқитиш бўйича қўлланилган тавсиялар матн устида ишлаш орқали тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш каби нутқий кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги исботланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Она тили. Адабиёт. – Т.: Шарқ, 1999. – 304 б.
2. Умумий ўрта таълимнинг она тили фанидан давлат таълим стандарти ва ўқув дастури.–Тошкент: 2017. –69 б.
2. Умумий ўрта таълимнинг она тили фанидан давлат таълим стандарти ва ўқув дастури.–Тошкент: 2017. –69 б.
4. Ўзбек мактабларида она тили ўқитиш концепцияси. –Тошкент: ЎзПФТИ, 1993. – 21 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни.–“ICTWEEK Uzbekistan–2016” ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги.–2016 йил, 20 сентябрь.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.//2020 йил. Lex.uz.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

9. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.– Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
10. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

III. Монография, илмий рисола, дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар

11. Абдулаҳатова Р., Юсупова Т., Дўсанов К. Тил таълимида узвийлик ва узлуксизлик. –Т: 2008. – 30 б.
12. Антонова Е.С. Методика преподавания русского языка: коммуникативно-деятельностный подход Текст.: учеб. Пособие для студ., аспирант. и преподавателей пед. учеб. заведений / Е.С.Антонова. М.: КноРус, 2007. – 464
13. Асқарова М., Қосимова К. Ўзбек тили. 5-синф учун дарслик. –17-нашр.–Т.: Ўқитувчи, 1992. –192 б.

14. Бабайцева, В. В. Лингвометодические основы преподавания русского языка в общеобразовательной школе Текст: пособие для учителя / В. В. Бабайцева, Л. Д. Чеснокова, А. П. Еремеева. М.: Изд-во НИИ школ министерства просвещения РСФСР, 1980. – 79 с.
15. Бонк Н. А., Котий Г. А., Лукьянова Н. А. Учебник английского языка. – М.: Деконт, 1999. – 456 с.
16. Боровков А., Гуломов А., Маърупов З., Шермухаммедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. Етти йиллик ва ўрта мактабларнинг 5-6 синфлари учун дарслик. I қисм. Фонетика ва морфология. –Т.: Ўздавнашр, 1946. – 227 б.
17. Боровков А., Маърупов З., Шермухаммедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. I қисм. Морфология. IX нашр. – Т.: Ўздавнашр, 1951. –186 б.
18. Боровков А., Маърупов З., Шермухаммедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. I қисм. Морфология. XII нашр.–Т.: Ўз.Давўқпеддавнашр, 1954. –227 б.
19. Боровков А., Маърупов З., Шермухаммедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. I қисм. Морфология. XIV нашр. –Т.: Ўзўқувпеддавнашр, 1956. – 224 б.
20. Боровков А., Маърупов З., Абдуллаев Й., Шермухаммедов Т. Ўзбек тили дарслиги. 5-6 синфлар учун. I қисм. Фонетика ва морфология.–Т.: Ўқувпеддавнашр, 1957. – 189 б.
21. Боровков А., Маърупов З. Абдуллаев Й., Шермухаммедов Т. Ўзбек тили дарслиги. 6-7-синфлар учун. II қисм. Синтаксис. –Т.: Ўзўқувпеддавнашр, 1958. – 287 б.
22. Буслаев Ф.И. Преподавание отечественного языка Текст. / Ф.И.Буслаев / сост. И.Ф.Протченко, Л.А.Ходякова. М.: Просвещение, 1992. –512 с.
23. Гац И.Ю. Методика русского языка в задачах и упражнениях Текст. Учеб. пособие для студентов пед. вузов / И. Ю. Гац. М.: Дрофа, 2007.– 287.
24. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Чет тиллар олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик.– Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 368 б.
25. Зиёдова Т. Матн яратиш технологияси –Т.: Фан, 2008. – 155 б.

26. Зиёдова Т. Тилсим топишмоқлари – нутқий фаолиятни шакллантириш омили: Она тили ўқитувчилари учун методик қўлланма. – Тошкент: РТМ, 1999. – 73 б.
27. Зиёдова Т. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш. – Тошкент: РТМ, 2000. – 163 б.
28. Иброҳимов С. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида. –Т.: Фан, 1972. – 116 б.
29. Идеографические аспекты русской грамматики / Под ред. В.А.Белошапковой и И. Г.Милославского. – М.: МГУ, 1988. – С. 9–10.
30. Йўлдошева Д. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида таълим мақсадини белгилашнинг дидактик асослари.–Т.: Фан, 2006. – 84 б.
31. Йўлдошева Д. Н. Она тили таълими мақсадининг тадрижий тараққиёти– Тошкент: . Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2013. – 168 б
32. Камолов Ф. Орфоэпия, Ҳозирги замон ўзбек тили. –Т.: Фан. 1957.– 173 б.
33. М.Кошғарий . Девону луғотит турк. I, II, III. –Т.: 1976. – 354 б.
34. Лафасов Ў., Исмоилов А., Мадвалиев А. Ўзбек тили (университет ва институтларнинг бакалавр мутахассислиги русийзабон гуруҳлари учун дарслик). –Тошкент, 2008
35. Лернер И. Я. Дидактические основы методов обучения Текст. / И. Я. Лернер.–М.: Педагогика, 1981. –186 с.
36. Литневская Е.И., Багрянцева В.А. Преподавания русского языка в средней школе: Учебное пособие для студентов высших учебных заведения – М.: Академические проект, 2006. – 590 с.
37. Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А., Қодиров В., Жўрабоева З. Она тили. Умумтаълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. – Т.: Маънавият, 2007. – 224 б.
38. Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А., Қодиров В., Жўрабоева З. Она тили. Умумтаълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. – Т.: Маънавият, 2015. –224 б.

39. Мирзаев И., Болтаев М. Ўзбек тили (ОЎЮ рус гуруҳлари учун дарслик). –Тошкент, 2004.
40. Мирзақулов Т. Грамматика ўқитишнинг лингвистик асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1994. –56 б.
41. Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси. – Т.: Фан, 2013. – 424 б.
42. Мирқосимова М., Алимова Ш., Зоитова О., Умарова Н. Ўзбек тили (техника университетининг русийзабон талабалари учун қўлланма). – Тошкент:ГДТУ, 2004.
43. Назарова С. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 9–21
44. Неъматов Ҳ., Ғуломов А., Абдураимова М., Қосимова Н. Она тили. Умумтаълим мактабларининг 5-синфи учун синов дарслиги. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 170 б.
45. Неъматов Ҳ., Ғуломов А., Абдураимова М., Қосимова Н. Она тили. Умумтаълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик.– Т.: Ўқитувчи, 2000. – 144 б.
46. Неъматов Ҳ., Ғуломов А., Зиёдова Т. Ўқувчилар сўз бойлигини ошириш. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1996. – 125 б.
47. Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1992 – 92 б.
48. Неъматова Г. Ижодий тафаккурни ривожлантириш технологияси ва ўқитувчининг мустақил фаолияти. Она тили ўқитувчилари учун методик тавсиялар. –Тошкент, 2001. – 96 б.
49. Нурмонов А., Собиров А., Қосимова Н. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 1-босқич талабалари учун дарслик.– Тошкент: Илм зиё, 2010. – 160 б.
50. Рамазан Қ., Қажжумиж Х. Грамматик. Сарф. ўрта мактаблар учун дарслик. II қисм. –Т.: Ўқувпеддавнашр, 1937. –149 б.
51. Решетов В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка.–Т.: Учитель, 1965. -244 стр.

52. Розентал Д. Е., Теленкова Н.А. Словарь лингвистических терминов. Способие для учителей. –М.: Просвишение, 1972. –223 стр
53. Сафарова Р., Иноятова М., Неъматов Ш., Қучкарова Ф. Ўқув материалларини концентризм тамойили асосида танлашга оид дидактик ёндашувлар. –Т.: Фан ва технология, 2012. – 72 б.
54. Сафарова Р., Нуржанова Р., Неъматов Ш., Қучкарова Ф. Замонавий дарсликларда концентризм принципи асосида тақдим этиладиган ўқув материалларини танлаш ва блокларга ажратиш. –Т.: Фан ва технология, 2013. – 128 б.
55. Сафарова Р., Юсупова Ф., Неъматов Ш., Қучкарова Ф. Она тили ва ўқиш дарсликларида концентризм тамойили асосида тақдим этиладиган ўқув материалларини синфлар кесимида лойиҳалаштириш. –Т.: Фан ва технология, 2014. -128 б.
56. Сафарова Р. Она тили таълимнинг янгиланган мазмуни ва унинг дидактик асослари. – Т.: Фан, 1995. – 108 б.
57. Турдиева К., Аҳмедова Д. Ўзбек тили (олий ҳамширалик иши таълим йўналиши рус гуруҳлари талабалари учун дарслик). –Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.
58. Турдиева К., Аҳмедова Д. Ўзбек тили (тиббиёт институтларининг рус гуруҳлари талабалари учун дарслик). –Тошкент: Мусиқа, 2007-204 б
59. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. – 399 б.
60. Тўхлиев Б., Иноғомова Р., Абдулаҳатова Р. Дарсликлар билан ишлаш методикаси. –Т.: ТДПУ, 2008. – 51 б.
61. Тўхлиев Б., Шамсиева М., Зиёдова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. –Т., 2010. – 184 б.
62. Тўхлиев Б., Юсупова Ш., Зиёдова Т., Охунжонова О., Жумашев Д. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. Амалий ва лаборатория машғулотлари учун. –Тошкент: Баёз, 2012. – 152 б.

63. Тўхлиев Б., Юсупова Ш., Райимбердиева З. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарсларида юксак маънавиятли шахс тарбияси. –Т.: Маънавият, 2010. – 82 б.
64. Усман А., Авизов Б. Ўзбек тили грамматикаси. Биринчи бўлим. Фонетика ва морфология. Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар учун дарслик. – Т.: Ўздавнашр, 1939. – 235 б.
65. Усмонова Ў. Талаффуз маданияти. –Т.: Фан, 1976. – 57 б.
66. Ушинский; К. Д. Избранные педагогические сочинения. Вопросы обучения. – М.: Мин-во Просвещения РСФСР, 1954. – 736 с
67. Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар. ЫВ жилд. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2006. – 227-б.
68. Шамс М., Содиқов Т. Ўзбек тили дарслиги. IV қисм. Бошланғич мактаблар учун. –Т.: Ўздавнашр, 1948. –129 б.
69. Шамс М., Содиқов Т. Ўзбек тили дарслиги. Бошланғич мактабларнинг 3- синфлари учун.–Т.: Ўқувпеддавнашр, 1956. – 132 б.
70. Шамс М., Содиқов Т. Ўзбек тили дарслиги. Бошланғич мактабларнинг 4- синфлари учун. –Т.: Ўқувпеддавнашр, 1956. – 123 б.
71. Шамс М. Ўзбек тили дарслиги. III қисм. Бошланғич мактаблар учун.–Т.: Ўздавнашр, 1945. –123 б.
72. Щерба Л.В. Фонетика французского языка. –М.: Просвишение,1948.– стр. 190–199.
73. Языкова. Н.В. Сборник задач и заданий по методике преподавания иностранных языков: Пособие для студентов –Л.: Просвишение, 1997. –256 с.
74. Ғуломов А., Маърупов З., Шермуҳаммедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. II қисм. Синтаксис. 6-7 синфлар учун дарслик. –Т.: Ўздавнашр, 1949. – 146 б.
75. Ғуломов А., Нейматов Ҳ. Она тили таълими мазмуни: Она тили ўқитувчилари учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.
76. Ғуломов А., Қобилова Б. Нутқ ўстириш машғулоти. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 160 б.

77. Ғуломов А., Қодиров М. Она тили ўқитиш методикаси. – Т., Ўқитувчи, 2001. –221 б.

78. Ғуломов А. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. –Т.: Ўқитувчи, 1992. – 225 б.

79. Ғуломов А. Ўзбек тилида урғу. –Т.: ЎзМУ, 2009. – 80 б.

80. Ғозиев Э. Умумий психология. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари жамияти нашрети, 2010, – 423 б

81. Ҳусанов Н., Шокирова С., Шайхова К. Ўзбек тили (иқтисодий йўналишдаги ОЎЮ учун ўқув кўлланма). – Тошкент,1999.

IV. Матбуот материаллари ва илмий мақолалар

82. Аванесов Р.И. Вопросы русского литературного произношения // Русский язык в школе.– М., 1937. – № 3. – С. 83-93.

83. Аминова С. Она тили дарсларида ноанъанавий усуллар // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1995. – № 1. – Б. 17-18.

84. Бектошев Ш. Она тили дарсларида ўйин усулидан фойдаланиш // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1993. – № 5-6. – Б. 15-16

85. Давронов И. Алгоритмик машқ ва унинг хусусияти.// Филология ва услубиёт масалалари. Илмий –услубий мақолалар тўплами.–Бухоро: 2010. – Б.188-193.

86. Мирзаев И.К. Она тили таълими мазмунини ислоҳ қилиш – давр талаби. –Тошкент, ТДПУ, 2001. –Б. 84-88.

87. Мирзаев И.К. Ўзбек ва рус тиллари грамматикаларида фонетик материалларнинг берилиши ҳақида айрим мулоҳазалар// ҚарДУ ахборотномаси.– Қарши, 2010. – № 3 – Б.61-63.

88. Новиков А. М. О развитии методических систем Текст. / А. М. Новиков // Специалист: ежемесячный теоретический и научно-методический журнал. – М., 2006. –№ 9. –С. 21-24.

89. Фортунатов, Ф. Ф. О преподавании русского языка в средней школе Текст. / Ф. Ф. Фортунатов. // Русский язык.– М., 1998. – № 14. – С. 6-11.

90. Щерба Л.В. О нормах образцового русского произношения Текст. /Л В. Щерба // Русский язык в школе. –М., 1936. –№ 5. –С. 66-69.

91. Щерба, Л.В. Современный русский литературный язык Текст. / Л В. Щерба // Русский язык в школе.–М., 1939. –№ 4. – С. 20-21.

92. Ўзбек мактабларида она тили таълими концепцияси // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 1994. – № 1. – Б. 8-13.

93. Ҳамроев А. Она тили таълимида нутқдан тилга қараб бориш. Филология ва услубиёт масалалари. Илмий-методик мақолалар тўплами.– Бухоро, 2010. –Б.176-180.

V. Анжуман материаллари

94. Жалолов Ж.Ж., Мирзаев И.К. Ф. И. Буслаевнинг тил таълимига доир қарашлари// Республика илмий - амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДПУ, 2008. –Б.127-131.

95. Мирзаев И.К. Она тили таълимини ислоҳ қилиш зарурлиги ҳақида айрим қайдлар. “Сўз” илмий семинари материаллари. – Самарқанд: СамДУ, 2003. – Б.13-17.

96. Мирзаев И.К. Она тили ва адабиёт дарсларини қўшиб ўқитиш – давр талаби// “Ўзбек тили” Доимий 9-анжумани материаллари. –Тошкент: РТМ, 2007. – Б.275-276.

97. Мирзаев И.К. Таълим дарслиқдан бошланади. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: ТДПУ, 2008. – Б.244-248.

98. Мирзаев И.К. Таълим мазмунини янгилаш муаммолари. Ўзбекистон педагогика фанлари ўқитилишининг долзаб муаммолари. Республика назарий-амалий конференция материаллари. –Т., 2003. –Б.145-150.

99. Мирзаев И.К. Филолог – ижодий тафаккур соҳибини тайёрлаш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДПУ, 2004. –Б.102-106.

100. Мирзаев И.К. Ҳозирги тилшуносликнинг айрим ғоялари ва тил таълими. Илмий анжуман материаллари – Самарқанд: СамДУ, 2010. –Б.29.

101. Сайдалиев С., Турдиева Ж. Маданиятлараро мулоқот методи асосида чет тил талаффузини ўргатиш. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ТДПУ, 2008. –Б.127-131.

VI. Диссертация ва диссертация авторефератлари

102. Адилова С. Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологиялари воситасида ташкил этиш: Пед. фан. ном. ... дисс. –Тошкент, 2004. –135 б.

103. Акрамова Л. Обучение письменной речи на базе научного текста по специальности в группах одаренных студентов медицинских вузов: Автореф. кан. дис. ... пед. наук. –Тошкент, 2001, –20 с.

104. Алавудинова Н. Она тили дарсларида ижодий фикрлаш кўникмасини шакллантириш методикаси. Пед. фан. ном-ди дисс. автореф. – Т.: ТДПУ, 2008. – 24 б.

105. Аҳмедова Г.М. Ўзбек тили дарсларида ўқувчилар нутқини ясама сўзлар билан бойитишнинг методик асослари: Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2006. –128 б.

106. Аҳророва Г. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида кўмакчили бирикмаларни ўрганиш методикаси: Пед. фан. ном. дис. –Тошкент,1999. –132 б.

107. Бобомуродова А.Я. Она тили таълими жараёнида ўйин-топишмоқлардан фойдаланиш. Пед. фан номзоди дисс. – Тошкент, 1996. – 146 б.

108. Булохов В. Я. Повышение орфографической грамотности учащихся в свете теории речевой деятельности Текст. Автореф. дисс. д-ра пед. наук: 13.00.02 / Виктор Яковлевич Булохов. –М., 1994. – 35 с.

109. Воителева Т. М. Формирование коммуникативных умений и навыков учащихся 5-9 классов на уроках русского языка Текст. Автореф. д-ра пед. наук : 13.00.02 / Татьяна Михайловна Воителева. –М., 2000. – 38 с.

110. Гулямов А. Методика развития учебно - познавательной активности учащихся в процессе преподавания родного (узбекского) языка. Автореф. д-р пед. наук. –Т.: ТГПИ, 1991. – 37 б.

111. Дадажоновна Н. Ўзбек тили таълими жараёнида олий ўқув юртларининг нофилологик ихтисосликларида ўқийдиган талабаларнинг нутқи устида ишлаш методикаси: Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 1996. –22 б.

112. Жўраев М. Ўзбек тилини давлат тили сифатида ўргатиш методикасининг шаклланиши (ОЎЮда давлат тили таълими мисолида): Пед. фан. ном. ... дис. –Тошкент, 2005. 24 б.

113. Зиёдова Т.У. Она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш. Пед. фан.номз. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 141 б.

114. Йўлдошев Р. Изучение падежных конструкций на уроках узбекского языка в III-IV классах школ с русским языком обучения: Канд.дис. ... пед. наук. –Тошкент, 1979. -138 с.

115. Кадырова Ф. Р. Лингводидактические основы обучения детей дошкольного возраста второму языку (на материале русского и узбекского языков): Док. дис. ... пед. наук. –Тошкент, 2006.

116. Ларионова Л.Г. Коммуникативно-деятельностный подход к изучению орфографических правил в средней школе. Автореф. д-ра пед. наук : 13.00.02 / Людмила Геннадиевна Ларионова.– Ростов н/Д, 2005. – 36 с.

117. Мирзоҳидова Ҳ. Ўзбек мактабларида фонетикани қирғиз тилига қиёслаб ўрганиш. Пед. фан. ном-ди дисс. ТДПИ –Тошкент, 1998. – 143 б.

118. Муҳаммаджонова Г. Дарсдан ташқари машғулотларда русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш методикаси: Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2003.139 б.

119. Муҳиддинова Х. Таълим босқичларида ўзбек тили ўқитилиши узлуксизлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш. Пед. ф. ном-ди дисс. – Тошкент: ТДПИ, 2011. – 270 б.

120. Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини

ўрганишнинг назарий ва методик асослари (рус гуруҳлари мисолида): Пед. фан. ... док. дис. –Тошкент, 2007. 242 б.

121. Рихсиева М. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларни матн тузишга ўргатиш: Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент: 1998. –138 б.

122. Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси. Пед. фан. ном. дисс. авреф. –Тошкент: ТДПИ, 2000. –25 б.

123. Сафарова Р. Миллий тикланиш шароитида Ўзбекистон мактабларида она тили таълими назарияси ва амалиёти. Пед. фан. док-ри. дисс. –Т., 1998. –252 б.

124. Тошев И. Умумтаълим мактабларида қўшма гапнинг янги талқини. Пед. фан. ном-ди дисс. автореф. – Тошкент: ТДПИ, 1999.– 20 б.

125. Тошхўжаева Д. Матн мазмунини ўз сўзлари билан қайта ҳикоя қилишга ўргатишнинг методик асослари. Пед. фан. ном. ... дис.–Тошкент, 2000. –132 б.

126. Умарова Ф. Русийзабон ўқувчиларнинг нутқини кўмакчили бирикмалар воситасида бойитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. ном. ... дис. –Тошкент, 1998. – 142 б.

127. Умарова Н. Талабаларнинг ўзбекча ёзма нутқини ўстиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш методикаси: Пед. фан. ном. ... дис. –Тошкент, 2007. –146 б.

128. Эргашева М. Ўзбек тили дарсларида ўқувчилар нутқини феъллар билан бойитиш: Пед. фан. ном. ... дис.–Тошкент, 1993.

129. Юсупова Ш. Она тили таълими самарадорлигини ошириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш. Пед. фан. ном-ди дисс.– Тошкент: ТДПИ, 1998. –137 б.

130. Юсупова Ш.Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. доктори ... дисс. – Тошкент: ТДПИ, 2005. – 270 б.

131. Юлдашева Н. Умумий ўрта таълим мактабларида луғавий синонимларни янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикаси. Пед. фан. номзоди дисс.–Т., 2002. –123 б.

132. Қорахўжаева М. Фейлларни ўқитиш асосида нофилологик гуруҳлар талабаларининг касбий нутқини шакллантириш методикаси: Пед. фан. ном. ... дис. –Тошкент, 2002. –139 б.

133. Қурбонова Г. Тиббиёт институтларининг рус гуруҳларида “Ўзбек тили” фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ихтисосий нутқи устида ишлаш методикаси: Пед. фан. ном. ... дис. –Тошкент, 2000. –142 б.

134. Қурбонова Х. Она тили таълими мазмунини янгилашнинг лингвометодик асослари. Пед. фан. ном. дисс. автореф.– Тошкент: ТДПИ, 2005. – 25 б.

135. Ганиев Т. Она тили бўйича машқлар бажариш жараёнида ўқувчиларнинг билим фаолиятини фаоллаштириш. Пед. фан. ном. дисс. автореф.–Т., 1991. – 22 б.

136. Гуломов А. Ўзбек мактабларида она тили дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишлари. Пед. фан. ном-ди дисс.– Тошкент: ТДПИ, 1975.

137. Ҳолиқбердиев Қ. Ўқишлар рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилидан дастлабки таълим: Пед. фан. ном. ... дис.– Тошкент, 1971.

138. Ҳусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. док-ри дисс.– Тошкент: ТДПИ, 2006. – 262 б.

VII. Луғатлар

139. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-том.–Т.: ЎзМЭ, 2004. – 445-б.

140. ЎзСЭ 8-том. /Гуломов.А.Ғ. мақоласи / –Т.: ЎзСЭ, 1981. – 394-б.

141. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.:
Ўқитувчи, 1985. – 65 бет.

VIII. Интернет материаллари

- 142. www.bimm.uz
- 143. www.ziyonet.uz
- 144. www.Lex.uz
- 145. www.twin.com
- 146. www.языкознание.ру